

ГҮЛІСТОН

11(23).1968

R 496
1968/11

Экз
№

Вся власть советам!



ЯШАСИН УЛУҒ ОКТЯБРЬ
СОЦИАЛИСТИК ИНҚИЛОБИ!



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
журнали



R 496

№ 11 (23)

ноябрь

1968

4000000 БАЛЛИ!

Экз
№

Пахтакорларнинг паҳлавонлик меҳнати, оқилона изланishi табиатнинг ёввойи кучини, туйқусдан келган офатларни енди; диёримизнинг тўрт миллион тонналик хирмони азамат тоғ янглиқ қад кўтарди. Бу ғалабадан бутун советлар эли, халқлар мамнун, кўнгиллар шод; балли пахтакор, бағри кенг, дили дарё шер! Офарин!

Пахта заҳмати йил бўйи. Пахтакор деҳқон бобонинг бу хусусда ўз нақли бор: оши пахтада, иши тахтада... Ҳа, қиш бўйи тупроқни аллалайди, ардоқлайди, унга жир бахш этади деҳқон; ҳамал шамоли дов-дарахтни силкиши, новрўз кириши билан тупроқ қўзғатади, унга амал кучи беради деҳқон; тупроққа чигит ташлаб тепасида пойлайди, сап-сарик мурғак гўза икки қулоғида уруғ пўстини кўтариб чиқади, деҳқоннинг кўзлари чарақлайди, кўнгли ўсади; уни энди оламга келган чақалоқдай авайлайди; илк баҳорнинг ногаҳоний аёзи, ола-тасир жаласига кўксини қалқон қилади, мурғак ўсимликка юрак тафти билан куч, ривож бахш этади. Гўзалар ўсади, ер бетини яшил гилам бўлиб қоплайди, деҳқон уни шона ва гулга шайлайди, ризқини узмайди, чанқатмайди, ҳар туп гўза атрофида қайта-қайта айланади: очиқмадими, ташна бўлмадими?

Ўзбек пахтакори айниқса бу йил кўп хил табиий офатга қарши курашда ғолиб чиқди, касб-корига, миллий ғурурига доғ туширмади, оқ олтинни камайтirmaди, заҳматининг мевасини оқ тоғ қилиб кўтарди: кўриб кўз қувонади, дил яйрайди.

Шунинг учун ҳам сени — азиз пахтакорим москвалик олим, ивановалик тўқувчи, ленинградлик санъаткор, украиналик кўмирчи, молдавиялик боғбон, латвиялик балиқчи, қозғистонлик чўпон, кавказлик соҳибкор чин юракдан қутлаб, муборакбод этмоқда!

Аму соҳилларида мардлик намунасини кўрсатган хоразмлик ёшулли, қорақалпоғистонлик йўлдош, кўриқ ерларда гавҳар ундирган сурхондарёлик, қашқадарёлик, сирдарёлик чўлқуварлар, «кўҳна ва ҳамиша навқирон» деган тавсифи ўзига ярашиб тушган бухоролик, самарқандлик шоввозлар, қанча-қанча табиий офатларни енгиб, марра сари интилаётган Фарғона, Тошкент, Наманган, Андижон областларининг ўт юрак азаматлари — ҳорманг энди! Қучан зафарингиз муборак!

Ватан, партия, халқимиз сенинг бу олийҳимматингни ҳеч қачон унутмайди! Бундан кейин ҳам сенга зафарлар ҳамиша ёр бўлсин, танти пахтакорим!

Деҳқон излари

Осон эмас
 олтин топмоқ,
 Олтин ерда бўлару
 ётмас оёқ остида.
 Пахта очилганда оппоқ-оппоқ,
 Чирой очилади ўзбек ёзидай!
 Чирой очилади,
 Аммо
 пахта
 очилгунча
 Пахтакор
 далада
 кунда қуяди.
 Ғўзалар шоналаб
 кўсак туккунча
 У жонин кафилга қўяди.
 Ҳар кесак ўтади бир-бир саноқдан.
 Ҳар зарра тупроқни қоради терга.
 Олтин тугулгунча жажжи чаноқда
 Умрини,
 Шуурин беради ерга!
 Ёшлигини берар,
 Кексалигин ҳам,
 Чиройин сарфлар олтинга.
 Чиройин беради,
 шундан у кўркам!
 Кўзни қамаштирар ўхшаб ёлқинга!
 Ёзинин қоқ ўртаси...
 қўйиб қолар жала,
 Ғўзани мих қилиб ерга қоқади,
 Қишдаги шудгордек тақир яна дала.
 Юзида
 бўтана оқади.
 Деҳқон чиқиб келар,
 Жигар-бағри хун,
 Далагамас,
 ёғар унинг ичига жала.
 Нафасин қўйганда
 таралар тутун,
 Гугурт чақсаин ёнар,
 шу палла!
 Шунча ёғин
 ёнғинини ўчиролмайди,
 Ёмғир савашини қилмайди писанд.
 Оқ олтин меҳрида
 толмайди,
 Пахтаси меҳрига юраги пайванд.
 Уймаса ундирар,
 Кўзин тикади,
 Ғўза гуллаганда
 гул-гул яшнар у.
 Бир ғўза учун у
 юз бел букади,
 Топгани,
 Тутгани,
 Кутгани
 шу,
 шу!
 Очилди!
 Битта сўз,
 аммо бутун юрт
 Чиройи очилиб кетади.
 «Очилди» сўзида
 аҳди бор,
 бор бурд.
 Пахтакор муродга етади!
 Муродга етади,
 Қора тупроқдан
 Олтин ундиргани...
 ҳар йили шундай...
 Ҳар деҳқон юраги лўппи чаноқда,
 Чаноқда
 мусаффо юраклар унгай.
 Пахта очилади.
 Бахт-саодат бу!
 Зиммада меҳнат бор —
 йўқ ҳеч поёни...
 Ўзбекининг муқаддас ўзбеклиги
 шу!
 Кийинтирмоқ осон эмас
 Дунёни!

ТАСАНИ О!

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини пахта далаларида эришган янги зафарлари билан қутлайман. Сизларнинг қаҳрамонона меҳнатингиз 4 миллион тоннали қимматбах о пахтани давлат омборларига етказиб топириш билан яқунланди. Ўзбекистоннинг бепоев далаларида йўл-кўл «оқ олтин» етиштирилаётгани қувончлидир. Эсимда, бир маҳаллар бу далаларни шўр босиб ётарди, қум ва қамши билан қопланган эди. Урта Осий, жумладан, Ўзбекистон тупроғида босмачиларга қарши курашган незларимизда биз, коммунистларнинг кенса авлоди мана шу жойларнинг озод, обод бўлишини, хур нишаларнинг ўз ерларининг чин эгалари бўлиб қолишини жуда-жуда орзу қилган эдик. Мен республикангизнинг олий нишони — Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденини зўр фахр билан сақлаб келаман. Мен Ўзбекистондан, хусусан Фарғона область колхозчиларидан олган хатларни эъозлаб сақламоқдаман. Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари инъом қилган чопон, дўппи, белбоғни ҳам қимматбах совға сифатида асрабман.

Эндликда республика далаларида пахтанорларнинг ишончли қўлдоши бўлиш кўплаб техника ишлатилляпти. Сиз, азиз дўстлар фанни кунт билан эгаллаб, агротехникани урганиб, ажойиб механизаторлар бўлиб етишиб, жуда илгарилаб кетдингиз. Эндликда сизларга ҳар қанақа янги марралар ҳам писаб эмас.

Бу марраларни эгаллашнгизда учрайдиган барча қийинчиликларни сабот билан ениб ўтишингизга аминман.

С. М. БУДЕННИЙ,
Совет Иттифоқи Маршали.

ИВАНОВО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМТЕТИ БУТУН МЕХНАТКАШЛАР НОМИДАН ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИ ОНА.ВАТАН ХИРМОНИГА 4 МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТУҚКАНЛАРИ БИЛАН ҚИЗГИН ТАБРИКЛАЙДИ. ҚАРДОШ ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭРИШГАН МЕХНАТ ШАРАФИДАН ФАХРЛАНАМИЗ, ПАРТИЯНИЗ XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШДА, КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА ЯНГИ ДАН-ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЭРИШУВИНИ ТИЛАМИЗ. ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУҚМАЧИЛИК УЛКАСИ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ ДУСТЛИГИ ЯШНАЙВЕРСИН ВА МУСТАҚАМ ЛАНДВЕРСИН.

Иваново область партия комитетининг котиби КЛЮЕВ.

ТўРТ МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИБ, ЗАФАР ҚУЧҚАНИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИ ҚИЗГИН ТАБРИКЛАЙМАН. ҚАРДОШ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БУНДАН БУЕНГИ МЕХНАТДА ЯНГИ ЮТУҚЛАР, БАХТЛИ ҲАЕТ ТИЛАЙМАН.

АЙМАНОВ,
СССР халқ артисти,
ОЛМАОТА.

АХИР, ШУНЧА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ҚАРАМАЙ, ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ПЛАНИ БАЖАРИПТИЛАР. МИНГ ҚАТЛА ХУРСАНДМАН!

Юнус РАЖАБИЙ,
академик, бастакор.

Хонадонингга хушxabар кириб келса кишини оби ҳаётдай дарддан халос этади. Мен жуда қариман, бинобарин дардим ҳам йўқ эмас, лекин тан олишим керакки, Ватанимнинг қайси бир бурчагида меҳнатнинг ҳурмат, роҳат-фароғат, уйда фаровонлик билан қадрлинишини ешитганимда дардларим аригандай бўлиб, кўпроқ ишлагим келади. Ушбу йил хотирамизда совет кишиларининг ижодий юксалиш йили, фазони ўзлаштиришда олимларнинг янги зафарлар йили, яна бир қаҳрамон — фазокор Г. Т. Береговойни таниган ва севиб қолган йилимиз, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг кўпгина ютуқлари йили бўлиб қолади.

Ўзбекистон деҳқонлари, сизларни табриклайман ва қутлайман. Сизлар етиштирган пахта Ватанимизнинг янги бойлигидир, бу билан биз ҳаммамиз қувонамиз.

С. Т. КОНЕНКОВ,
СССР халқ рассоми, Ленин мунофоти лауреати.

Ўзбекистон меҳнаткашларини республика пахта далаларида эришган натта зафари билан табриклайман. Ушбу йилги қаҳрамонона меҳнат деҳқончилиги илмининг кенг йўлга қўйилгани, янги терим машиналарининг конструкторлари, олимларининг айл-заковати туфайли яна зўр галаба билан яқунланди.

Ўзбекистон ҳамда Урта Осийдаги пахтанор республикалар йилдан йилга суръатни ошириб, юқори қўрсаткичларга эришляпти. Истеъодли механизаторлар бошқараётган машиналар нарвони Ўзбекистонда оғир қўл меҳнатини механизацияллаш суръати тобора ортиб бораётганидан да, олат беради.

Янги зафарлар ёр бўлаверсин, Ўзбекистон пахтанорлари.

Н. Н. СЕМЕНОВ,
Ленин ва Нобель мунофотларининг лауреати, академик.

МЕН ЎЗБЕКИСТОНДАН КЕЛИБ ТУРАДИГАН ХАБАРЛАРНИ ҲАМИША ЗУР ҲАЯЖОН БИЛАН КУЗАТАМАН. ЯҚИНДАГИНА ТОШКЕНТДАН ҚАЙТДИМ, УЛУГ ДЕНИШМАНД АЛИШЕР НАВОИЙ ТАНТАНАЛАРИДА ҚАТНАШДИМ. МЕХМОНДУСТ ТОШКЕНТИ, ДУСТАЛАРИМНИ, КУПЛАБ МЕХМОНЛАРИНИ ЯНА БИР БОР КУРИШ НАСИБ БУЛДИ. ҚУЕШЛИ, СЕРХАНДА ШАҲАР ШЕЪРИЯТИ, СЕҲРГАР РАҚОСАЛАРИ ВА МАШШОҚЛАРИ БИЛАНГИНА ЭМАС, РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚИММАТБАХО БОЙЛИГИ — ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ ҚУЛИ ГУЛ ХАЛҚИ БИЛАН ҲАМ ҲАҚЛИ СУРАТДА ФАХРЛАНАДИ.

Николай ТИХОНОВ,
ёзувчи.

Ўзбек халқининг қўшиқларида, достонларида, лапарларида, қасидаларида халқнинг бахт ҳақидаги орзу ораулари ақс этиб келган. Бу орзун Октбр ўшати, бу орзун халқларнинг ленинча дўстлиги ўшати. Дўстлининг қўлидан ҳамма нарса келади: чанқоқ сахрони суғориш, шаҳарлар бунёд этиш, конлар очилш... Кўп миллатли Ватанимиз халқлари ана шундай дўстликка мушаррафдир. Мен Ўзбекистон тупроғида ҳам кўпгина халқларнинг вакиллари яшашини биламан. Улар ўз ерларига дўстлик ва ҳамжиҳатликда биргалишб экин тинадилар, биргалишб ҳосил йиғдилар. Бунга республика далаларида етиштирилган бу йилги ҳосил яққол мисол бўла олади. Тагин рекорд ҳосил олинибди Азиз ўзбек дўстларининг меҳнаткашлари, сизларни эришган натта галабаси билан чин юракдан табриклайман. Агар меҳнатингиз жараёнида қўшиқ сизга ҳамроҳ бўлган бўлса билингики биз бахтиёрми.

В. И. МУРОДЕЛИ,
композитор.
МОСКВА

Пахтанорларимизнинг бу галабасини эшитиб, чин дилдан фахрландим, ғурурдландим. Бу галаба мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат, раванқиға раванқ қўшади. Бу галаба Улуғ Лениннинг 100 йили тўйига ҳам муносиб туҳфадир.

Шубха қилмайман: бу хушxabар бошқа қалам ахлларининг ҳам қалбини фахр, ғурур туйғиси билан тўлдирди... Демак, улар илҳомига илҳом кўшди.

Энди орзу қиламан: шу илҳом асар бўлиб қозоғга тушса, биз унда шу галаба баҳодирларининг ёрдин образларини нўрсан! Бу бизнинг чинакам галабамиз, чинакам туҳфамиз бўлар эди.


Комил ЯШИН,

Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси.



Трехгорчилар Ўзбекистондан келган бу хушxabарни айниқса зўр қувонч билан кутиб олмақдалар. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг энг оғир, масъулиятли дамлари ҳисобланган шу нўз фаслида биз кенг далаларда ҳосилнинг чўғи қанақалигини, қанча пахта йиғиб олинишини ҳаммаша кузатиб борамиз. Республика 4 миллион тоннали маррадан ўзди! Бу юксак марра тақдорданапти, энди биз бунга ҳайрон бўлаётганимиз йўқ. Чунки бу сўнги чегара эмас. Йил сайин экин майдонлари кенгайляпти, янги техника пайдар-пай келиб турибди, ёш мутахассис механизаторлар тобора кўпроқ етишмоқда. Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, бизнинг тўқимачилик фабрикаларимиз энгил саноатимиз минг-миг тонна янги ҳосилни қабул қилиб олишга шай турмоқлари керак. Биз, трехгорчилар ишонтираб айтганики, Ўзбекистон пахта толасини ҳар тарафлама пайланиб кутиб оламиз.

М. С. ФИЛАТОВ,
Дзержинский номидаги Москва «Трехгорная мануфактура» комбинатининг директори.





КУП АСРЛИК АЛОҚАЛАРИМИЗ
УФҚИДА ҚАРДОШ ДУСТЛАРИМИЗ.
НИНГ БУГУНГИ ЗАФАРИ ҚАЛБЛА-
РИМИЗНИ ҚУВОНЧГА ТУЛДИРДИ.
СИЗНИНГ ПАХТАДАН УЙГАН ТОҒ-
ХИРМОНИНГИЗ ҲАММАМИЗ УЧУН,
БУТУН МАМЛАКАТ УЧУН ЯНА БИР
ЯНГИ ЮКСАКЛИКДИР. ҚАРДОШ
ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИ
ЧИН ЮРАКДАН ҚУТЛАЙМАН, ҲАР
ОИЛАГА БАХТ-САОДАТ ТИЛАЙ-
МАН.

Берди КЕРБОБОВ,
ёзувчи.
АШХАВОД.

Ишонаманки келаянда қиш-
лоқ кўжалини маҳсулотлари ичида
энг кўп меҳнат талаб қиладиган
пахтани етиштириш иши, инже-
нер-техник ходимлар ва олимлар
ёрдамида, саноат йўлига кўчири-
лади. У вақтда табиат инжиқлини,
ри пахтачилигининг ривожлани-
шига ҳеч қандай хавф сола олмай-
диган бўлиб қолади. Давлат пах-
та тайёрлаш планини мардонавор
бажарган пахтакор азаматларга
шон-шарафлар бўлсин.

Муҳаммаджон УРОЗБОЕВ,
Ўзбекистон Фанлар акаде-
миясининг академиги.

ПАХТАКОРЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАРИ


Бу йил Ўзбекистон пахта-
корлари об-ҳаво шароитининг ёмон
нелишига қарамай, комплекс ме-
ханизацияга суянганлари ҳолда
мўл ҳосил етиштирдилар ва пах-
танинг энг кўп қисмини машина-
да териб олдилар.


Давлатга пахта сотиш плани-
нинг бажарилишида пахтакор
колхозчилар, ишчилар, механизатор-
торлар билан бир қаторда инже-
нер-конструкторлар ва олимлар-
нинг ҳиссаси ҳам каттадир.

Пахтакорларимизни, пахта илми
олимларини, агрономларни чин
қалбимиздан табриклаймиз! Улар-
га бахт-саодат, соғлиқ, келгуси
йилда яна омад тилаймиз.

Латиф ФАЙЗИЕВ,
Йўлдош АЪЗАМОВ,
кинорежиссёрлар.

ОФФЕРИ!





Тўхтаси **ИСМОИЛОВ** — Ленин нишонли машғал «Савай» совхозида меҳнат қилаётган юзлаб механик-ҳайдовчиларнинг байроқдори.

Ўзбек халқининг ифтихори — пахтамиз чаноқлардан бункерларга, бункерлардан тўрт миллион тоннали улкан хирмонларга жамланди.

Машғал Хоразмининг Ҳазорасп районидаги Наримонов номли колхозда Мавлон **САФОВ**, Сафо **ҚУРБОНОВ** ва Жумабой **ХУЖАНИЕЗОВ** тўрт юз тоннали улкан хирмон бунёд эттиди — уларнинг машинада терган пахтаси шунча бўлди. **С У Р А Т Д А:** Мавлон **САФОВ** билан Сафо **ҚУРБОНОВ**.

Илгор бригада бошлиғи Йўлдош **МАМБЕТОВНИ** Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз аъзолари ҳурмат қиладилар. Негаки, у бошлиқ бригада колхознинг 32 центнерли мўл-қўл ҳосилига салмоқли ҳисса қўшди.

Қашқадарёнинг «Косон» совхози далаларида 40 та терим агрегати ишлади. Шулардан бирини — ҳар куни 12 тоннагача пахта терган Жонкелди **ХОЛИҚОВ** бошқарди.

Кўҳна ва навқирон Бухорининг Қорақўл районида Норгул Олтибоевани ҳамма танийди. Бу чевар теримчи «Москва» колхозида кунига 200 килограммгача пахта терди.

Сурхондарёнинг қўриқ ерларидаги «Советобод» совхозида Шердон **РУЗИЕВ** довруқ таратди. У ҳар куни ўз агрегати билан тонна-тонна пахта тўкиб, область хирмониغا муносиб ҳисса қўшди.

Тамара **СОАТОВА** ўнинчи синфни тамомлаб, механизаторлар тайёрлов курсига кирди. Тамара Сирдарёдаги Акмал **ИКРОМОВ** номли совхозда терим агрегатини бошқариб, ҳозиргача 100 тоннадан ошириб пахта терди.



Ўзбекистон Фанлар
академиясининг
25 йиллиги

ЙИГИТ ЁШИДАГИ ФАН ЎЧОҒИ

ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН СУХБАТ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг тузилганига йигирма беш йил тўлди. Яқинда журналимиз ходими Академия президенти академик **Обид СОДИҚОВ** ҳузурда бўлиб, у киши билан суҳбатлашди.

Президент редакциямиз ходимига Ўзбекистон Фанлар академиясининг йигирма беш йиллик самарали йўли, иттифоқ ва умумжаҳон фанига қўшган салмоқли ҳиссаси тўғрисида сўзлаб берди:

— ...Ўзбекистонда Фанлар академияси Ватанимиз фашист bosқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жангги олиб бораётган оғир пайтда, 1943 йили ташкил бўлди. У табиий бойликларни ўрганиш ва фойдаланиш, республикамизда илмий-тадқиқот ишларининг янада ривож топиши, ўзбек халқи маданиятининг гуллаши учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Академия ташкил бўлганда унинг қарамоғида атиги ўнтагина илмий ташкилот бор эди, ҳозир йигирма санкизтага етди. Илмий ходимлар сонини биринчи пайтда бармоқ билан санарлигина эди. Ҳозир бутун бир армияни ташкил этади.

Академияда кадрлар тарбиялаб етказиш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Негани илмий-тадқиқот ишларининг даражаси илмий кадрлар тайёрлаш билан бевосита bogлиқдир.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда математика, механика, физика, геология, кимё, медицина, биология, шарқшунослик ва бошқа фан соҳалари бўйича шундай қобилиятли олимлар етишиб чиқдини, улар ҳатто ўз мактабларини яратдилар. Бу олимларнинг асарлари иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳурдир.



ЖУРНАЛ ХОДИМИ:— Шу мактабларнинг умумжаҳон фанига салмоқли ҳисса бўлиб кирган кашфиётлари ҳақида сўзлаб беролмайсизми?

ПРЕЗИДЕНТ:— Марҳамат. Математикларимизнинг об-ҳавони аниқлашда математик методлардан фойдаланишга оид илмий ишлари, айниқса кейинги вақтдаги кашфиётларда тополсиз ярим майдон манбаларида эҳтимолилик назарияси асосларининг баёни низоҳатда қимматлидир. Ядро физикаси соҳасида активациянинг анализ ва натта дозалар дозиметрининг янги усуллари ишлаб чиқилди. Академиянинг ядро физикаси институти СССРдаги барча илмий ташкилотларнинг шу йўналишдаги ишларини уюштириб туради. Ядро физикаси институти ходимлари тилла, симоб, мис ва бошқа маъданларнинг геологин сифатини аниқлашда нейтрон активациянинг анализ экспресс-усулини топшишган. Кристалларнинг ўсиш жараёнига оид тадқиқотлар энг тоза ярим ўтказгич материаллар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш имконини берди.

Механика соҳасида ишлайтган олимларимизнинг ишларида пахта териш машиниси назариясини яратиш алоҳида ўрин тутди. Олимларимизнинг пахта теримини механизациялаш асосларига оид кўпгина тақлифлари пахта териш машиналарининг янги хилларини яратишда конструир торлар томонидан ҳисобга олинган. Пахта йиғим-теримини комплекс механизациялашга оид илмий тадқиқот ишлари бундан буён ҳам олимларимизнинг диққат марказида бўлади.

Геологлар Ўзбекистонда ери ости бойликлари (газ, нефть, олтин, кам учрайдиган элементлар) кенини аниқлашда илмий прогноз берадиган ишлар қилишди.

(Давоми 8-бетда)



Академия президентлигига сайланган олимлар: Тошмуҳаммад ҚОРИНИЕВИ, Тошмуҳаммад САРИМСОҚОВ, Теша ЗОҲИДОВ, Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ, Убай ОРИПОВ, Обид СОДИҚОВ.


Академикларимиз




Воҳид АБДУЛЛАЕВ Э. И. АДИРОВИЧ



Содиқ АЗИМОВ Обид АКРАМХУЖАЕВ А. Н. АСКОЧЕВСКИЙ Карим АХМЕДОВ В. А. БУГАЕВ И. К. ДОДОНОВ К. Е. ЖИТОВ



Қодир ЗОКИРОВ Воҳид ЗОХИДОВ С. С. КАНАШ Н. В. ЛАВРОВ Гани МАВЛОНОВ Ахрор МУЗАФФАРОВ Иброҳим МУМИНОВ



Исоқ МУСАБОВ Мирзаали МУ-ХАММАДЖОНОВ Малик НАБИЕВ В. И. ПОПОВ В. В. ПОСЛАВСКИЙ Юнус РАЖАБИИ Халил РАХМАТУЛЛИН



Ф. Н. РУСАНОВ С. Н. РИЖОВ Саъди СИРОЖИДИНОВ Елқин ТУРАҚУЛОВ А. С. УКЛОНСКИЙ Хамдам УСМОНОВ Хосил ФОЗИЛОВ



Мақсуда ХОЖИНОВА В. П. ЩЕГЛОВ Адҳам ЮНУСОВ Собир ЮНУСОВ Муҳаммад УРОЗБОВ Восил ҚОБУЛОВ Яҳя ҒУЛОМОВ



Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ.

МАЪДАНШУНОСЛАР ОТАСИ

Ҳабиб Абдуллаев фан доҳйиси.

Академик Д. В. НАЛИВКИН.

Ҳабиб Абдуллаев Иттифоқининг геология байроғини фақат СССРда эмас, балки чет элларда ҳам юқори кўтарган буюк геолог ва туғма дипломат.

Академик Д. И. ШЧЕРБАКОВ.

Мен ўзимга савол бераман:— Ҳабиб Абдуллаев ким бўлган? Талантли геолог олимми ёки йирик давлат арбобими? Менимча у айни бир вақтда ҳам буюк олим ва йирик давлат арбобидир.

Ленин мукофоти лауреати,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,
И. Ҳ. ҲАМРОБОВ.

Ҳабиб Абдуллаев Ўрта Осиёда етишган ва оламга донг таратган буюк мутафаккир табиатшунос олимларимизнинг қирқ биринчисидир.

Академик Ф. О. МАВЛОНОВ.

Нефть соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган олимларимиз нефть геологияси назарияси бўйича ҳам, нефть-газ бор жойларни топишнинг энг аниқ усулларини ишлаб чиқишда ҳам катта ютуқларга эришдилар.

Гидрогеологларимизнинг олиб борган илмий текшириш ишлари асосида Ўрта Осиёдаги сугориладиган ерларни гидрогеология жиҳатидан районлаштириш иши ўтказилди. Бу ишнинг пахтазорларни сугорishi ҳам да ер ости сувларидан фойдаланишда амалий аҳамияти каттадир.

Назарий геологиянинг каттагина бир йўналишига Ҳабиб Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти бошчилиги қилмоқда. Бу институт ер қобиғи ва ўрта қатлам (мантия)ни комплекс ўрганиш кенгаши Ўрта Осиё регионал секциясининг уюштириш марнази ҳисобланади.

Бизнинг сейсмологларимиз ҳам катта иш қилишди. Сейсмология институти олимлари юз бериши мумкин бўлган максимал zilзилалар харитасини СССРда биринчи марта яратишди. Ташкент zilзиласининг шарт-шароитлари ва содир бўлиши сабабларини ўрганишди. Сейсмологларимизнинг илмий тадқиқотлари zilзила юз беришини олдиндан аниқлашда назарий аҳамиятга эгадир.

Ўсимлик моддалари нимё институтини нимё фани ва юқори маланали мутахассислар тайёрлаш соҳаларида маълум ютуқларга эришди. Шунинг учун ҳам институт Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мунофотланди. Санкизта ходим Беруний номидаги республика давлат мунофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистонда экилаётган пахтанинг ҳамма навлари ўзбекистонли олимлар томонидан яратилгандир.

Биолог олимларимиз эртагишар серҳосил пахта навлари, шунингден ёввойи пахта билан маданий пахта навларини бир-бири билан чағлатиш орқали вильт касалига чидамли янги нав яратдилар.

Пахтакор олимларимиз пахта кенг қаторлаб экиш билан ҳосилни ошириш мумкинлигини тажрибада исботладилар.

Ботаникаларимиз Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликлар харитасини тузишди. Ўрта Осиёда ўсадиган олий ўсимликлар ҳақидаги китобнинг биринчи томи нашр қилинди.

Паразитологлар кишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлашга оид илмий тажриба ишлари олиб боришмоқда. Зоология ва паразитология институтида Ўрта Осиёдаги заҳарли илонлар экологияси ўрганилмоқда, уларни ўрчитиш усули ишлаб чиқилмоқда...

ЖУРНАЛ ХОДИМИ:— Табиёт фанлари соҳаларида ўзбекистонли олимлар катта иш қилганлари кўриниб турибди. Энди ижтимоий фанлар соҳаларида қилинган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

ПРЕЗИДЕНТ:— КПСС Марназий Комитетининг «Ижтимоий фанларни янада ривожлантириш тадбирлари ва уларнинг коммунистик қурилишдаги ролини ошириш ҳақида» деб чиқарган қарори ижтимоий фанлар тарақиётида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди.

Ижтимоий фанлар соҳаларида ишлаётган ўзбекистонли олимлар КПСС Марназий Комитетининг бу тарихий қарорини зўр қониқиш билан кутиб олишди ва ўз фаолиятларида бевосита кўрсатма сифатида қабул қилдилар. Улар оилада коммунистик муносабатларни мустаҳкамлашда социалистик ҳуқуқнинг роли тўғрисида, маданий-маънавий меросни марсистик ўрганиш проблемалари, Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий оғ тарақиётини фалсифациялаштиришга қарши кураш масаласи устида ишлашди. Муаллифлар коллективи томонидан ўзбек тилида олий мактаблар учун дарслик «Марксча-ленинча фалсафа» монографияси, «Этика асослари» дарслиги нашрга тайёрланди. Шунингден «Форобийнинг дунёқараши ва унинг фалсафа тарихидаги аҳамияти», «Ўзбекистонда халқ хўжалигини бошқариш ва ташкил этишда ҳуқуқ масалалари» каби асарлар нашр қилинди.

Иқтисодчи олимларимиз эса «Ўзбекистон саноатида экономик реформа» деган монография тайёрладилар.

Иқтисод соҳасидаги илмий ташкилотлар ўз тадқиқотларида тобора ҳаёт, халқ хўжалиги талабларини ҳисобга олиб иш кўрмоқдалар.

Тарихчилар ҳам муҳим проблемалар устида ижод қилмоқдалар. Улар «Ўзбекистон ССР тарихининг учинчи томини ҳам босмадан чиқардилар. «Ўрта Осиё ва Қозғистонда Совет ҳокимиятининг галабаси» монг тафсилоти ҳам нашр қилдилар. Шунингден қадимий Самарқанд — Афросиёб вилоятларини қазिश, ўрганишга оид материаллар тўплами ўлароқ «Афросиёб» китоби майдонга келди.

1969 йили Ўрта Осиёда энг қадимий, сиёсий-маданий марназлардан бўлмиш Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланади. Тарихчиларимиз шу катта тантангага тайёрланишиб икки томлик Самарқанд тарихини яратиш устида ишлармоқдалар.

Ўзбекистонда Фанлар академияси ташкил этилгандан бери шарқшунос олимларимиз ҳам катта иш қилдилар. Улар 1967 йили «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқ қўлбазмалари» каталогининг санкизинчи томини нашр қилишди. Номалум «Таворихи гузида Нусратнома» асарини чиқаришди. Бу китоб Ўрта Осиё халқларининг XV аср охири ва XVI аср бошларидаги ҳаётга оид нодир тарихий асардир.

Адабиётшунос ва тилшуносларимиз ўзбек адабиёти ва тилининг умумий ва ўзига хос тарақиёт йўлини текширишда салмоқли иш қилишди. Айниқса буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 525 йилли тўйига улар катта тайёргарлик кўришди. Алишер Навоийнинг ўзбек тилида ўн беш томлик қўлиёти, рус тилида эса ўн томлик сайланма асарларини нашрга тайёрлашди. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи очилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми қошида ўзбек совет қомусининг бош редакция бўлими ташкил этилди. Ҳозир ўзбек қомусини яратиш устида қизғин иш бораётибди.

Республика академиясининг ташкил топганига чоран аср бўлди. Бу вақт ичида у ҳозирги замон фанининг деярли ҳамма тармоқлари бўйича тадқиқот олиб бораётган жуда кўп илмий ташкилотларни уюштирган марназга айланди. Ўзбекистон олимлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий гамжўрликларини ҳис этганлари ҳолда коммунистнинг моддий-техника базасини яратишда фаол қатнашмоқдалар.

Навқирон йигит ёшига тулган Ўзбекистон Фанлар академиясининг мақсад йўли кенг ва равшандир.

Ҳабиб Абдуллаев Урта Осий тоғларини тинмай кезган, жазирама сахраларимиз сукунати бузган шухратли геолог, ернинг ҳали инсониятга номаълум сир-асрорлари билан қизиққан тоғмас мутафаккир олим эди.

Ҳабиб Абдуллаевнинг ёшлик чоғлари ўш вилоятининг Аравон қишлоғида ўтди. У САГУ (ҳозирги ТошДўн)нинг ишчилар факультетида кириб, университетдан геология мухтассиси бўлиб чиқди. 1939 йили Москвадаги Оржоникидзе номида геология-разведка институтининг аспирантурасини битириб кандидатлик диссертациясини ёқлади. Тошкентга қайтган, Политехника институтинда ўқитувчилик қилди. Ректор бўлди. Кейинча Ўзбекистон ССР Давлат План комиссиясининг раиси, Геология институти директори; Ўзбекистон Фанлар академиясининг икки сайлов президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси; Ўзбекистондан чиққан биринчи Ленин мукофоти лауреати; Лондон геология ва Франция минералогия жамиятларининг фахрий аъзоси... Ҳабиб Абдуллаевнинг босиб ўтган йўлига кўз таппаб фахрланасан киши. У биринчи-кетини шоғли галабаларга эришган, мағлубият нималигини билмаган буюк сарнардига ўхшаб туюлади.

1962 йили 20 июнда Ўзбекистон геологиясининг порлоқ юлдузларидан бири сўнди. «Ҳабиб Абдуллаев жисмоний жиҳатдан ўлган бўлса ҳам, руҳан у ўз гоғлари билан ҳаётдир»,—деган эди Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги М. Адшиев. Ҳақиқатан ҳам Ҳабиб Абдуллаев ўзи яратган кўп қиррали илмий назариялар билан тирик ва барҳаётдир.

Ҳабиб Абдуллаевнинг ўлиmidан сўнг кўпчилик геологлар унинг геология фанида яратган илмий назариялари ўзи билан кўмилиб нетганмикин ёки яшармикин, деб ўйланб қолишди. Кейинги йиллар давомида йилган ва ўранилган илмий фактлар Ҳабиб Абдуллаев гоғларининг тўғрилиги, умбоқийлигини далиллат бериб турибди. Зир этилган фикримизнинг далили сифатида кўйида биз Ҳабиб Абдуллаев илмий гоғларидан фойдаланиб, янги рў-қўроғи ва олтин-кумуш конларини очган шогирди Муҳаммад Мансуров фаолияти ва шу билан боғлиқ унинг барҳаётлиги ҳақида сўз юритамиз. Шу сабабдан Ҳабиб Абдуллаевнинг геологияда яратган янги назариялари билан қисқача танишмоқ зарурати туғнади.

Атоқли олим Ҳабиб Абдуллаев Ўзбекистон геологиясининг асосчиларидан бири эди. У атиги қирқ санкиз йил ум кўрди. Ҳабиб Абдуллаев номини бугун миннатдор авлодлар фахр билан тилга оладилар. Хўш, Ҳабиб Абдуллаев биз геолог олимлар учун қандай илмий мерос қолдирди?

Ҳабиб Абдуллаевнинг илмий геологиядаги биринчи қадами шу фанининг энг муҳим масаласи — фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганишига бағишланди. У маъдан конларининг магматик фаолиятлар билан бўлган алоқасини чуқур текширди. Чунки олим бу иш геологияда кўпгина тортишувларга сабаб бўлган муаммоларни очтишда ҳал қилувчи роль ўйнашини ўз вақтида сезган эди. Маъдан конларининг магматик фаолиятлар билан алоқадорлигини ўрганиш масаласи ўз навбатида янги кон қидириб топиш ишини энгиллаштиради. Ҳабиб Абдуллаев Урта Осий металлогения (маъданшунослик) мактабининг асосчисидир. У шу мавзуда бир юз ўттига яқин илмий мақолалар ва монография асарлар яратди. Унинг ҳам амалий, ҳам илмий жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган асарларидан бири Урта Осийнинг шельфини (таркибида вольфрам элементини сақловчи минерал) скарн конлари геологияси ҳақидаги китобидир (1947 йил). Олимнинг олиб борган илмий ишлари шу типдаги конларни қидириб топишдагина эмас, балки уларни тўғри ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. «Вольфрам сақловчи скарнлар кўпинча диорит ва гранодиорит тоғ жинслари билан боғлиқ бўлади» деган фикри унинг вафотидан сўнг ҳам янги-янги очилган конлар мисолида тасдиқланди. Бу асарда олдинга сурилган назарий фикрлар асосида Урта Осийнинг турли районларида, шу жумладан, Фарбий Ўзбекистонда Лангар, Ингичка, Қўйтош вольфрам конлари, Тасқоғон графит кони ва бошқа конлар очилди.

1950 йилда Ҳабиб Абдуллаевнинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» деган йirik илмий монографияси босмадан чиқди. Бу китоб ўзининг муҳим илмий масалага бағишланганлиги, ҳали қўл урилмаган назарияларга бойлиги билан қимматлидир. Асар бир қанча чет тилларга таржима қилинди. Муаллиф бу асарда, асосан, Урта Осий бўйича йилган жуда кўп матълумотларни умумлаштириб ва таҳлил қилиб, «маъдан конларининг пайдо бўлиш билан интрузив жинслар ўртасида тўла боғланиш бор», деган фикрга келди. Бу назария Иттифоқида ва чет элларда ҳам анча кескин ва мазмунли илмий мунозараларга сабаб бўлди. Ҳабиб Абдуллаевнинг фикрича маъдан ҳосил қилувчи магма ернинг юқори қатламларига кўтарилаётиб ўз йўлида учраган жинслар орасида тўхтаган, уларни эритиб ўзлаштириди, кимёвий реакцияга кирди, улар таркибидagi фойдали компонент — элементлар ҳисобига бойийди. Натижада магма ўзига хос миқдорда ихтисослашди ва унинг маъдан ҳосил қилиш имконияти ошди.

Ҳабиб Абдуллаевнинг «Дайка ва рудалар», «Чотқол — Қурама тоғлари металлогениясининг асосий масалалари», «Урта Осийнинг магматизми ва рудалари», «Ер шарининг руда-петрография провинциялари ва уларнинг классификациялари» ва бошқа асарлари босилиб чиқдики, улар олимнинг олашумлуқ шухратини ошириб, кенг илмий геологик жамоатчиликнинг фикрини ўзига тортиди. Абдуллаевнинг юқорида қайд этилган асарлари Иттифоқимиз геологари томонидан кенг муҳомама қилинди, юшқини мунозараларга сабаб бўлди ва натижада уларда илгари сурилган асосий фикрлар маълумланди.

Ҳабиб Абдуллаевнинг илмий фаолияти ичидида шох асар «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» деган китобида илгари сурилган илмий гоғлар кейинги йиллар давомида янгидан-янги далиллар билан тасдиқланмоқда ва кўпгина конларнинг очилишига сабаб бўлмоқда.

Кейинги йиллар давомида сув билан пўлат кесганда, ойга риветалар юмшоқ кўнганда, юрак операция қилиниб, ўлган ит тирилганда, тирик тандаги касал буйрак ўлик тандаги соғлом буйрак билан алмаштирилган, омон парохоти музалар бағрини кесган бир пайтда геологлар ҳам кун сайин планетамиз ичкарасини — қўбич ва мангисни (ўзганини) ҳар тарафлама чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Ундаги фойдали қазилмаларнинг жойлашш конуниятларини очмоқдалар. Ўз вақтида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ёски усуллардан воз кечиб, янги — геофизик, геохимик, биохимик усуллардан ҳазиналар очтишда кенг фойдаланмоқдалар. Натижада физик асбоблар, мураккаб кимёвий текширувлар ёрдамида ер бағрида беркилиб ётган рудаларлар оз меҳнат ва кам пул харажати билан нисбатан осон топишмоқда.



Зарварақларда:

Муқованинг биринчи саҳифасида — Р. СОДИҚОВ ишлаган фотолакат.

Иккинчи саҳифада — В. И. ЛЕНИН.

Учинчи саҳифасида — РИШТОН ЛАГАНЛАРИ.

А. ВАНШТЕЙН фотоси.

Тўртинчи саҳифада — КУЗ.

И. ШВЕЦ фотоси.

Геологияда кейинги йилларда конларни излаб топиш учун яна бир янги усул қўл келиб қолди. Маълум бўлишича, Менделеев системага кирувчи айрим элементлар — мис, вольфрам, қўроғиш, рух ва бошқалар ер бағрида бир-бирлари билан кимёвий реакцияга кирган вақтда шу элементларга бой бўлган минерал фойдали қазилмалар конини ҳосил қилдилар. Шу кўраёни давомида улар парчаланиб, ювиллиб, оқизилиб турли ўсимлик илдизлари, сув орқали юқорига тортилиб, шу кон тепасидаги тупроқда кўз илгасмас даражада аралашган бўлади. Уни маҳсуми кимёвий ва спектраль текширувлар ёрдамида аниқланади. Сўнг у ҳар тарафлама ўрганилиб ҳар бир элементнинг маълум бир майдонда тарқалиш жойи — ареоли топилади. Бу ўз навбатида шу жойда беркилиб ётган — саноят аҳамиятга эга бўлган кон даражаси сифатида хизмат қилади. Бу соҳани икбий ҳал қилишда Ҳабиб Абдуллаевнинг скарнлар ҳақидаги ва интрузияларнинг маъданли конлар билан бўлган алоқалари тўғрисидаги илмий фикрлари катта аҳамиятга эришди.

Ана шундай қийин ва шарафли усул билан кон топишга Ўзбекистон Фанлар академияси Х. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг катта илмий ходими Муҳаммад Мансуров ўз фаолиятини бағишлади. Чунки Консой руда бошқармасига қарашли Шевчуковск, Янги Камарсой, Шимолий Контоғ, Жанубий Дарвоза, Қизилқон, Оқурдон ва бошқа жойлардаги қўроғиш-рух бойликлари тамом бўлаётган эди ва бу кон бошқармасида ишни тўхтайтиш хавфи туғилган эди. Бу хавфнинг олдини олиш учун яқин атрофдан маъданга бой янги кон очти зарур эди. Муҳаммад Мансуров ўш йилдан кўпроқ умрини шу мақсаддин юзга чиқаришга бағишлади. У Оқуртоғ, Ўткенсу, Консой, Емоққудуқ атрофларининг геологик тузилиши, фойдали элементлар тўплаши ва у ерларда кон ҳосил бўлиш шароитларини ўрганди. Айрим геолог олимлар бу ерларда маъдан бўлиши мумкин эмас, деган фикрда эдилар. Мансуров эса ўз устози Ҳабиб Абдуллаевнинг назариясига асосланиб, бу ерлар маъданга бой бўлиши керак, деган фикрда эди. У қадим-бақадим тоғ жинсларидан намуналар олди, тош синдириб тоғ кесди, интрузив магматик тоғ жинсларини чунур ўрганди ва атрофдаги ёски конлар билан узвий боғланиши борлигини аниқлади. Натижада М. Мансуров Консой кони атрофида янги қўроғиш-рух конини очди. Кейинча бу конга геолог олим Королев номи берилди. У яна Емоққудуқ, Оқур — I, Оқур — II майдонлари, да кумуш, олтин конларини, Ўткенсу — I ва Ўткенсу — II да эса қўроғиш-рух конларини очтиш имконияти бор, деган қарорга келди. Хуллас, кейинги йилларда топишган бу конлар Ҳабиб Абдуллаевнинг назарий фикрларининг яшовчанлигини далиллат беради.

Ҳабиб Абдуллаев Ўзбекистонда илм-фан раванки учун экон қуйдирган ташкилотчилардан эди. Унинг бевосита раҳбарлиги ва кўрсатмалари туғайли Тошкентда Геология институти равнақ тоғди ва ўсди. Кейинчалик ундан Гидрогеология, Инженерлик геологияси ва Нефть институти аярилади чиқди.


Олим Ўзбекистонда металлогения фанининг асосчисидир. Шу билан бирга у республикамизда огир саноят маркази Бекобод металлогения заводининг ташкилотчисини ҳамдир. Баводин керакни хом ашёлар билан таъминлашда маҳорат кўрсатиб хизмат қилган эди.

Академик Ҳабиб Абдуллаев ниҳоятда меҳнаткаш киши эди. Ҳатто огир бегоблиги вақтида ҳам у тунлари белор ишлади. «Икмония» борича яратмоқ керак, қолган ҳар бир дақиқадан кераклича фойдаланмоғим зарур. Зероки бу меҳнатим Совет геология фанини ривожлантиришда озим-кўлими ўз ролини ўйнаса. Мен ёшман... лекин ҳаётимдан розиман. Чунки гуллаб яшнаётган Ватаним учун хизмат қилдим»,— деган эди.

Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли биз геологлар учун, умуман илм шайдолари, ёшлар учун ибратлидир.

М. ЗОКИРОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг катта илмий ходими.



Нафосат ва муҳаббат куйчиси

Иван Сергеевич Тургенев ёлғиз Россияда эмас, оламаро машҳур ёзувчи. Унинг дилбар ҳикоялари, нафис дид ва назорат билан, мусиқий, раvon тилда битилган қисса ва романларини излаб ўқимаган одам нам.

Бу адибнинг асарлари ўзбек тилида кўплаб ва қайта-қайта нашр қилинди. Таржимонлар ҳам кўпайди: «Арафа», «Дворянлар уяси», «Рудин» романларини, «Илк севги», «Баҳор тошқинлари», «Асл», «Дашт қироли Лир» ва бошқа қиссаларини Йўлдош Шамшаров, «Овчининг хотиралари» китобини Мадамин Иброҳимов, «Оталар ва болалар» романини Малтин Раҳмон, бир қанча ҳикояларини Мирзиёд Мирзойидов таржима қилди.

Улуғ ёзувчининг 150 ёшлик тўйи муносабати билан Фафур Фулом номидagi бадий адабиёт нашриёти унинг беш жилдлик асарларини нашр қилмоқда.

Шоён қизиқ бир гап: Тургенев асарлари ўзбек тилида чиққани, сал ўтмай магазинлардан топилмайди, тез орада сотилиб бўлади. Китобхон, айниқса, ўш китобхон Тургенев асарларини йўлдош нега бунча муштоқ?

Бу уринда биз ёзувчи Йўлдош Шамшаров айтиб берган бир ҳикояни келтиришчммиз: бир йили ёз фаслида тоғ сайрига чиққан эдик,—дейди Йўлдош ана,—Бета. гаглик деб ном олган баланд тоғ сайхониди чорвадорлар ўтовиди дам олди. Доимий қор нафас уфуриб турган бу йловга чорвани ёйиб қўйиб, бир йиғит китоб ўқирди. Китоб асарларни хилавираб кетган, Тургеневнинг «Илк севги» номи билан чиқарилган уч қиссаси эди. Чўпон йиғитдан сўрадим:

— Увадага айланибдию нитобингиз, бошқаси йўқмиди?

— Э, амани, буни ҳам Намангандан зўрга топтириб келганмиз, мол ҳайдаб, намарга қистириб, белбоққа ўраб ўқийвергандан кейин адоий-тамом бўлади-да! Узи битта, ўқийдиган кўп. Биласизми, кўнглингизда бернитиб юрган гапнингизни айтиб беради, кўнглигиз чироқ ёқади, яхши кўришни ўргатади, ўқиганим сари, шу тоғу тошларини ҳам яхши кўриб кетаман.

Ҳа, Тургенев севишга, туғилиб ўсган Ватанин, унинг одамларини севишга, шимоат ва садоқатга ўргатади. Унинг қахрамони ёш авлодга: «Уйинг, хурсандчилиги қилин, ўсинг, ёш кучлар,—деб хитоб қилади,—сизнинг ҳаётингиз энди бошланади, сизнинг ҳаётингиз энгил бўлади: сиз бизга ўхшаб зулмат ичида йўлингизни излаб топшига, нурашишга, йиқилиб ва туриб олишга мажбур бўлмайсиз, биз ҳарна қилиб бўлса-да, омон қолишга уриндин ва озмунчамиз ҳалол бўлмади! Сизларга эса ишга тутином, ишламоқ керак, биз кенсалар сизларга оқ фотиҳа берамиз».

Бахтли замонда яшаётган бизнинг авлодимиз Тургеневнинг бу сўзларини ўзига аталган даъват деб билади: шунинг учун ҳам коммунистик мамият кураётган кўп миллатли совет халқи унинг асарларини ўз она тилларида севиб ўқийди. Шунинг учун ҳам Тургенев рус халқининггина эмас, бутун жаҳон халқларининг буюн санъаткори.

Асллар ўтаверади, янги авлодлар орасида Тургеневнинг қадри ошаверади.

ПРАСИАГА, якшанба кунни эди. Наталья кеч уйғонди. Кечгача у жим юрди, кўз ёшларидан ўзи пинҳоний уялди, кечаси ёмон ухлади. Узининг кичкинагина фортепьяноси олдида қўйлакчан ўтириб, гоҳ m-lle Вонскурс ни уйғотиб юбормаслик учун эшитилар-эшитилмас чалди, гоҳ муздек клавишларга пешанасини қўйганича хийла қимирламай ўтирди. У ҳамон ўйларди — Рудинни эмас, йўқ, у айтган аллақайси сўзини ўйларди, бор вужуди билан ўз ўйига чўмган эди. Ҳаёлига аҳён-аҳён Волинцев келарди. У севади, Наталья бунни билади. Лекин ҳаёли дарҳол уни ташлаб кетади... У жуда галати ҳаяжонда эди. Эрталаб шоша-пиша кийинди-да, пастга гушиб, ойисига салом бердию, қўлай пайт топиб, якка ўзи бор томон кетди... Кун иссиқ, ёруғ, ёмғир ёғаётганига қарамай, қуёш порлаб турарди. Паст, тутунсимон булутлар қуёш юзини қопламай, тиниқ осмон узра раvon сузар, вақт-вақт далаларга бирданига ва бир лаҳзали мўл-қўл жала тўнади. Йирик-йирик, олмосдай ялтироқ томчилар жадал дупир-дупир тўналади; ҳалиги шамол безовта қилган ўтлар қимир этмайди, нам хўплайди; ёмғир ювинтирган дарахтлар бор барглари хоржин титратади; қўшлар тинмай сайрайди, қуяётган ёмғирнинг салқин дупири ва шовури орасида уларнинг нағмасини эшитмоқ роҳат эди. Серчанг йўллар гўё тутар ва сачраб тушаётган томчилар тағида хийл ола-була кўринади. Бироқ шабада булутларни тарқатиб юборди, ўтлар зумрад ва олтин тусида говлана бошлади... Шабада дарахтлар баргини бир-бирига уриб шилдирадди... Ҳар ёндан ўткир бўй таралди...

Наталья боққа чиққанда осмон тозаланиб бўлай деган эди. У салқинлик ва сукунат, одам кўнглида ширин пинҳоний хайрихоҳликка мойил ва ноаниқ истак туғдирадиган безор ва бахтиёр сукунат уфурарди...

Наталья кумушсимон теракзор йўлдада кўл ёқалаб борарди: рўпарасида худди ердан кўнариб чиққандай Рудин пайдо бўлди.

— Елғиз ўзингизми?— деб сўради у.

— Ҳа, ёлғиз ўзим,— жавоб берди Наталья,— бир нафасга чиқувдим... Вақтим тугади, уйга кетаман.

— Мен сизга ҳамроҳ бўлман.

У Наталья билан ёнма-ён юра бошлади.

— Матъосроқ кўринасизми?— деб сўради у.

— Менми?... Лекин мен сизга, кайфингиз йўқдай, демоқчи эдим.

— Эҳтимол... шунақа бўб тураман. Сиздан кўра, менинг бу ҳолимни кечирса бўлади.

— Нега энди? Мени тортадиган ҳеч гами йўқ деб ўйлайсизми?

— Сизнинг ёшингизда ҳаёт лаззатини сурмоқ керак.

Наталья бир неча одим жим борди.

— Дмитрий Николаевич!— деди у.

— Нима?

— Эсингиздами... кеча келтирган қиёсингиз... эсингиздами... дуб дарахтини қиёс қилганингиз.

— Бўлдмаса-чи, эсимда. Нима эди?

Наталья кўз қирини Рудинга ташлади.

— Нега сиз... шу қиёсдан муродингиз нима эди?

Рудин бошини эгиб, кўзини олисга тикди.

— Наталья Алексеевна!— деб гап бошлади у ўзига хос бошиқ ва матнодор таъбир билан, бу таъбир тингловчинни доимо Рудин кўнглида тошиб келаётган фикрининг ўндан бирини ҳам ҳали баён қилгани йўқ деб ўйлашга мажбур қиларди.— Наталья Алексеевна! Пайқагандирсиз, мен ўз ўтмишим тўғрисида кам гапираман. Баъзи бир нозик жиҳатлар борки, мен улар тўғрисида сира сўз очмайман. Менинг қалбим... унда нималар юз берганилигини билишингиз кимга зарурати бор? Буларни ошкор қилиш менга доимо шаккоқлик бўлиб туйилади. Аммо сизга юрагимдагини айтавераман, чунки сизга инонаман... Ҳамма одамлар сингари мен ҳам севганман, севги дардини тортганман, бунни сиздан сир тутолмайман... Қачон ва қандай? Буни гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ; лекин менинг қалбим кўп шодлик ва кўп гусса чеккан...

Рудин бир нафас жим қолди.

— Кеча сизга айтганларим бир қадар ўзимга, ўзимнинг ҳозирги аҳволимга тааллуқлидир балки. Лекин тақрор айтаман, бу ҳақда гапиришнинг ҳожати йўқ. Ҳаётингиз бу томонни мен учун ўтиб кетган. Менга энди шалақ аравада жазирама ва тўзонли йўл босиб, бекатма-бекат юриш қолган, холос... Қачон манзилга

РУДИН

РОМАНДАН ПАРЧА

етаман, ега оламанми—худо билади... Яхсиси сизнинг тўғрингизда таллашайлик.

— Наҳотки, Дмитрий Николаевич, ҳаётдан ҳеч умидингиз йўқ бўлса?— деб унинг сўзини бўлди Наталья.

— Асти йўқ! Умидим кўп, аммо умидим ўзим учун эмас... Фаолиятдан, фаолият келтирадиган ҳаловатдан ҳеч кечмайман; аммо мен лаззатдан кечмаман. Менинг умидларим, менинг орзуларим, ўз бахтининг бунга ҳеч тегиши йўқ... Муҳаббат (шу сўзни айтдию у елкасини учириб қўйди)... муҳаббат — мен учун эмас; мен... унга арзимайман; севган аёл одамнинг борлигини талаб қилмоққа ҳақлидир, аммо мен борлигини бахш этолмайман. Шу билан бирга кўнгли бериш — ёшларга ярашади. Мен жуда қариб қолганман. Вироннинг бошини айлантириш менга йўл бўлсин? Мен ўз бошимни кўтариб юрсам ҳам худога шукур қиламан!

— Тушунаман,— деди Наталья.— Буюк мақсадга интиладиган одам ўзини ўйлаши керак эмас; лекин аёл киши бунақа одамнинг қадрига етишга қодир эмасми? Менинг назаримда, ақсинча, худбиндан аёл киши тезроқ юз ўгиради... Ёш кишилар ҳаммаси, шу ёшлар ҳаммаси, сизнингча худбин, улар ҳатто севганларида ҳам ўзларига оро берадилар, холос. Гапимга ишонинг, хотин-қиз зоти ўзини фидо қилишни тушунибгина қолмай, ўзини фидо ҳам қила олади.

Натальянинг белларига хиёл қизил югурди, кўзлари чақнади. Рудин билан танишгунча у ҳеч бунақа узун ва бунақа жўшиб гапирмасди.

— Хотин-қизларнинг лабқати ҳақидаги фикримни сиз кўп эшитсангиз,— эътироз билдирди Рудин мурувват билан жилмайиб.— Сизга аёни, менимча, Жанна д-Аркининг ёлғиз ўзи Франция халос қила оларди... лекин гап бу ҳақда эмас. Мен сизнинг тўғрингизда гапирмоқчиман. Сиз ҳаёт остонасида турибсиз... Сизнинг истиқболингиз тўғрисида мулоҳаза юритилса, гап беҳуда кетмайди, киши қувонади. Менга қаранг, биласизки, мен дўстингизман; сизнинг ҳаётингизга бир қариндошдек аралашаман. Шунинг учун ҳам ишонаманки, менинг саволимни беҳаёлик деб билмасиз: айтинчи, юрагингиз ҳануз тамом тинчми?

Наталья бирданга тутақди-ю, индамади. Рудин тўхтади, у ҳам тўхтади.

— Мендан хафа бўлдингизми?— деб сўради у.
— Йўқ,— деди Наталья,— лекин ҳеч ҳам кутмаган эдим...
— Саволимга жавоб бермасангиз ҳам биламан,— деб давом этди Рудин.— Сирингиз менга аён.

Наталья қарийб қўрқув аралаш унга қаради.
— Ҳа... ҳа; кимни севингизни биламан. Шуни айтиб қўяй-ки, бундан яхшироғини танлай олмадингиз. У ажойиб одам; у қадрингизга етади; уни турмуш эзмаган — соддадил; самимий одам... У билан бахтиёр бўласиз.

— Ким тўғрисида гапиряпсиз, Дмитрий Николаевич?
— Ким тўғрисида гапирётганимни тушунмаганга олапсиз-а ўзингизни? Ким тўғрисида бўларди. Волинцев тўғрисида-да. Хўш? Гапим нотўғрими?

Наталья Рудиндан хиёл юз ўгирди, у тамом довдираб қолган эди.

— У сизни чиндан ҳам севмайдими ахир? Кечирасиз! У сиздан кўз узмайди, ҳар бир ҳаракатингизни кузатади; севини яшириб бўладими ахир? Узингизнинг кўнглингиз унга мойил эмасми, ахир? Билишмача, у ойингизга ҳам маъқул... Танлаган кишингиз...

— Дмитрий Николаевич!— деди Наталья унинг сўзини бўлиб ва уялгандан қўлини ёнидаги бутага узатди.— Тўғриси, менга бу ҳақда гапирингиз уят-у, аммо айтмай... янглишяпсиз.

— Мен янглишяман?— унинг сўзини такрорлади Рудин.— Йўқ... Мен сиз билан яқинда танишган бўлсам ҳам, лекин сизни яхши билиб олдим. Сизда юз берган ўзгариш нима, бунинг аниқ кўриб турилган-ку? Ахир сиз, мен олти ҳафта бурун кўрган ўша қизмисиз? Йўқ, Наталья Алексеевна, сизнинг юрагингиз тинч эмас.

— Эҳтимол,— дея дудмал жавоб берди Наталья,— лекин ҳар қалай, янглишяпсиз.

— Нимага энди?— деб сўради Рудин.
— Тинч қўйинг мени, сўраманг!— эътироз билдирди Наталья ва уй томон тез юра бошлади.

Кўнглидаги ногаҳон тошиб келдию, бундан ўзи қўрқиб кетди. Рудин етиб олиб, уни тўхтади.

— Наталья Алексеевна!— деди у, — бу гап чала қолмаслиги керак; мен учун ҳам жуда муҳим гап бу... Гапингизни қандай тушунасам бўлади?

— Мени тинч қўйинг!— деб такрорларди Наталья.

— Наталья Алексеевна, худо ҳаққи!

Рудиннинг юзига ҳаяжон тепди. У оқариб кетган эди.

— Сиз ҳамма нарсани тушунасиз, менинг фикримни ҳам тушунишингиз лозим!— деди Наталья ва қўлини ундан тортиб олди-да, орқасига қарамай юра бошлади.

— Биттагина сўзим бор!— деб қичқирди Рудин унинг кетидан.

Наталья тўхтади-ю, лекин ўгирилиб қарамади.

— Кечати қиёс билан нима демоқчи бўлганлигимни сўраган эдингиз. Айтиб қўялоай: сизни алдамочки эмасман. Мен ўз тўғримда, ўтмишим ҳақида, сизнинг тўғрингизда гапирман эдим.

— Нима, менинг тўғримда?
— Ҳа, сизнинг тўғрингизда; такрор айтаман, сизни алдамочки эмасман... Қанақа туйғу, қанақа янги севги тўғрисида гапирганлигимни энди билиб оландингиз... Вугунги кунгача бунинг айтишга ҳеч журъат қилолмаган бўлардим...

Наталья дарҳол бериш қўли билан бериктидию уйга югурди. Рудин билан бошланган гапи ногаҳон ечилгандан у шу қадар ҳаяжонланган эдики, Волинцевнинг ёнидан ўтиб кетдию уни пайқамасди. У бўлса эшикка суялганча донг қотиб турарди.

У чорак соат олдин Дарья Михайловна олдига келиб, уни меҳмонхонада учратгану бир-икки оғиз сўз қотиб, сездирмай, Натальяни излаб топишга чиқиб кетган эди. Ошиқларга хос сезги измида у гўппа-тўғри боғ томон юрди, Наталья Рудиндан қўлини тортиб олаётган дамда уларга дуч келиб қолди. Волинцевнинг кўзи тиниб кетди. Натальянинг кетидан разм солиб қарадию, ўзи суялиб қолган дарахтдан нари жилиб, нимага ва қаёққа эканини ҳам билмай, бир-икки қадам босди. Рудин ёнма-ён келганда уни кўриб қолди. Иккаласи бир-бирининг кўзига тикилди, таъзим қилишди, индамай, йўл-йўлига кетишди.

«Бу ҳол шу билан тугамас» деб ўйлашди иккаласи ҳам.

Волинцев боғ етигача борди. У аламидан жингибийрон эди; юраги кўрғошиндай қотган, гоҳо-гоҳо қони гулаллаб урарди. Ёмғир яна томчндай бошлади. Рудин ўз хонасига қайтиб келди. У ҳам нотинч эди; фикрлари бошида тўс-тўполон айланарди. Ёш, покиза қалбнинг ишонч билан ногаҳон яқинлашуви ҳар кимни ҳам тўғёнга келтиради.

Дастурхон устида гап гапга қовушмади. Натальянинг ранги ўчиб кетган, бошини кўтармас, студла аранг ўтирарди. Волинцев, одадгаддек, унинг ёнида, аҳён-аҳёнда у билан дўрма-зўрани галлашиб ўтирди. Нима бўлиб, Пигасов шу кунни Дарья Михайловнаникида овқатланди. Дастурхон устида ҳаммадан кўп у гапирди. Жумладан, у одамларни итлар сингари калта дум, узун дум тоифага ажратса бўлади, деб даъво қила бошлади. «Одам-

Ўз дарахтим

Мен университетда бирга ўқиган бой помешчин ва оқсуян ўртоғимдан хат олдим. У мени кўрғонига таклиф этганди.

Унинг кўпдан бери насал бўлиб ётганидан, кўр бўлиб қолганидан ва бод касалига учраб, аранг юрганидан хабардор эдим... Узинига жўнадим.

Уни катта боғининг хиёбонларидан бирида учратдим. Ёз бўлса ҳам почваўстинига ўралиб аравачада ўтирарди, аравачини башиг кийинган икки малай итариб юрар-

ди. Унга разм солдим, қоқ суяиб бўлиб қолибди, кўзларининг ости кўнарган...

У синиқ оҳангда:

— Сизни ўз еримда, ўз дарахтларим соясида кутлайман!— деди.

Унинг боши узра асрий азамат эман кулоч ёзиб турарди.

Шунда кўнглимдан шу гапларни ўтказди:

«Эй, азамат дарахт, эшитяпсанми? Илдиларинг тағида ўрмалаб юрган чалажон курт сени ўз дарахтим, деяпти!».

Бирдан шабада эсдию азамат дарахтнинг шигил япроқларини шитирлатди. Шунда назаримда кенса эман менинг ўйларимдан ва беморнинг маътанчоғлигидан оҳишта кулгандек бўлди.

Мухбир

Икки дўст чой ичиб ўтиришган экан.

Қўнқисдан кўчада қий-чув кўтарилибди. Дод-фарёд, наҳрли сўнишлар, қувноқ кулгилар ер-кўнни тугиб кетибди.

Дўстлардан бири деразадан қараб:

— Бировни дўппослашяпти,— дебди.

— Кимни, жиноятчинми? Қотилними?— деб сўради шериги.— Менга қара, юр, у ким бўлмасин ёрдам берайлик, оломон қилш-

рига йўл кўймайлик. Юр, жабрдидани кўтқарамиз.

— Йўқ, улар нотини ураётганлари йўқ.

— Унда кимни уришяпти? Угериними? Ҳечқиси йўқ, юр, уни оломондан ажратиб оламиз.

— Угримас ураётганлари.

— Угримас! Ким бўлмаса, темирйўлчини, ҳарбий таъминот-

чими, россиянин маърифатларварми, адвокатми, кўнглидан муҳаррирми, майли ким бўлганда ҳам, юр, унга ёрдам берайлик!

— Йўқ... мухбирни уришяпти.

— Мухбирни? Шундайми. Ҳа, ҳалиги, биласаними, нел, олдин чойимизни ичиб олайлик.

Июль, 1878.

МИРЗИЕД таржимаси.

О С Т О Н А

Туш

Улкан бинони кўриб турибман.
Олд деворидаги торгина эшик
ланг очилди; ичкари зимистон. Ба-
ланд остона олдига қиз бола ту-
рибди... рус қизи.

У зимистонда совуқ хувиллай-
ди; ичкаридан муздай совуқ билан
бирга вазмин, бўғиқ товуш чиқади.

— Ҳо қиз, бу остонадан ҳат-
ламоқчисан, сени бунда нима кута-
ётганини биласанми?

— Биламан,— деб жавоб берди
қиз.

— Совуқ, очлик, нафрат, мазах,
разолат, алам, беморлиқ ва ажал
кутаётганини биласанми?

— Биламан.

— Тамом бегоналик, ёлғизлик
кутаётганиниям-а?

— Биламан... Мен тайёрман.
Жамийини умуват ва зарбни кўта-
ришга бардошим етади.

— Душманлардангина эмас, қа-
риндошларингдан, дўстларингдан
ҳам зарб етса-чи?

— Ҳа... улардан ҳам.

— Яхши. Қурбон бўлишга ҳо-
зирмансиз?

— Ҳа.

— Ном-нишонсиз қурбонга-я?
Ҳалок бўласан — кимнинг хотира-
сини эслашни ҳеч ким... ҳеч зот
билмайди!..

— Менга миннатдорликнинг
ҳам, афсуснинг кераги йўқ. Менга
ном ҳам керакмас.

— Жиноятга ҳам тайёрмансиз?
Қиз бошини эгди...

— Ҳа, жиноятга ҳам тайёрман.
Товуш саволларини дарров қай-
тармади. Ниҳоят, у давом этди:

— Ҳозирги эътиқодингдан қай-
тарсан, алданганингни, еш ум-
рингни беҳудага хазон қилганин-
гни тушунарсан, шунга ўйлаб кўр-
дингми?

— Буни ҳам биламан. Нима
бўлса-да кирмоқчиман.

— Кир!

Қиз остонадан ҳатлади, кетидан
оғир эшик ёпилди.

— Аҳмоқ!—деб дўнгиллади ор-
қадан алланим.

Унга жавобан алла қаердан
келган бир товуш янгради:

— Фариштал

1879 йил, май.

лар.— деди у.— тугилтишдан ҳам, ўз айби билан ҳам калта дум бўлади. Калта думлик ёмон: улар ношуд бўлади, чунки ўзига ишонмайди. Аммо думи момикдай, узун одам — омадли бўлади. Калта думга қараганда, балки, у ожиз ва кучсиз бўлса-да, лекин ўзига ишонди, думини ёзса бас — ҳамма ҳавас билан қарайди. Дум тананинг тамом бегойда қисми-ку ахир.— шуниси таажжуб; дум нимага қор келарди? Лекин ҳамма сизнинг фазилатингизни думингизга қараб белгилайди».

— Мен,— деб илова қилди у хўрсиниб,— калта думлар жумласига мансубман, шуниси қаттиқ алам қиладики, мен думимни ўзим кесиб ташлаганман.

— Яъни сиз ла Рошфуқоннинг аллақачонлар, ўзингга ишонсанг, бошқалар сенга ишонди, деган гапини айтмоқчисиз-да,— деб сўз қистирди Рудин илтифотсизлик билан.— Бу гапга думнинг нима алоқаси бор, ҳайронман.

— Қўйинг, ҳар кимнинг ўз гапини айтишига имкон беринг-да,— деди қўрслик билан Волинцев, унинг қўзлари ёниб кетди.— У мустабдлик тўғрисида гапиряпти. Менимча, ўзини ақлли санайдиган одамлар мустабдликдан ёмон нарса йўқ. Қўриб кетсин улар!

Волинцевнинг бу хуружидан ҳамма ҳайратда қолди, ҳамма сукутга чўмди. Рудин унга қаради, лекин унинг назарига бардош беролмади, тескари ўтирилиб жилмайди-да, оғиз ҳам очмади.

«Ий-е, сен ҳам калта дум экансан-ку!» деб ўйлади Пигасов; қўрқанидан Натальянинг юраги шув этиб кетди. Дарья Михайловна ҳайрат билан Волинцевга хийла қараб турди-да, ниҳоят, биринчи бўлиб сўз бошлади: бир дўстининг ажойиб кучуги ва министр N.N. тўғрисида гапирди.

Овдатдан кейин кўп ўтмай Волинцев жўнади. Наталья билан хайрлашаркан, сабр юсаси тўлиб унга:

— Нимага гуноҳкордай уялиб ўтирибсиз? Сизнинг ҳеч ким олдида гуноҳкор бўлишингиз мумкин эмас!— деди.

Наталья ҳеч нима тушунамади, кетидан унга бир қараб қўйди, холос. Чой олдидан унинг ёнига Рудин келди, газета саҳифасини очётган бўлиб, столга энгашганича пичирлади:

— Булар бир тушга ўхшайди, шундоғ эмасми? Сиз билан албатта яққа кўришимоғим керак... Лоақал бир нафасга.— У m-lie Вольсовага қаради:— Сиз излаган ўша фельетон мана бу,— деди унга. Яна Натальяга энгашиб пичирлади:— соат ўнларда равон олдида, сиредли айвончага чиқинг; мен сизни ўша жойда қутаман...

Бугунги кечанинг қаҳрамони Пигасов бўлди. Рудин жанг майдонини унга бўшатиб берди. У Дарья Михайловнани кўп қулдирди; у олдин бир қўшини тўғрисида гапириб берди; унинг ўша қўшини ўттиз йилча хотинининг бошмоғи тағида ялаб, ўзи жуда ҳам хотинчалиш бўлиб кетган экан, бир кунги Пигасовнинг кўз олдида қўлмақчадан хотинлар юбасини кўтаргандай, намзулининг орқа этагини кўтариб ўтибди. Кейин у бошқа бир помешчик тўғрисида гапирди, у помешчик олдинга масон, кейин ҳафақон бўлибди, кейин эса бакир бўлишни истабди.

«Филипп Степанич, сиз қандай қилиб масон бўлгансиз?»— деб сўрабди ундан Пигасов.

«Маълум: бешиччи бармоғимнинг тирноғини ўстириб юрганман».

Пигасов севги хусусида мулоҳаза юритиб, аёллар меннинг дәрдида ҳам оқ уришган, ҳатто эҳтиросли бир немис хотин мени «хўрсли Африканчам, меннинг хириллоғим» деб атаган деганида, Дарья Михайловна роса қулди. Дарья Михайловна қулди-ю, лекин Пигасов ёлгон айтмади: чиндан ҳам ўз галабаси билан мақтанишга у ҳақли эди. Хотин кишининг ҳар қанақасини ҳам, ўзингга ром қилишдан осони йўқ; унга, лабларингиз жаннатга қўларингиз роҳат, бошқа хотинлар сизнинг олдингизда оддий бир латта, деб ўн кун муттасил такрорласангиз бас, ўн биринчи кунни унинг ўзи, лабларим жаннат, қўларим роҳат, мен сизни яхши кўраман, дейди деб даъво қилди. Бу оламда ҳар нарса бўлади. Ким билсин? Балки, Пигасов ҳақдир.

Соат тўққиз яримдаёқ Рудин айвонда эди. Осмоннинг жуда баланд ва бўз ранг қаърида юлдузлар элдигина кўрина бошлади; фарб томон ҳали қилқизил — осмоннинг у бари ҳам равшанроқ ва тозароқдай; ярим доира ой қайин дарахтларнинг тим қора тўрлари орасидан олтиндай ялтирайди. Бошқа дарахтлар ё минглаб кўзимом тендикчаларидан шуъла тушиб, бадқовоқ полвонлардай турар, ё ҳаммаёқни қоплаган улкан қоронғиликка қўшилиб кетгандай эди. Битта ҳам барг қимирламасди; сиренё ва акас дарахтларнинг тепа шохлари гўё алланимага қулоқ солар ва илиқ ҳавога бўй қўзарди. Яқиндаги уй қорайди; унинг ёруғлик тушиб турган деразалари қизғин ранг доғлардай кўринад. Оқшом сўлим ва сокин эди; лекин шу сукунатда мулоим, эҳтиросли хўрсиниқ эшитилгандай бўлди.

Рудин қўлларини кўрагига қўйганча динқат билан қулоқ солиб турарди. Юраги қаттиқ уриб кетди, у беихтиёр нафасини босди. Ниҳоят, енгил ва шоққин қадам товушини эшитди, айвонга Наталья келиб кирди.

Рудин югуриб бориб унинг қўлини ушлади. Бу қўллар муздай совуқ эди.

— Наталья Алексеевна!— деб пичирлади у титроқ товуш билан,— сизни кўргим келди... эртаги кунгача тоқатим етмади. Ҳатто бугун эрталаб ҳам ўзим гумон қилмаган ва англамаган туғунини сизга айтмай; мен сизни севаман.

Натальянинг у ушлаб турган қўллари хиёл титради.

— Мен сизни севаман,— деб такрорлади у,— сизни севганимни илгарироқ сезмабман, ўзимни шунча вақт алдабман-а!.. Сиз-чи, Наталья Алексеевна, айтгин, сиз-чи?..

Наталья нафасини зўрга ростлади.

— Қўриб турибсиз, бу ёққа келдим,— дея олди у ниҳоят.

— Йўқ, айтгин, сиз мени яхши кўрасизми?

— Чамамда... ҳа,— дея пичирлади у.

Рудин унинг қўлларини яна ҳам қаттигроқ қисди ва уни ўзига тортоқчи бўлдуви...

Наталья тез аланглади.

— Мени қўйиб юборинг, қўрқиб кетяпман, назаримда, биров бизни поилаб тургандай... Худо ҳаққи, эҳтиёт бўлинг. Волинцев сезиб юрибди.

— Сезса сезар! Кўрдингиз-ку, бугун унга жавоб ҳам қайтармадим... Аҳ, Наталья Алексеевна, мен жуда ҳам бахтиёрман! Энди бизни ҳеч ким айриб юборолмайди!

Наталья унинг кўзига тикилди.

— Мени қўйиб юборинг, кетай,— деб пичирлади у.

— Яна бир лаҳза,— дея бошлади Рудин.

— Йўқ, қўйиб юборинг, қўйиб юборинг...

— Мендан қўрқаяпсиз шекилли?

— Йўқ, лекин энди боришим керак...

— Лоақал яна бир марта такрорланг...

— Бахтиёрман, деясанми?— деб сўради Наталья.

— Меними? Дунёда мендан бахтиёр одам йўқ! Наҳотки шубҳалансангиз?

Наталья бошини кўтарди. Унинг олийжаноб, ёш ва ҳаяжонли рангпар юзи тунги осмоннинг занф ёғдуси ёғилиб турган шу айвоннинг сирли кўланчасида жуда-жуда гўзал эди.

— Виласиз-ку,— деди у.— мен сизники бўламан.

— Е раббим!— дея хитоб қилди Рудин.

Лекин Наталья ўзини тортиб олди-да жўнади. Рудин бироз турди, кейин секин юриб айвондан чиқди. Ой унинг юзини аниқ ёритиб турарди; лаблариде табассум ўйнарди.

— Мен бахтиёрман,— деди у секингина.— Ҳа, мен бахтиёрман,— дея такрорлади, ўзини ишонтироқчи бўлгандай.


У қаддини ростлаб, бошини бир силкитди-да, қўлларини шодон ўйнатганича бор томон тез юриб кетди.

Шу орада эса сиренли айвон ёнидаги буталар аста кўзгалди ва Пандалевский кўринди. У эҳтиёткорона аланглади, бош чайқатганча лабларини юмиб, маънодор қилиб: «Ана холос. Буни Дарья Михайловнанинг маълумотига етказмоқ керак», деди-да гоийб бўлди.


Ўқлош ШАМШАРОВ
таржимаси.

ҒАРОЙИБ ИМОРАТЛАР

Меъморликда янги шакал топши учун меъмор ва лойиҳаловчи муҳандислар ажойиб-ғаройиб иморатлар бунёд қиладилар.



Юқоридаги биринчи расмда Виржиния штатида океан соҳида қуриш учун мўлжалланган меҳмонхонанинг макети. (Лойиҳа архитектор Х. Янгошаники.) Ун икки қаватли бу икки-минара жами саксон тўрт қаватдан иборат. Минара-иморат бир соат довомида ўз ўқи атрофида тўла бир марта айланиб чиқади.



Пастдаги иккинчи расмда Нью-Йорк марказига қуриш мўлжалланган «Япон эицаклари» деб ном олан бир юз йи қаватли тўрт юз йи икки метрни осмон-фпар иморатлар макети кўрсатилган. Бу осмон-фпар иморатлар муаллифи япон архитектори Минору Ямасанидр.

Автомобиль „арвоқ“

Токио кўчаларидан шундай машина учиб ўтди. Машинада ҳеч ким йўқ; на ҳайдовчи, на йўловчилар. Уни мураккаб электрон аппарат бошқарган эди. (Япония)

Хумдаги озуқа

Беш юз йил муқаддам! Венгриянинг Зала вилоятида археологлар қадимий монастыр харобаларини кавлашайтиб икки-тум топшиди. Биттаси қуруқ мева, иккинчиси дон билан тўлатилган экан. Дон ер остида беш юз йил ётганига қарамай ҳеч бузилмабди: тегирмонда тортиб кўрилганда уни янги бугдой унидай оплоқ, мазали экан.

У «Уруш бошланбди», деган хабарга эшитганида эндигина ўрта мактабни тугатган, бирон ҳунар эгаллашга чоғланб юрган кезлари эди. 18 ёшли йигитнинг юрагидаги орзу-умидлар Карим учун ҳам бегона эмасди. Лекин халқ бошига тушган қулфат кўпчилик қатори унинг ҳам орзу-умидларининг ушалишига тўсиқ бўлди. Ҳамма қатори у ҳам Ватан ҳимоясига отланди. Шинель кийишга, қўлга қурол олишга тўғри келди.

Фронтига кўнгилли бўлиб кетган Каримжон Исоқов аввало қисқа муддатли курсда ҳарбий билимини ўрганли, қурол-прогни муқам-мал бошқардиган бўлди. Офицерлик уловинини олди. Учинчи зарбдор армия сафига келганда урушнинг авжи қизиган пайти эди. Кўшинларимиз урушнинг дастлабки кунларида чекинган ерларини ташлаб чиқиб кетган шаҳар-қишлоқларини яна гитлерчи газандардан тазолаб борарди. Каримжон душманга қарши жангчи Смоленск шаҳридан бошлади. Ёш офицер Болтиқбўйи республикаларини олоқ қилишда қатнашди. Висла дарёсидан ўтиб Польша тупроғини гитлерчилардан тазолашда мардларча жанг қилди.

«Уқчи полкдаги биринчи батальон парторги лейтенант Каримжон Исоқов ҳар доим олдин сафларда бўлиб, жангчиларга шахсий намуна кўрсатди. Оташми сўзлар билан ҳамкасбларини олға, душман устига бошлаб борди», деб баёнланган эди унинг жасорати ҳақида дивизия газетасида.

1945 йил апрель ойининг ўрталарида батальон душман орасини разведка қилиш ҳақида буйруқ олди. Тўпчалар тайёр бўлгач, ҳамма жангчилар хандаклардан чиқиб барабар ўт очилди. Душман оқопларига ҳужум қилдилар. Фашистлар ҳам жон ҳолатда қаршилик кўрсата бошладилар. Жангчиларимизнинг ҳаракати секинлашди.

— Берлин томон олға! — Сафда кетаётган парторгнинг овози эшитилди.

Ҳужум суръати тезлашди. Бўлинима биринчи трагедияни эгаллади. Каримжоннинг ўзи тўрт фашистни ўлдирди. Жанг тобора қизиб борарди. Немис солдатлари танклар ҳимоясига қарши ҳужум бошладилар. Каримжон Исоқовнинг ўзи энг хавфли жойни эгаллади. Душман иттидалари совет жангчиларининг ҳужумига бардош беролмай чекидилар.

Каримжон Исоқов жасоратига бағишланган мана бу сатрлар армия газетасининг 1945 йил 26 апрель соиндан олинди:

Еру замин ўт ичида гүмбурлаб.

Қутурган ёв ҳужум қилганда

маккор,

Жангга кирди бу баҳодир шер

юрак

Ва ғалаба унга бўлди мадакдор.

Учинчи зарбдор армия сиёсий бўлими батальон партия ташкилотчисн лейтенант Каримжон Исоқовнинг мардлигига атаб «Визинг қахрамононимиз», деган махсус варақа чиқарди. Варақа шундай хитоблар билан тўғалланди: «Жасур жангчи, ўзбек халқининг қахрамон фарзандига шон-шарафлар бўлсин! Ленин партиясининг содқ фарзанди — большевик Исоқовга шарафлар.

Жангчи ўртоқлар! Исоқов сингари қахрамонларга тенглашингиз. Жанговар шухратингизга шухрат қўшингиз. Душманни Берлин кўчаларида тор-мор этамиз. Ватан учун, олға!»

Мана, нихоят Берлин... Шаҳар эмас, қалъа бу. Варча деворлар темир-бетон билан мустаҳкамланган. Икки мингдан ортиқ сараланган немис аскарлари ҳар бир кўчани, ҳар бир муюлини, ҳар бир уйни жон-жаҳди билан ҳимоя қиларди.

РЕЙХСТАГ қаватларида

Дийр ТУРСУНОВ.

Рейхстагга — уч юз олтинш метр. Югурсанг етасан. Лекин бу йўлнинг ҳар бир қадамида ажал қизиб юрибди. Ҳар бир қария жой душман томондан ўққа тутилмоқда.

Уч юз олтинш метр! Ғалабага яна бир ҳамла! Жангчиларнинг қўзи чанг, туғун қоплаган Рейхстаг биносига — урушнинг сўнгги маррасига тикилган. Олдинда охириги, ҳал қилувчи жанг турибди. Батальон командири Каримжонга ҳужум олдиндан солдатларга бир-икки оғиз гўп айтсанг, деб қолди.

Нима ҳам дейиш мумкин. Гўё ҳамма нарсаси айтилган, ҳамма нарса тўшунарликдек. Вазифа аниқ, фақат солдатлар ҳужумга буйруқ берилишни кутмоқда. Уларнинг ҳужумкорлик руҳини қандай кўтариш мумкин. Каримжон шуларни ўйлаб ўридан турди ва гап бошлади.

— Дўстлар! Эртага 1 Май. Мана шу лавнати уруш бўлмаганда эди биз сизлар билан қадрдон шаҳар-қишлоқларимизнинг кенг кўчаларида қазил байроқлар остида номойини-га чиқардик. Лекин уруш ҳали тугаган эмас. Бугун бизда бундай кўчалар йўқ. Аммо байроқ, мана бу байроқ бор. Шу байроқни қандай бўлмасин, Рейхстагга қадашимиз керак.

Сўз қисқа бўлди. Жангчиларнинг қалбига етиб борди шекилли, улар ўз бурчларини бажаришга қасамёд қилишди.

Ҳужумга саноқли дақиқалар қолди. Жангчилар ҳам, батальон коммунистларининг етакчисн лейтенант Каримжон Исоқов ҳам ҳажонда. Ўз заволи ақинлашаётганини сезган гитлерчилар жангчиларимиз турган ёки ишлар министрига биносига ўқ ёғдиришди. Худди шу дамнинг ўзида тўпларимиз майдонни ўққа тутди. Портлашлардан ҳаммаёқ ларзага келди. Тўплар Рейхстаг яқинига қўчирилди.

Каримжон Исоқов бошлиқ батальон жангчилари Рейхстаг томон ташлангилди. Ҳамма Рейхстагга тезроқ етиб боришга шошилди. У ерда ҳаёт ва ғалаба. Оқиқ майдонда эса ўт қуюнлари ва ўлим. Ҳамма бинога интилади. Уч юз олтинш метр масофани эгаллаш учун кетган дақиқалар бир неча соатлардек туюлади.

30 апрель куни соат 14 дан 25 дақиқа ўтганда Каримжон Исоқовнинг сафдошлари, лейтенант Пётр Гречников ротасининг жангчилари Рейхстаг дарвозасига тиккан Қизил байроқ Советлар мамлакатининг давлат байроғи — ғалаба байроғи ҳиллиради.

Улуғ Ватан уруши тугади. Коммунист Каримжон Исоқов иккинчи даражали Ватан уруши. Қизил байроқ, учинчи даражали Шухрат орденлари ва саккизта медал билан мукофотланди. Яқинда у хизмат қилган дивизия командири генерал Василий Шатилов сўнгги жанг қатнашчиларидан бири Каримжон Исоқовга ўзининг «Рейхстаг устида байроқ», деган китобини совға қилди. Бу китобда муаллиф ўз қўли билан шундай ёзибди: «Рейхстаг штурмининг қатнашчиси Каримжон Исоқовга. Сен иккинчи рота сафида жанг қилиб Рейхстагга депутатлар дарвозасидан биринчи бўлиб кирдинг. Сенинг помингни халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди».

„МАРДНОМА“ китобига



Абдулла ОРИПОВ

I

Қани, ҳей дўстларим, келинг бир нафас
Сўзлашиб олайлик очиқ, юзма-юз.
Буюк коммунизм мавзумиздир, бас,
Тагин ўрнингиздан сачиб кетмангиз.
Қани, ҳей, дўстларим, келинг бир нафас
Шу қизил дафтари очайлик яна.
Эриш туюлмасин ташбиҳларим, бас,
Ҳозир дабдурустдан дейманки: ана,—
Мамонтлар тўдаси чиқди ўрмондан,
Шимол кўчкиндай ваҳший ва сармаст
Ва лекин ваҳшийроқ тўда ҳар ёндан
Бостриб келдилар гурас ва гурас.
Яна тўқнаш келди Инсон ва ҳайвон,
Яна ҳаёт учун жанг кетди узоқ.
Яна ғолиб келди ваҳший оломон,
Яна шўрлик мамонт енгилди. Бироқ,
Ҳа кун бузилди азалий удум,
Уни инсон ўзи бузиб ташлади.
Кундузги ошқора ўғирлардай у
Ўлжасини уй-уйга торта бошлади.
Бизнинг бошимизни боғлаган зулмат,
Нотиқлар тутақиб сўккан зулм, қон,
Дунёдаги неки ёмонлик, қулфат,
Барчаси бошланган эди ўша он...
— Йўқ, ҳавас қилмайман маймунга

ҳечам,

Иштонсиз ажодни қўсмамоқ нега?
Аммо ўлжасини талашган одам
Йўлдан адашгандай кўринар менга.
Мен бир тажрибасиз, гўр йилгит, нечун
Адашдинг деяман дунёга ҳайхот,
Абдулла, ханжарин ўзингга ургин,
Сен ўзинг адашмай ўсингми, наҳот!
Ҳа, ёшлиқда мен ҳам бироз адашдим,
Қотил бўлганим йўқ аммо, ҳар қалай...
Дунё ҳам бир вақтлар мамонт талашиб,
Адашиб кетганда йўлдан мендай,
У шўрлик илк бора ўрмонга қочди,
Қулдорнинг калтаги қонатди бурнини.
Спартак бўлиб сўнг ҳаққин талашди,
Зевс сиймосида ахтарди ўрнини.
Мангу экзотика — Римни у қурди,
Бироқ тивёлмади кўзда ёшини:
Юрагига Цезарь найзасини урди,
Чингизхон чўқморни ёрди бошини.
Асрлар шундайин тенгит ўтдилар,
Ер узда ҳукмрон ҳам бўлди фақат!
Кимларки яхшилик донин эдилар —
Ёмон деб ном олди ўзи оқибат!
Наҳотки дунёда ҳақсизлик мангу,
Наҳотки одамзод қилингандир оқ?!
Наҳот ўша Фрейд ҳақ бўлса, ёху,
Наҳот қотил бўлса ўсиб чақалоқ?!
Фарёд чекарканман софдиллик учун,
Одамлар, севаман, севаман сизни,
Ешлик соғлиғига ким қайтмас, қани,
Адашган йўлдан ким қайтса, шу — мард!
Ер юзиде кезган зулмату ваҳшат
Чекинар-ку охир чириб ва қариб.
Фақат коммунизм — ул эзгу ният
Инсонга соғлигини берад қайтариб.
...Ўжаар муҳолифлар, сал пастга тушинг,
Оғирроқ бўлинг сал, теғиндош жўралар.
Эй, нозик кўқувчим, уммасин хушинг,
Буюк мақсад сари етди мисралар.

70. Ма-ю-з

Дўстгинам, кўзларни унга тикканмиз,
Кўнгил орзулари фидо ўшанга.

А. ПУШКИН.

Инсоният ақлий фаолияти бошланганидан буён, то ҳозирги кунларгача, Диоген ва Арастулардан тортиб, Гегель ва Бертран Расселларгача — юзлаб тафаккур эгалари инсоният келажаги қанақа бўлиши кераклиги тўғрисида кўплаб голларни ўртага ташладилар. Бу голлар орасида одамзод манфаатига қисман мувофиқ келадиганлари бўлган, лекин инсоният виждони марксизм гоёсинигина тўлиғича қабул қилди ва унинг учун курашди.

Абдулла Тўқай: «Ярқираб юлдуз ёнадир тун қора бўлган сайин», деб ёганиден, инсоният теласида қора булутлар қуюқлашган сари унинг келажакка бўлган интилиши ҳам шунчалик кучайиб борди. Коммунизм қурилиши ниҳоятда зарур бўлган ҳаётий эҳтиёжга айланди. Ҳаммага маълумки, коммунизмни рад қилувчи нисеалар ер юзиде ҳали бор. Улар коммунизмга қарши ташвиқот олиб бормоқдалар. Шуниси қизиқки, уларнинг эътиқоди — эътиқодсизлик, мақсадлари — мақсадсизлик, голлари — гоёсизликдир. Ваъзи буржуа олимлари эса коммунистик гоёнинг енгилмаслигини эътироф этишга мажбур бўляптилар. Бир буржуа олими «Маркс жаюб кутати» деган мақоласида: «Карл Маркс Британия музейида икки йил ўтириб капитализмни гўрга тикди. Мана, орадан икки юз йил ўтпти ҳамки, капитализмни ҳалокатдан сақлаб қолувчи бирор одам гарбдан чиқмаптир», дебди.

Адолатга рахна солувчи ҳар қандай кучга қарши кураш ҳар бир инсофли кишининг бурчидир. Коммунизм ҳақидаги гап, шубҳасиз, инсоният қисмати ҳақида, яхшилик ва ёмонлик, разолат ва олижаноблик, зулмат ва нурнинг кураши ҳақидаги гапдир. Шу мавзуда мен бир маҳаллар шеърий нуқта ёган эдим. Албатта, унда бирмуҳта бўш шеърий ташбиҳлар бўлиши мумкин. Аслида, айрим ташбиҳини умумий гоё деб талқин қилвермаслик керак. Ташбиҳлар йиғиндисигина умумий гоёни англатиши шубҳасиз. Баъзан «ўлим» «тирилик»ни тасдиқлашга хизмат қилиши мумкин. Лермонтов бир вақтлар:

— Менга вафо қилмагач санам,
Хотинларга ҳўрматим нечун!—

деб ёган эди. Бу билан, албатта, ҳамма аёллар вафосиз экан, ёхуд аёлларни ҳўрмат қилмагани учун шу ўринда Лермонтов одамзод манфаатига номатлуб шор деб бўлмайди. Бу масаланинг бир томони. Тагин бир жиҳати бор: автобуснинг ҳам пешанасида рақами бўлади, магазиннинг ҳам пештоқида ёзуви бор. Аммо рашил одамнинг мангайига: «Бу — рашил одам», деб ёзилган эмас. Инсон жамят махсули сифатида эмас, балки табиат фарзанди сифатида ҳам голт мураккаб зотдир. Бадиий асарда бу мураккаблик акс этиши мумкин ва лозим.

Хуллас, одамзод ўз келажакига ниҳоятда чигал йўллари босиб келмоқда. Унинг чигалини эса фақат коммунизмгина еча олади.

Фарёд солманг тагин, қизил гап, дея,
Терлангиз, касалин тўзатади тер.
Сизга бир жуфт савол айлайин ҳади:
Мавзуда нима айб, гализ бўлса шеър?
Осон қутуламиз мавзудан баъзан,
Хаспўшлаб ўтамиз урра-урралаб.
Сўнгра дод солаимиз: — фалону пистон,
Қулоққа ёқмайди деймиз — ўша гап.
Холбуки, ўзимиз ахтарган бахтлар,
Бўғзимизда турган ҳар эзгу армон,
Барчаси бир сўзда жаьланди, агар
Ёқмасе топингиз бошқа бирор ном!
Ҳа, мен коммуниани куйлайман, балди,
Унда халқ йўлига туташар йўлим.
Бироқ урраларин севмайман ҳали,
Урра демократика қисиндир тилим!
Баъза одамларни кўрсатиб хали
Қийиндир соф инсон дея атамоқ.
Гарчи инсон зоти бўлолмас пари
Бироқ ҳали бордир шайтонга ўртоқ.
Қора булут ёғмай кетса-да магар
Тиниқ кўзгўларга тўшаб ўтар нам.
Ҳали осмонларда булутлар учрар,
Ҳали найзалар бор, баъзан менга ҳам
Шундайин тиканлар санчилар гохо...
Шунда ҳамдард бўлар ширин меҳнатим.
Дўстлар даврасидан кетаман ҳатто,
Олик юлдузларга кўчар қилқатим.
...Юлдузлар, юлдузлар, сиз менинг учун
Соғлик ва маъсумлик бўлиб ёдингиз,

Борим шудир дея, жовдираб секин
Оқ кўнгил фарзандим бўлиб қолдингиз.
Йўқ, йўқ! Мен силарга термулиб бедор
Фалак сафарини ўйлаганим йўқ.
Юлдузлар, мен сизга боққанда хумор,
Қалбимда ер ишқи бўлади тўлиқ.
Юлдузлар, билмайсиз менинг халқимни,
Бундаин заҳматкаш ер юзиде кам.
Елда тиним бордир, унда йўқ тиним,
Шундай ишпарастдир у муинсиганам.
Мен уни ўйлайман тун-кечаларда,
Она халқим дейман, меҳрим оқар жим.
Кўзимга бўзиде кўрнисе жанда
Кўнгилим тўлиб кетар, ниграйман: халқим...
Ўшининг-ку ўтди, толе кўрмадинг,
Питириндиг, ўзингга бенасиб таом.
Кийиндигин бировга, ўзинг киймадинг,
Юлдузини кашф этиб, ном олдинг: авом!
Ўттанга ачимоқ одатим йўқдир,
Беҳуда мотамлар теккандир жонга.
Ва лекин тош отмай ложим йўқдир
Фурқатини бадарга этган замонга.
Мени кечирингиз, оддий одамлар,
Сизни эсга солар ҳар машғум тақдир.
Орангизда ўтди қанча фурқатлар,
Безакка чалинди қанча Алишер!
Ер юзиде кезган зулмату ваҳшат,
Чекинар-ку ахир, пок бўлар дунё!
Фақат коммунизм — ул эзгу ният
Халқимга бахтинин айлар ҳади.

Мезонлар учмоқда, ҳаво биллурдан...
 Яна ҳисларимга кел, деб ёлбордим.
 Хазонлар тўқилди, мен ҳам қалбимдан
 Бадбин ўйларимни қувлаб юбордим.
 Ажойиб фасл бу: ўйчан, баркамол —
 Қиздай маъносина туради қуйлаб.
 Мен қузани севаман, кезаркан хушҳол
 Олтин Ўзбекистон тупроғи бўйлаб.
 Бўзимга ҳисларим тиқилар яна,
 Ниғлагим келади, билмайман нечун.
 Куйлагим келади тувлар жимгина,
 Гулгун шафақларнинг соғлиги учун.
 Кумуш ранг йўллари доғ суриб юрсам,
 Шимирсам шабнамдан, қуйласам сармаст.
 Сўнгсиз водийларга термулиб турсам,
 Бепарво оҳуда қўзғасам ҳавас.
 Аммо кечалар мен кезсам-да бедор,
 Охулар қўйимга кирса-да қиздек,
 Менинг нигоҳимни тортади тақрор
 Миллион эггаларга сочилган ўзбек.
 Гарчанд пахтазорга боқаман мен ҳам,
 Ва лекин дилнимда ташвиш бор менинг.
 Майлига шўх қўшиқ, янграгани тилдан,
 Ранглар сингилганим, ўйлайман сени.
 Сенинг қаторинида она халқ бордир:
 Сен каби меҳнаткаш, сен каби суюқ.
 Унинг ташвишини унутмоқ ордир,
 Уни унутганидан тўнкадир куюқ.
 Сингилга — халқимга боқсам доимо,
 Улуғ Коммунани айладим орзу.
 Дедим: Коммунадан бахт топар дунё,
 Дедилар: гўдагим, тўғри йўлинг шу.
 Қўлимдан тутди-ю, шу улуғ имон,
 Менинг ҳам кўнглимда жўшди тилагим.
 Аммо баъзиларга дуч келсам бир он
 Аччиқ изтиробга тўлар юрагим.
 Рост-да, бировларни этади шайдо
 Ўз айби турганда ўза бир чирой.
 Қулги аримасин лаблардан, аммо, —
 Тақдир эркалатди бизни ҳар қалай...
 Сокин кечаларда келар ёдимга
 Нобиев — жувонамарг йигит қисмати.
 Дайман, қани ёнса авлод қонида
 Ўша оталарнинг буюк пиддатга.
 Худбин тенглошимга қарайман ғамгин,
 Кўлмак давра кўрсам эзилар кўнглим.

Мен ўзим нимаман? Аслида, балким
 Энг нувоқ одамдан нувоқман, фақат,
 Фақат бир варагани ширмас қалбим:
 Менинг юрагимда бордир Муҳаббат!
 Сени, она халқим, севаман жондан,
 Сениш ташвишининг ташвишим дейман.
 Нима қилдордим? Фойдам кам гарчанд,
 Бироқ мен ўзимча ғамингни ейман.
 Дилдан қувонаман, қирларда пода —
 Яғрини ялтираб юрагини кўрсам.
 Дилдан қувонаман, тошлоқ ерларда, —
 Бугдойзор совуллаб турганин кўрсам,
 Суюниб кетаман мактаб боладай,
 Сонсиз мўрилларда кўраркан тутун.
 Ана, таниш уйда доғ бўлмоқда мой,
 Шивирлайман: — синглим, насибанг бутун!
 Куйлаб замондошнинг қадду камолини
 Эркиннинг шўх сози таратса жараи,
 Дейман, коммунизм — ул мунис толе
 Халқимга шўх қўшиқ бермоқда, қаранг.
 Тўю тўйхонани кўрсам, ҳамма вақт
 Улуғ замонага айтдим шукрона.
 Аммо инсон умри тўй эмас ҳар вақт,
 Олддадир ҳали энг гўзал замона.
 Истайман, қора ранг қолмаса жиндай,
 Истайман, ботмаса шу рангини қуёш.
 Аканинг сингилга ачинганидай
 Инсон инсон учун тўка олса ёш.
 Она халқ бахти деб ҳар вақт, ҳар қачон.
 Истайман, бир сафда турса одамлар.
 Сокин кечаларда қалбини ногаҳон
 Кўришад олганида шундай оҳанглар —
 Сизга талпинаман одамлар яна,
 Ўтмиш мухаббатга талпингандай жон.
 Аммо баъзи маҳал қоламан якка
 Севгисиз рад бўлган ёш Вертерсимов.
 Йўқол, эй, беҳуда мағрурлик ҳисси,
 Йўқол, эй, беҳуда самовий дамлар.
 Ўзимни сизлардан ажратсам, сўзсиз
 Парчалаб ташлангиз мени, одамлар!
 Дўстларим, мен сизга талпинган дамда
 Қалбимда бўлади ёлғиз бир раъйим:
 Хийнат бўлмаса дейман ҳеч кимда.
 Дўстларнинг имони бир бўлса доим.
 Дайдилар: дунёни кўраш айлар бир,
 Инсон жанг-жадалда бўлар жуфтга-тоғ,
 Ахир қон оқини шартманкан, ахир,
 Коммуна қайси бир жангдан осонроқ?!

Деймизки, оламини бугдойзор босени,
 Ер юзид фақат янграганин кулгу.
 Ахир, бугдойзорнинг ўзи уамаским,
 Дилдан кула биллиш осон эмас-ку.
 Ҳа, буюк жанг бу ҳам, қошида ҳомуш —
 Не ўжар одамлар бош эгмоқда жим.
 Шу метин сафларни ким бузолур, хўш,
 Шу эзгу курашдан кетма турар ким?!
 Қани, ҳей, дўстларим, тинглангиз сўзим,
 Бир сўзим, оддийдир ҳақиқатсимон.
 Дейман: Коммунизм — тарихнинг ўзи
 Келмоқда, кинга дўст, кинга беомон.
 Ҳайқирайман ҳозир... Баъзида лекин
 Заиф шамолларга биттисунар созим.
 Юрагим, юрагим, мўтисан-ку, сен,
 Ҳайқирини аслида сентгами лозим.
 Биламан, ортимдан кимдир ўқрайиб
 Қараб ўтирибди худди шу замон.
 Қани, ҳей, бу йўлдан бўлмасин тойиш,
 Қани, ҳей, Коммуна, янгра беомон!
 Майлига созимни севама давралар,
 Ошиқлар сатримдан чекмаслар фарёд.
 Менинг хаёлимни ҳозир етаклар
 Фақат Коммунани эслатган ҳаёт.
 Ана, йўл четиди борар қўрилиш
 Ёниш терувчи йигит дарвоздай юрар.
 Отга қамчи урар керосинфурӯш,
 Бир каминр энгашиб кўча сузурар.
 Ана у таниш жой — анҳор қирғоғи,
 Пивога кўп хумор талаба дўстим,
 Мен сенин эсимингни билмайман, соқий,
 Буюр мен учун ҳам майли бир жуфтин.
 Уларга боқаман, қалбимда ўқтин
 Бир хушиуд ҳиссиёт кўтарар елкай.
 Ўзгаларнинг ғами йиғлатса, нечун,
 Неғун ибболлари қўвнатмас экан?!
 Ахир инсоф билан ўйласанг-ку, рост,
 Ўшалардир бугун соҳиб замон.
 Ҳеч кимнинг ҳеч кимдан тили қисқикмас,
 Чегарадир фақат инсоф ва виждон.

* * *

Қани, ҳей, дўстларим, ташланг бир қадам
 Шу эзгу Коммуна ҳимоясига.
 Мен сизни қутаман, ушбу шэърим ҳам
 Ўшанда этади ниҳоясига!

1964.



ИСТЕЪДОДЛИ РАССОМ

«Гулистон»нинг шу йил 9-сониди менинг бир неча расмларим нусхалари бўёқли зарварларда босилди. Редакция аҳлининг бу ҳимматига самимий миннатдорлик изҳор қиламан.

Айни пайтда истеъдодли ёш рассом Жавлонбек Умарбековнинг «Навоий ва Хусайн Бойқаро болаликда» деган ажойиб, нафис асари ҳам рангли ҳолида босилди. Менинг фикримча, Жавлонбековнинг бу асари Ўзбекистон тасвирий санъатининг миниатюра меросини эгаллашда катта ютуқдир. Композициянинг мукамаллиги, рангларнинг уйғунлиги, чиқиқларнинг нафислиги Жавлонбекдан келажакда янада ёлғал, нафис, чуқур мазмунли асарлар куттишга умид тугдирди.

«Навоий ва Хусайн Бойқаро болаликда» номи бу асарни томоша қилганда икки зотнинг расмда тасвирланган ҳолатиғина кўрмасдан, уларнинг кейинги ҳаётидиёи боғлиқлиғи ҳам ўйлаб қолади киши.

Мен Жавлонбекка келгуси ишларида ҳам улкан, ижодий самаралар тилайман.

Жавлонбек Умарбековнинг меҳнат ва маҳорат сарфлаган ушбу асари «Гулистон»нинг 9-сониди менинг номимга янгилиб ёзилиб қолганидан афсусланаман.

Чингиз АҲМАРОВ.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми.

Давлат ва ҳуқуқ тарихига оид қўлланма

КПССнинг XX съезидан сўнг ижтимоий фанлар кенг ривожланиб, СССР халқларининг сиёсий ва маданий ҳаётини чуқур тасвир этадиган китоблар майдонга келди. Тарих ва давлатшунослик фанларида ҳўкм суриб келган догматизмга чек қўйилди. Натижада давлатшунос тарихчилар олдига СССР халқларининг давлат ва ҳуқуқ тарихини янгича ёритиш вазифаси пайдо бўлди. Бу масъулият ва шарафли вазифани Москва давлат университетининг профессори К. А. Софроненко раҳбарлигидаги ҳуқуқшунослар коллективи шараф билан бажарди. Бу ишга республикалардаги айрим ҳуқуқшунос олимлар ҳам жалб этилди. Натижада коллектив кучи

билан янги асар ёзилди. 1967 йилда Москвада нашр этилди. «СССР давлат ва ҳуқуқ тарихи» китоби Ватанимиздаги кўп миллатли халқларнинг инқилобдан илгари ҳўкм сурган ижтимоий ва сиёсий тузуми ҳамда ўша даврларда жорий этилган қонунларни таҳлил қилишга бағишланади. Асарда рус, украин ва белорус халқларининг биринчи қонуни бўлмиш «Русская Правда» («Рус ҳақиқати»), рус элларини ягона марказлаштирилган давлатга бириктирган подшо Иван III томонидан 1497 йилда эълон қилинган «Судебник» (сўдлар учун қўлланма), 1649 йилда Москва шаҳрида чиқарилган собор (Бутун россия айғини)да тасдиқ этилган қонунлар мажмуаси феодал-крепостник тузу-

мининг кодекси ҳисобланган «Собранные уложения» Россияда ўзининг тараққиётпарварлик фаолияти билан машҳур Петр I қонунлари. 1832 йилда нашр этилган «Россия империясининг қонуналар тўплами» каби тарихий ҳужжатлар чуқур таҳлил қилинган. Шунинг билан бир қаторга асар маълум камчиликлардан холи эмас. Чунинчи: рус халқи устидан 240 йил давомида ҳўкм сурган татар-мўғул элмининг салбий оқибати очиб берилмаган. Рус элларининг бир бутун ягона марказлаштирилган давлатга бириктирилиши эса Шарқда татарлар зулмига, Ғарбда эса немис босқинчилари томонидан ташкил этилган Ливония орденига қарши олиб борилган узоқ ва машаққат-

КОММУНИСТИК партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Акмал Икромов бундан ропша-роса 50 йил муқаддам партия сафига кирди ва бутун умрини, ақл-идрокини, юрагининг бор ҳароратини социализм қуриш ишига, ленинча миллий сиёсат тантанасига бағишлади. У қайси ишда ишламасин: Наманган Уездкомитетининг котибики, Фарғона обкомпартияси рансининг ўринбосарими, Сирдарё обкомпартияси, Туркистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг ёхуд ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осие бюросининг котиби — ҳар доня улуғ Ленин партияси, совет халқи ишини ҳормай-толмай амалга ошириш учун курашган толмас инқилобчи, курашчи, жанговар раҳбар эди. Акмал Икромов Ўзбекистон Компартияси сафларини жинслаштириш, мустақкамлаш, унинг жанговарлигини ошириш ишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг тошпиринига асосан 1925—1937 йилларда у республикада маданий инқилобни амалга ошириш билан бевосита шуғулланди, унга раҳбарлик қилди. Инқилобнинг дастлабки йилларида Тош-

кентда, Наманганда совет мактабларининг биринчи ўқитувчиларидан бири, кейинчалик эса Фарғона, Сирдарё ва Туркистон коммунистларининг етакчиси сифатида меҳнақашларнинг болалари учун мактаблар очиб, ўқув-тарбия ишларини яхшилади, ёки ўқувчиларни социалистик руҳда тарбиялашда катта иш олиб борди. У таъкидлаб ўтгандики, фақат В. И. Ленин, Улуғ Октябрь ва Совет тузуми Урта Осие халқлари орасида маданиятни ва халқ маорифини ривожлантириш учун катта йўл очиб берди. Акмал Икромов совет ўқитувчиси бўлганлигидан фахрланарди, варақалар тўлгаганда ўзининг ўқитувчи бўлганлигини ҳам кўрсатиб ўтарди. Республикада халқ маорифини ривожлантириш учун зўр қийинчиликларни егишга тўғри келди. Маориф душманларининг энг каттаси — руҳонийлар, эшонлар эди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1926 йил июнь Пленуми Акмал Икромовнинг «Руҳонийлар ва мактаб тўғрисида»ги махус маърузасини муҳокама қилди ва руҳонийлар қаршилигини бостириш, республикада совет мактабларини ривожлантириш йўллари белгиланди. Баъзи бир

ХАЛҚНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ

Атоқли партия ва давлат арбоби
Акмал ИКРОМОВНИНГ туғилган
нига 70 йил тўлди.



Акмал ИКРОМОВ Ўзбекистон ёзувчилари орасида. 1934 йил.

кишилар мактабни сиёсатдан ажратиб қўйишга таклиф қилдилар. Акмал Икромов бу таклифнинг нотўғрилигини очиб ташлади. Республика халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш юқори малакали мутахассислар тайёрлашни талаб қиларди. Шунинг учун Ўзбекистон Компартияси, Хўкумати бир қатор тadbирлар кўришга киришди. 1929 йилдан бошлаб Урта Осие Давлат дорилфунундан ажралиб чиққан политехника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа олий ўқув юртлари ташкил қилинди. бу юртларда кадрлар тайёрлаш ишлари кучайтирилди. Шу билан бир қаторда Москва, Ленинград ва бошқа саноат марказларига қўлаб ёшлар ўқиниға юборилди. Бу тadbирларни амалга оширишда Икромов катта иш олиб борганди. Эски зиёлиларни социалистик қурилишга жалб этиш масаласи турарди. Бу масалада республика раҳбарлари орасида ҳам ягона фикр йўқ эди. Шунинг учун 1926 йили июль ойида Ўзбекистон коммунистлари Марказий Комитет Пленумига йиғилдилар. Улар Акмал Икромовнинг маърузасини муҳокама қилдилар. Нотиқ эски зиёлиларни икки гуруҳга бўлиш кераклигини: бири қора ниятли зиёлилар, иккинчи гуруҳи илгор зиёлилар эканлигини айтди. Унинг, Совет ҳокимиятини ҳар томонлама

ди курашлар натижаси эканлиги таъкидланмаган.

Асарда Урта Осиё халқларининг сиёсий тарихига ниҳоятда оз ёрин берилган. Бунинг устига фақат XV аср билан чекланмаган. Натижада Урта Осиё халқларининг то Октябр инқилобига қадар бўлган 500 йиллик тарихи, ҳусусан Россияга қўшилгандан сўнгги колончал давр тарихи мутлақо диққат марказидан четда қолган. Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий-сиёсий тузуми, ўлкани идора этиш ҳақида «низоомлар», масалан, 1910 йилда граф К. К. Пален томонидан тузилган 294 моддадан иборат «Шариат қонунари тўплами» каби муҳим тарихий ва ҳуқуқий манбалар эса ҳам олин-

маган. Урта Осиё халқларининг сиёсий ва ҳуқуқий тарғиботи ҳақида сўз борар экан, шу нарса ачинарли ҳолки, XIV асрнинг охирига мансуб бўлган ва турк (ўзбек) тилида ёзилган биринчи қонуналар мажмуаси машҳур «Темур тузуклари» (тузук—низоом, қонун демакдир) ҳақида маълумот берилмаган. Ваҳоланки, маданий меросимизга оид бу нодир манба форс, инглиз, француз тилларида, 1894 йилда шарҳишунос Н. Остроумов томонидан «Уложение Темура» номи билан рус тилида нашр этилган. 1967 йилда эса «Темур тузуклари» Алихон Соғуний томонидан ҳозирги замон ўзбек тилига таржима қилинди. «Темур тузуклари» Урта Осиёда ҳукм сурган давлат

тузумини тўлароқ баён қилиб берган манба бўлиб, унда Мовароуннаҳрда мўғул зулмига хотима берилганлиги, марказлаштирилган давлат барпо этилганлиги, ҳарбий, молиявий, ички ишлар, таъқиқ ишлар, давлат мулки ва ишиотлар вазоратларидан иборат ташкил топган давлат бошқарув аппарати, табақаий, синфий характери эва бўлган шўр органлари, сиёсий ва жиноий ишлар бўйича махсус тузилган полиция иборалари, армия ва унинг ташкилий тузилиши ҳақида батафсил маълумот берилган.

СССР давлат тузилиши ва қонунчилик тарихига бағишланган бу китобда арман, эрзуян, латш ва украин халқларининг қонунари ҳақида маълумот берилгани

ҳолда Урта Осиёда яшовчи ўзбек, тожик, туркман ва қирғиз халқларига мансуб шариат қонунларининг ривожланиши, татбиқ қилиниши ҳақида ҳеч нарса йўқ. Юқоридаги камчиликлардан қатъи назар «СССР давлат ва ҳуқуқ тарихи»га бағишланган бу коллектив асар ўз вақтида нашр этилган фойдали қўламадир. Бу дарслик кейинча яна нашр этилиши шубҳасиз. Қайта нашр пайтида юқорида кўрсатилган нуқсонлар ҳисоба оlinиб тузатилади деган умиддамиз.

О. ЭШОНОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор.

қўллаётган, софдил зиндилар янги жамият қуришга тортилсин, деган фикрини Пленум маъқуллади.

Акмал Икромов олий ўқув юртиларида, техникумларда тез-тез бўлар, профессорлар, ўқитувчилар билан учрашиб турар, улар билан маслаҳатлашар, олимларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ҳамхўрлик қиларди.

Ўзбекистонда адабиёт ва санъатни ривожлантириш масалалари ҳам Республика Компартиясининг диққат марказида турарди. Акмал Икромов бу масалалар билан чуқур шуғулланди. Айниқса Алишер Навоий асарларини тўплаш, нашр қилиш соҳасида Акмал Икромовнинг ҳиссаси катта.


Акмал Икромов Ўзбекистон пролетар ёзувчиларини бирлаштиришда, кейинчалик уларнинг Союзини ташкил этишда Ўзбекистон Компартиясининг топшириғига асосан катта иш олиб борди. У республикадаги кўпчилик адабиёт ва санъат арбобларини шахсан танирди ва уларга ҳар томонлама ёрдам берарди. Кўпинча, ёзувчиларнинг илтимосига кўра уларнинг қўлёзмаларини ўқиб чиқар, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирарди. Акмал акани кўпинча Ҳамза Ҳасимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Рафур Ғулом, Аброр Ҳидоятлов, Қори-Ёқубов, Ҳалима Носировалар билан суҳбатлашиб турганларида учратиш мумкин эди.

Акмал Икромов 1934 йил март ойида Ўзбек совет ёзувчиларининг биринчи съездида нутқ сўзлади. У Ўзбекистондаги адабий муҳитни чуқур таҳлил қилиб берди. Ўзбек ёзувчилари улғур рус санъаткорлари М. Горький, М. Шолохов ва бошқалардан ўрганиши кераклигини таъкидларди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси ва унинг биринчи котиби Акмал Икромов республикада ўзбек мусиқаси ва ашуласини ривожлантиришда катта иш олиб борди. Айниқса кўп товушли қўшиқ санъатини йўлга қўйишда анча иш қилинганди.

Ўзбек мусиқаси соҳасида икки хил фикр бор эди. Баъзи бир кишилар ўзбек халқининг қадимий куй-қўшиқларидан воз кечини таклиф қиларди. Ҳатто, бу кишилар халқдан чиққан таниқли ашулачилар Мулла Тўйчи, Хўжа Абдулазизларни театрлардан четлаштириш ниятида эдилар. Иккинчи бир фикр тарафдорлари ўзбек мусиқа ва ашула санъатини замонавий йўл билан ривожлантиришга қарши эдилар.

Акмал Икромов иккала фикрга қарши чиқди. У ўзбек халқининг асрлар давомида яратган мусиқа ва ашулаларидан тўлиқ фойдаланиш кераклигини таъкидлади ҳамда илгор халқлар қўшиқ санъатида таяниб уларни ривожлантириш лозимлигини асослаб берди. Социалистик қурилиш ишларини ўзбек ашула ва мусиқаларида ақс эттириш лозимлигини биринчи бўлиб ўртага қўйган ҳам Акмал Икромов эди.



Акмал ИКРОМОВ.

Республика Компартияси Марказий Комитети кино санъатини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берарди.

Ўзбекистон Санъат ишлари Бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзоси, иттифоқ миқёсидаги пенсияонер Я. Горбунов эслайди: «Бир кун мени Акмал Икромов Ўзбекистон Марказзомига чақириб Иттифоқда ва баъзи бир республикаларда овозли кинофильмлар чиқарила бошланган, биз бу соҳада орқада қоляимиз, бундай камчиликни йўқотши керак, деди.

Ўзбекистон Санъат ишлари Бошқармаси бу масалани кўриб чиқди ва амалий тадбирлар белгилади. Булажак фильмлар учун бир қанча асарлар тушган эди. Биз Кудрявцев ва Ивановнинг «Қасам» деган сценарийини танладик. Бу фильмда Ўзбекистон киносининг атоқли арбоблари Лутфиномин Саримсқова, Раҳим Пирмухамедов, Асад Исмаилов, Ятим Бобоқонов ва бошқалар асосий ролларни бажардилар».

Қўчқор ҲАСАНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Чехословакия Социалистик Республикасининг партия ва давлат арбоблари қардош чехословакия халқига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам беришни, шу жумладан куралиш кучлар билан ёрдам беришни сўраб, Совет Иттифоқига ва бошқа иттифоқчи социалистик давлатларга мурожаат қилишди. Социализмга душман ташқи кучлар билан тил биринтирган аксилинқилобчи кучлар Чехословакиядаги мавжуд социалистик тузумга ва чехословакия халқининг ўтган йигирма йил ичида эришган оламшумул галабаларига таҳдид солаётганликлари сабабли ана шундай ёрдам сўраш зарур бўлиб қолган эди. Шу йил 21 август тоғида дўст социалистик мамлакатларнинг ҳарбий қисмлари Чехословакия тупроғига кириб борди.

Бу тадбирлар, ўша куни эълон қилинган ТАСС Баёнотида таъкидланганидек, социалистик мамлакатлар ўртасида тузилган иттифоқчилик шартномаларида давлатларнинг янги тартибда ва биргалишиб ўзарини мудофаа қилишлари тўғрисида кўзда тутилган ҳуқуқига тўла равишда мувофиқ бўлиб, бирор давлатга қарши қаратилган эмас ва ҳеч кимнинг давлат мафратларини бирон даража бўлса-да камситишни кўзлаган эмас. Буни Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ва Миллат мажлисининг бир гуруҳ аъзолари ҳам ўз мурожаатларида тамоман асослаб бердилар.

— Ҳозирги кунда,— дейлади ўша мурожаатда,— меҳнаткаш халқимизнинг кейинги йигирма йил ичида вужудга келтирган ҳам-ма нарсалари хавф остида қолди, социализмнинг барча галабалари хавф остида қолди. Биз январь ойида қадам қўйган социалистик демократия йўлимизгина эмас, балки социализм негизининг ўзи, республикамиз ҳам хавф остида қолди.

Биз халқларимизга нисбатан юксак жавобгарлигини англаб, чинакам ватанпарварлик туйғулари, ҳаққаро социалистик бирдмлик туйғулари билан тўлиб-тошган ҳолда, ўзимизнинг интернационал буржларимизни англаган ҳолда социалистик истиқболимиз ва ватанимиз мафратларини кўзлаб барча ватанпарвар кучларни жалбаштириш ташаббусини ўз зиммаларига олди. Реакция тайёрлар ва Липандаги (1434 йилда Липан ёнида бўлган жаңг назарда тутилади) воқеаларнинг фожия таъдорланганидан дарак берадиган ўзаро қонли кураш хавфи бизда Совет Иттифоқига ва бошқа қардош социалистик мамлакатларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш тўғрисидаги тарихий қарорни қабул қилиш заруратини туғдириди. Бизнинг иттифоқчиларимиз 1945 йилда, ҳаёт-мамот масаласи тўғрисида гап берган пайтда ҳам шундай ёрдам берган эдилар.

Лекин кейинги пайтларда Чехословакияда демократик тартиблар ўратиш ниқоби остида айрим шахслар мамлакат аҳолисининг ўтган 20 йил ичида эришган галабаларини оёқ ости қилишга уриядилар. Улар социалистик тузум ўратишга тўқинлик кўрсатган ҳамда халқнинг ўзи томонидан тегишлича жазоланган шахсларни оқлаш, шу йўл билан Чехословакияда капитализмни қайта куришга уринган аксилинқилобчилар ва гайресоциалистик кучлар дўст мамлакатлар ҳарбий қисмларининг мамлакатга киришига

қарши, Советларга қарши тескари ташвиқот ишларини янада авж олдириб юбордилар. Аксилинқилобчилар ва қора гуруҳлар империалистик мамлакатларнинг, биринчи навбатда, Гайрий Германияда инқилби жаҳон уруши якунларини қайта кўриб чиқишга уринадиган кекчиларнинг васвасаларига берилиб, чехословакия халқини социалистик ҳамдўстликка қарши қўймоқдалар.

Чехословакиянинг ансарият аҳолиси дўст мамлакатлардан келган ҳарбий қисмлари миннатдорчилик билан кутиб олган бир пайтда ўнг, гайресоциалистик унсурлар Чехословакия Социалистик Республикасининг сўғлом кучларига қарши, иттифоқчиларнинг қўшинларига қарши Прагада ва бошқа баъзи шаҳарларда душманлик руҳида хуружлар уюштирдилар. Қўчаларда ғаразли овозлар ва ўйдирмалар тарқатдилар. Аксилинқилобчилар аҳолини Советларга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши гиж-гижлаш учун радио, телевидение ва матбуотдан фойдаландилар. Душман унсурлар мамлакатда вазиятни қандай бўлмасин кескинлаштириш учун огир жиноятлар қилишга бориб етидилар. Масалан, улар Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, «Руде право» газетасининг бош муҳаррири Швешткани қамаб қўйиб, Чехословакия Компартияси Мар-

ри янада авж олаверди. «Инки минг сўз» деб аталган ва бир тўда аксилинқилобчи ва гайресоциалистик кайфиятдаги «арбоб»лар илмо чечкан мурожаат матбуотда эълон қилингандан кейин бу чинчилар янада кучайиб кетди. Бу чинчилар Чехословакиядаги тузумга, умуман социализмга қандай хавф туғдиришини ҳукумат аъзолари ҳам яхши билишарди. Масалан, Чехословакия ҳукумати раисининг собиқ ўринбосари О. Шин 27 июлда «Руде право» газетасида «Шу кунлар хусусида мулоҳазалар» деган мақоласида бундай деб ёзган эди: «Биз бу унсурларни билмас, улар қандай мақсадни кўзлаётганларини ҳам билмас».

Мамлакатда аҳвол шу даражага бориб етдики, партия турмушини ташкил этишининг асосий ленинча принциплари—демократик централизм, партиянинг гоявий-ташвиқий бирлиги принциплари бузила бошлади. ЧКП раҳбарлиги бир қисмининг тутган нотўғри йўли, унинг марксча-ленинча принциплардан ченишини гайрикоммунистик кучлар фаолиятининг кучайиб кетишига олиб келди. Ўнг кучлар назорати остида бўлган матбуот ҳақто партия конференцияларига ва Чехословакия Коммунистик партиясининг шу йил 9 сентябрга мўжалланган XIV фавкулдага съездида делегатлар сайлаш ишига очиндан-очин аралаша бошлади, буниси ҳам намлик қилгандай,

партияларнинг раҳбарлари амалда Коммунистик партияни ҳокимиятдан четлатиш ва мамлакатда нокоммунистик раҳбарлини вужудга келтириш сивасини юригда бошладилар. Кейинги етти ой ичида Чехословакияда гайресоциалистик рудхлар бир қанча гуруҳ ва ташкилотлар вужудга келди, асли фашист Вродский, собиқ буржуа генерали Палечек, бир вақтлар жосуслик ишлари учун ҳукм қилинган империалистик разведка жосуслари Рамбоусен, Чех ва шуларга ўхшаш шахслар «Клуб.231» деган ошқоро аксилинқилобчи ташкилот туздилар. Лондонда чиқадиган «Гардиан» газетасининг ёшишча, бу клуб 1948 йилдан кейин ҳукуматга қарши сийсий фаолияти учун суд қилинган қонун номи билан 231 деб аталган бўлиб, унга қирқ минг икки аъзо бўлган. Бу клубнинг фақат Чехословакиядагина эмас, балки Цинциннатиде, Чикагода, Торонтода ҳам бўлимлари бор. Утмишда Чехословакия Коммунистик партияси сафидан чиқарилган Иван Свитак ҳам «Партияси активлар клуби» деган очиндан-очин гайресоциалистик ташкилот тузди.

Бу ташкилотлар ва гуруҳлар фаолияти чет мамлакатлар, биринчи навбатда Америка Қўшма Штатлари ва Гайрий Германиядаги «хомийлар» томонидан рағбатлангандир. Қардош социалистик мамлакатлар ҳарбий қисмлари Чехословакия тупроғига кирганидан кейин фож қилинган яширин радиостанцияларда ва яширин оморларда топишган курул-яроғлар ҳам асосан АҚШ ва Гайрий Германияда тайёрланган. Бу Чехословакияда ҳокимиятни қўлга олиш, мамлакатни социалистик ҳамдўстликдан ажратиб тутиш энг аввало чет эл капитали жон-жаҳди билан уринганининг кўрсатади.

Бу ҳол фурсатни қўлдан бермай ҳаракат қилишни таъозо этарди. Социалистик Чехословакиянинг тақдирини барча социалистик мамлакатларнинг халқларига аъиз ва қардшлири. Улар умумий душманларимизнинг Чехословакияни социализм йўлидан четта чиқаришларига, уни социалистик ҳамдўстликдан ажратиб олиш хавфини туғдиришларига сира рози бўла олмайдилар. Мамлакатимизнинг халқлари аксилинқилобчиларнинг Чехословакияни социалистик давлатлар оиласидан чиқариб олишига йўл қўймайдилар. Чунки бу оила-дўстлик, ҳамжихатлик, ўзаро ёрдам туфайли, биргаликда қўллаб қўриб бериб яратилган мунафас оиладир. Шу сабабдан ҳам Чехословакия Социалистик Республикасини аксилинқилобчи ва гайри социалистик унсурлар хуружидан сақлаб қолиш ниятида қўрилган чоралар фақат дўстлик туйғулари билан қўрилган чоралардир.

Буни кўпгина чех ва словаклар яхши тушунадилар ва эвидликда мамлакатда аҳолини яхшилаш учун курашмоқдалар. Совет Иттифоқи билан Чехословакия ҳукумати ўртасида бўлиб ўтган Москва музокаралари вақтида келишиб олинган тадбирлардан кейин бу мамлакатнинг ички ва ташқи аҳоли тобора яхшилланиб бормоқда.

Болатбой ЮСУПОВ.

ДўСТ ЯХШИ КУНГА ҲАМ ДЎСТ ДЎСТ ЁМОН КУНГА ҲАМ ДЎСТ

назий Комитетининг органи бўлиши мазкур газетанинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга хуруж қилинган махсус сонини чиқардилар.

Аксилинқилобчи унсурлар айниқса Прагада хатарли хатти-ҳаракатлар қила бошладилар. Улар мамлакат пойтахтининг марказий даҳлатда тўртта бронетранспортеримизни ёндириб юбордилар ва атрофдаги биноларда ёнги чиқардилар. Қўпорувчилар тўдаси алоқа ва транспорт воситаларини ишдан чиқаришга, аҳолининг озиқ-овиқат билан ўз вақтида таъминлинишига тўқинлик қилишга уриядилар. Аксилинқилобчи кучлар олдидан тайёрлаб қўйилган яширин босма-хоналар ва радиоперелатчикликдан фойдаланиб, қардош социалистик мамлакатларга қарши ўйдирмалар ва турли хил бўхтонларини тарқатиб империалистик кучларга қўмақлашдилар. Жумладан, Гайрий Германия некилари Чехословакия Социалистик Республикаси билан чегарадош Драйвессельбергда ва Ширдингда тўб Чехословакия радиостанцияларидан бири сифатида Советларга қарши бўхтон қилишда қатнашмоқдалар.

Афсуски, ЧКП Марказий Комитетининг май ойида ўтказилган пленумида социализм галабаларини ҳимоя қилиш юзасидан белги-ланган тадбирлар амалга оширилмай қолди, ички душман кучларнинг Советларга қарши чиқиш-

бўлуғи Марказий Комитетга кимларни сайлаш мумкин ва Лозимлик тўғрисида «таъсиялар» эълон қилиб, съездида сайланши мумкин бўлган делегатларга таъийқ ўтказишга уринди.

Ақборот муассасаларининг Чехословакияда социализм галабаларини оёқ ости қилишга бориб етган бундай хатти-ҳаракатлари мамлакатдаги сўғлом кучларини ташвишга солмай қўймади. «Авто-Прага» заводининг ишчилари 18 июлдаги мактубларида бундай деб ёзишга мажбур бўдилар: «Биз СССРга, социалистик мамлакатларга ва партияларга қарши радио, матбуот, телевидение орқали заҳар тўлиб тошган вазиет юзага келтиришларига қатыъин қарши, миз... Биз Ватанимизнинг келаягини ўйлаб жуда таҳликага тушиб қолдик».

Ҳўш, Чехословакияда социализм галабаларини оёқ ости қилиш, Совет Иттифоқига нисбатан, Варшава шартномаси мамлакатларининг ҳамкорлигига нисбатан душманлик уруғларини соҳиддан кимлар мафратдор?

Чехословакия Социалистик Республикасида йигирма йил мобайнида коммунистик бўлмаган партиялар мавжуд эди. Халқ партияси ва социалистик партия кейинги етти ой ичида ўз йўлини кескин ўзгартириб юборди. Миллий фронт дорансида Коммунистик партия билан ҳамкорлик шпорини ниқоб қилиб олган бўлса ҳам, бу

Эсмои Юсупов номли Катта Фарғона каналининг бошлиғи Бузрукхўжа УСМОНХУҲАЕВ.






4 000 000

Эгизак йўтилган меҳнат ва шараф,
Меҳнатга ўтган кун
Бугун зафар ортган қарвонга қараб,
Тилаклар бепоён,
Кувончлар чексиз.
Октябрь байрамини олқишлаб, қўтлаб,
«Оқ олтин» қарвони — турна қатордир.
Олқишлаб, қўлимда турибди юртлар...
Чунки бу Оламга чин Тонг отардир!
Байрам,
Байрам,
Меҳнат қўтлови!
Ишчи, деҳқон аъзини намойиши бу.
У инсон юмушини рўй-рост бутлади,
Олам боқийлиги,
Осам боқий экан,
Октябрь — яшар!
Октябрь бор экан, бунёд тилаклар.
Таъзимга ўридан тик турди башар
Унинг меҳри билан тепар юраклар.



С. НОСИРОВ. Ер — деhqонларга



Оромбоғ

Зарафшон қўйнида кўркам бир диёр,
Беланчакда ётган гўдак сингари.
Муҳаббат қўшиғини қуйлайди хумор
Ёр васлин излаган юрак сингари.

Тўлқинлар мавжиди оқади наво,
Оқ қоғоз бетига ёзилган хатдай.
Мушки анбар бўйин таратар сабо,
Боғ кўчада ёхуд наво қилар най.

«Самарқанд сайқали рўйи замин аст»
Дегандай Оромбоғ саҳнида Ҳофиз.
Шоҳона фазалга дил бўлиб пайваст.
Самарқанд қўйиғизга кираман ҳар кез.

Бугун ҳам қалбимда бир дунё ёниш,
Чарх ураман шаҳрим қошида якка.
Жисминини ўртаркан ҳижрон, соғиниш,
Шаҳрим қўшиқ бўлиб оқар юракка.

Ёшлар парвоз этиб Дорилфунундан
Миртемир қошига чиқади пешвоз.
Бир нарча оташни узгандай кундан,
«Нони осие»ни тутуди ноппаз.

Неон чироқлари ёнган кечада
Самога интилар юдузпарастлар.
Оромбоғ кифтига туташ кўчада
Ишқ фалсафасидан қизиган баҳслар.

Ошиқлар, севгингиз бўлсин деб омон,
Оромбоғ қўйнига таллинар қалбим.
Мен ҳам шу кўчада беш йил муқаддам
Севгингиз домига илиниб қолдим.

Энди ота бўлиб хурсандман бу дам
Ва олқиш айтаман ушбу кўчага.
Ошиқлар, йўлингиз бўлсини кўркам,
Баҳсингиз қўзилсин минг бир кечага.

Фарзандингиз билан Оромбоғ аро
Сайрибоғ қилгани келарсиз бир кун.
Қуйлиб қоларсиз ўшанда зора,
Севгининг сирини биларсиз бутун.

Эҳтимол, сизларнинг фарзандингиз ҳам
Шу кўчадан бошлар ҳаёт йўлини.
Севги деб аталган тилсимли одам
Тиз чўкиб, кўтарар икки қўлини.

Нон ва шеър

Шаънингга ёзмасдан бирор қасида,
Мен сени қутяман шаҳримда бугун.
Шеър билан кўнглингни отардим мамнун
Ва лекин тутяпман ризқу насибам —
Нони осием!

Сенга шеър бахш этсам, менинг назмимда
Меҳринг оловида ўртанган юрак —
Ҳалжон, эҳтиром, ниятдан бўлак,
Не сиздирар эди унинг вазиға,
Базмин назмда?

САМАРҚАНД ИЛҲОМЛАРИ

«АФРОСИЕБ» КИТОБИДАН

Мағрибу Машриқдан келган ҳар меҳмон
Шаҳрим тупроғига қўйганда қадам,
Муборак қўлида тутиб дастурхон,
Нон билан қутаркан уларни мудом,
Улугбек бобом.

Шу вайдан, дўстгинам, сенга илк дафъа
Юртим ҳавосию, суву еримни,
Кўзим зиёсию, қайноқ меҳримни
Нони осиемда қилиб муҳайё,
Этяпман ҳада.

Шухрати кетгандан етти иқлимга,
Навойй Ҳиротга элтган бу нондан,
Бобир ҳам Кобулга элтган шу нондан,
Фурқат-ку тушгандан унинг меҳрига,
Элтган Деҳлига.

Одам нониз, шеърсиз яшолмас асло-
Шеър ҳам унга нондай азизлигидан,
Нон ҳам унга шеърдай лазизлигидан,
Нон қадрин билгандай шеър қадрин гоҳ
Билмаймиз, аммо.

Нондай улуг бўлса шеъримиз, кошки,
Нондай қутлуг бўлса шеъримиз, кошки!

Навойй чойхонаси

Регистон боғининг кун ботишида
Чойхона бор эди сўлим ва кўркам.
Миноралар посбон эди бошида,
Шоирни эсларди уни бир кўрган.

Нақшин пештоқиға шоир ғазали
Зарҳал ёзув унинг ўйилган эди.
Бўлсин дея унинг кўрки сайқали,
Навойй сурати қўйилган эди.

Бир пиёла кўк чой ичиб одамлар,
Варақлашар эди тарих дафтарин
Ўтмиш билан ҳозир учрашган дамлар
Шеър билан ёзарди кўнгли дардларин.

«Хамса»ни ёд билган ҳокимсор чоллар
Сўхбати кетарди етти иқлимдан.
Гўдак хотиримда шеърый хаёллар
Ўшанда жой олди менинг дилимдан.

Энди на боғ қолди, на чойхона бор,
Чор атроф шип-шийдон,
Тушимми, ўнгим?

Елғиз осмон ўниб мадраса, миноср
Сукут сақлаб менга термулади жим.

Қани шеър баҳсию, сўхбат маскани?
Нечун вайрон бўлди чоллар гўшаси?
Дарахтлар қалбидан оқизди қонин
Қайси бир «доншиман» ўтмас тешаси?

Ҳазрат Навоийдан қадимий ёдгор
Чойхона устунин ташиб кетди ким?
Ғазаллар битилган нақшикор болор
Қай гўшада кўз ёш тўқади юм-юм?

Ногаҳон қаршимда бўлгандай пайдо
Менга хитоб қилди чойхоначи чол:
— Бўтам, дард чекишинг энди бефойда,
Уни қайта тиклаб бўлмайдим алҳол.

Қалбимни тилкалар шу ғамгин садо,
Айрилиқ дардига бардош берар ким?
Буюк бир санъатга ўқиб алвидо,
Регистон тунивда мунгаяр қалбим.

Самарқанд ушшоғи

«Самарқанд ушшоғи»ни тингласам шому
азон,

Титрайман гул баргдай.
Дилафгор ноласидан қалбимда сапчир
вулқон

Кўкрагимни ёргудай.

Куйми бу
Е Самарқанд ушшоғи ёнишим
Тоҳир-Зухра ёшида?
Гул ҳажрида булбулнинг субҳидан
хонишим

Регистоннинг қошида?

Куйми бу
Е Фарҳоднинг Ширинга мафтунлиги
Муҳаббат савдосида?
Лайлининг шайдолиги, Қайсининг
мажнунлиги

Карбало саҳросида?

Куйми бу
Е миносрлар меъморий фарёдим
Фалак кажрафторидан?
Навойй ноласими ё Саккокий фардим
Шуаро сардафтаридан?

Куйми бу
Е Ҳожининг қўшиқда камёблиги
Шаҳрим ажуманида?
Зебуннисо кўнглининг ушшоқда ноёблиги
Етти иқлим саҳнида?

Куйми бу
Ё гўдаклар она кўксин излаган
Лабининг ёлқиними?
Чўли Малик бағрида ирмоқ бўлиб бўзлаган
Зарафшон тўлқиними?

Куйми бу
Ё Оромбоғ гулчисин овозим
Снеб хиббонда?
Бастакор Хумулийнинг булбули гўёсим
Ургут Сўфиёнида?

Куйми бу
Е чилпора кўнглилар ширини
Иқбол биёбонида?
Ё кўнгли пок Тўғралнинг Намозгоҳ
ашъорим


Синиқ сиёҳдонда?

Ҳа, бу мунгли навода, ушшоқ кўнгли
навода

Муқаннанинг қалби бор.
Она тилим сингари шаҳрим тенги навода,
Беҳзод даҳолиги ёр.

Шуниинг учун бир умр «Самарқанд
ушшоғи» ҳам

Тилимда ҳувайдодир.
Шуниинг учун бир умр Самарқанд
муштоғиман,
Кўнглим унга шайдодир.



Ихчам тақриз

Сайёр «Шарқ юлдузи» журналининг еттинчи сонида эълон қилган шеърларини «Денгиздан томчилар» деб атабди. Дарҳақиқат, бу шеърлар денгиз бўйида ёзилган. Халқимизда томчида олам акс этади деган нақл ҳам бор. Гарчанд бу нақл ишлатилавериб сийқаси чиқиб кетган бўлса ҳам, гарчанд менинг ушбу тақризимда олам акс этмасда, мен ҳам ушбу майда ишмин денгиздан томчилар деб атадим. Ҳамда шу баҳонада шеъримизда янги бир туркум пайдо бўлганини кўриб қувонган бир китобхон сифатида ўз таассуротларини журматли «Гулистон»хонларга айтиб беришга журъат этдим. Поэзия ҳақида бирор гап айтишни бўйнига олган кимса аввало уни тушунган бўлиши лозим. Акс ҳолда шoirнинг пинҳоний туйғуларига қаттиқ тегиб кўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам мен ҳали шеърининг сир-синаотларидан унчалик хабардор бўлмаган ҳаваскор сифатида баъзи танқидий мулоҳазаларини айтишдан андиша қилдим ва кўпроқ илиқ таассуротларини гапиршига уришдим.

Ушбу ўринда Сайёр шеърларининг шаклий жиҳатлари ҳақида, унда нечта ўхшатишу нечта муболага борлиги ҳақида батафсил сўзлаб ўтирмасам ҳам бўлади. Бинобарин, ҳар қандай фазилат ва нурурни ақлли китобхон ўзи топиб олади ва лекин ҳозир шу нарсани қайд қилиш ниҳоятда зарурин. Сайёр шеърларида туйғу бошдан-оёқ раво ва таранг бир ҳолда эмас, ўқтин-ўқтин энтикишлар шаклида, ўқувчи билан суҳбат шаклида мисрага айланади. Хусусан:

Дўстим, дийдорингга тўй,
Тўй ўзбек сўзига.

Еси:

— Ҳа, чатоқ,—дейману изидан кувиб
Қайтариб келаман яна қирғоққа.
— Нега совуқ,—дейди,— денгизнинг суви?

Қийноққа олади.

Қийноққа!
ва хоҳаю.

Сайёр шеърларидаги бу хусусият унинг бу шеърлар туркумида анча чуқурлашибди.

АБДУЛЛА.

Денгиздан томчилар


Шеъримизда меъдага тегилиб кетган оҳангдаги ритмик бир хиллигини, ваэний бир қолипликни ҳисобга олганда Сайёр ва бошқа шоирларнинг (хусусан Юсуф Шомансурнинг ҳам) ана шундай изланишларини «хилма-хил ва яхши шоирлар керак» деган маънода таърихлаш зарур. Аммо «Денгиздан томчилар» туркумидаги шеърларнинг фазилиги биргина бунда эмас. Сайёр ўз шеърларида энди бош масалани ахтара бошлабди. Яъни, шоир ўзи топган барча бадий ифодаларини, рангларини, бўёқларини ўзини қизиқтирган собит бир масалага бўйсиндиришга уринади. Шоир олис денгизда туриб мовий уфқларга боққанида ҳам, бир шиша пиво атрофида латиш йиғити билан суҳбатлашганида ҳам ёки юртига соғинч мактубини битганида ҳам ўзининг суякли ўлкасини, она халқини, шу буюк Ватанининг оловли бир парчасини ўйлайди, уни соғинади. Ва энг муҳими — шоир ўз туйғуларига ўқувчини ишонтиришга қисман муваффақ бўлади ҳам.

Денгиз ҳақида, денгизчи ҳақида гапира туриб у беихтиёр денгизни деҳқоннинг полизи деб атайди.

Денгизнинг-ку, ўз боласи у.
Шунда яшаб, шунда тўяди.
Полиздир унга мовий су,
Деҳқон полизини суйди,—

дейди.

Кўриниб турибдики, ўзи хоҳласа — хоҳламаса кимлигини, қайдан эканлигини билдириб қўйибди, денгизни полизга ўхшатиб, ўзининг деҳқон эканлигини маълум қилапти,—бу ўринда шоир ўзи келиб чиққан заводнинг марчаси билан кўринапти. Дарҳақиқат, бу жуда муҳим фазилат ҳисобланади. Агар шоир шу гапни ўзи билмаган ҳолда, аввалдан режалаштирмасдан, беихтиёр айтган бўлса, демак у қон-қони билан ўз халқининг шоирдир, демак у умуминсоний туйғуларини ҳам реал ва конкрет ифодалай оlish қобилитига эга. Мен Сайёр шеърларида бош масала деганимда ана шу жиҳатларни кўзга тутган эдим. Умуман, ҳар бир шоир ижодига ё у, ё бу даражада етакчи туйғу — сарбон туйғу бўлиши зарур, ҳар бир ижодкор ўз фаолияти давомида ҳаётда ўзига хос бир вазифани бажариб кетиши лозим. Афсуски, баъзи ижодкорлар қуёнга ўхшайдилар. Маълумки, қуёнинг муҳим бир марраси бўлмайди, уни қабъча қувласангиз, ўша ёққа қараб қочади. Бизнинг ижодкорларимиз учун эса халқимизнинг юксак маънавий фазилатларини куйлаш каби бош масала — муайян марра борким, бу марра ҳар бир граждон шoirдан бениҳоя катта ижодий жасорат талаб қилади.



Макс Захарович ПЕНСОН машҳур пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назарали ота НИЕЗОВ даласида.

УСТА ПЕНСОН

Уста Пенсон! Ҳамма уни ана шундай атар эди. Ҳаммиша одамлар орасида бўлиш, улар ҳаётини, меҳнатини, яшаш мазмунини куйлаш бу тиниб-тинчимас устани дилга яқин киши қилиб қўйганди.

Моҳир сураткаш бўлмаган корхона, қишлоқ, яйлов кам топилади. Унинг илҳомини қўли қадок ўзбек меҳнати доимо жўштириб турарди. Суратларининг жонлигини айтмайсизми! Устанин «ов»ига илинган чол ё кампирми, йиғит-қизми ё гўдакми, барибир қалбларида зоҳир бўлаётган туғён кўриниб турарди. Хуллас, суратларида одамларнинг бир дақиқалик ҳолати бўлса ҳам, худди ҳаётдагидек чинакам яшар эди. Уста учун ҳаётнинг завқи кечис эди. Ҳайдалган ер ёки Осиенинг мовий осмони ҳам, япроқнинг шабадада енгил шитирлаши ёки анҳорнинг жўшқин шовуллаши ҳам унинг назаридан четда қолмаган. Касбдошлари устанин чиндан ҳам ҳаёт ошиғи эканлигига тан беришарди.

— У суратга туширилган одамларини севарди. Касб-корини ҳам, саҳт-сумбатини ҳам севарди,—деб эшлайди «Правда Востока» газетасининг расмони П. А. Шахназаров.

Устанин заҳматкаш ўзбекка бўлган самимий муҳаббатини рафиқаси Елизавета Миронова шундай ҳикоя қилади:


— У Ўзбекистонни, ўзбекларни севарди. Ҳатто ўлими олдида ўзбекча гапирди, ўзбек тилида видолашди...

Йигирманчи йиллари ўша замон фото аппаратлари билан муомала қилиш анча қийин эди. Уста ўша катта ёғоч қўтили аппарати билан бутун санъатини ишга солиб, ажойиб суратлар туширган. Бу суратлар эндиликда тарих саҳифаларимизни ёритишга муносиб ёрдам қилапти. «Правда Востока»да ўттиз йил меҳнат қилган Макс Захарович Пенсон ўзбек маданиятининг устаси сифатида таҳсинга лойиқ.

Ф. ХУЖАЕВ.



Бир нафас ҳузур.



Иложи топилди.



М. Пенсон фотолари.

Сехргар қўшиқчи келди



Толаб
ИЗЛДОШ

Ёшлик ўйлари

(Шу номли туркумдан)

Кечиринг

Кечиринг дардимни ёзолмасам мен,
Гарчи сатрларим руҳсиз туюлса,
Бугунча шунчалик; зора эртага
Ўтган ёшлигим-ла, бирга қўйилса.
Кечиринг, ёшликни рўқач қўлдим мен,
Ёшликнинг ўзи шеър бунда даҳлсиз.
Ёшликни деганда ёшимни эмас,
Кўнглимни тушуниг, дўстлар, ахир сиз.

Эслаш

Бу қўллар кимларнинг қўлини тутмаган,
Бу кўзлар кимларнинг йўлини кутмаган.
Ҳаммаси бир тушдай ўтаркан эсиз,
У, шамол ялаган саҳродай исиз.
Нималар кирмаган бу қўлоқларга,
Меҳнаткаш оёқлар мени кўтарган.
Сой тоши деганча бор инсон боши,
Кўрган баҳонаю, умр ўтаркан.
Болалик йилларини эслайман баъзан,
Арзимас умрга қарининг келмас.
Гул бериб сеҳрлаб ўтган ёшлигининг,
«Вафосин» эсласанг, қарагинг келмас,
Эсламэй бўларми, бироқ фойдасиз,
Фойдасиз дейману такрор эслайман.
Ортиоқлаб олганим кексалик юки —
Ҳолимга қўймайди, узоқ эслайман...

Кексани ёш демай, кекса дерлару,
Тўғри сўз мен учун кесатишгандай.
Кимсасиз кечада ёлғиз ўлтирган
Кичининг ёнига кесак тушгандай —
Ваҳмадан жимирлаб кетар баданим,
Ўзимни тутишга ундайман, ҳайҳот.
Негадир қариллик етишган сари,
Ёшликдан шивинроқ туюлар ҳаёт.



Николай
КУЛИКОВ

Ҳарорат


Бўғотларнинг учиди ортиқ
Кўринмайди сариқ сумалак...
Баҳор келди, иссиқлик ортиб,
Бўлғусидир ҳарорат юксак.
Шаҳримизнинг ҳар даҳасида
Куллар исёб борар шу зайл.
Одамларнинг қаҳқаҳасида
Ҳароратга сезилар майл.
Иссиқ бўлсин юртим даласи,
Иссиқ бўлсин бутун бу олам.
Ахир
Баҳор, ёз масаласи
Ҳал бўлмақда шаҳримизда ҳам.
Қуёш шуъла сочиши кўрага,
Қирда увсин гул, қўшиқорян.
Бир иссиқлик сингени юракка,
Ҳа, ҳарорат бўлсин юқори.

Хайридин САЛОҲ таржимаси.

ҚОРАБАЙИРНИНГ ҚИСМАТИ

Мамланат отлари натта синов олдиди. Улар кўриқдан ўтказилмоқда. Мана бу чекада ер депсиниб турган от—Рус самани. У салгина бўлса-да, жиливининг бўшатилишига маҳтал. Эгаси пойгага ишора кутаяпти. Ундан нарида қоматдор, чўл ва сахро лочини, ўз нучи билан донг таратган туркиман ахалтинаси, кейин—Латвия аргумоғи. Емиа-ён жангларида шухрат топган «Будёновна» оти, қозоқ туллори ва ниҳоят, энг чекада — Қорабайир. Унда чуст дўпни кийган ўзбек йигити ўтирибди. От ўзини янги жой ва бегона аргумоқлар орасида нуқулай ҳис қилпайти шекилли, қоматини тин тутиб, хурнанан бир ҳолда атрафга боқмоқда. Жониворни, пойгачи отлар гулуסי, турли шовқин-суронлар ҳайратга солган бўлса ажаб эмас.

Мусобақа бошлангандан даран бериб, тўппонча овози янгради. Қамчиллар ҳавога кўтарилиди. Қорабайирнинг эгаси буйруқдан беҳабар қолди шекилли, отлар анча нари кетгач, юганини бўшатди. Қорабайир шиддат билан олға ташланди. Йўқ, эгаси унга қамчи босгани йўқ, фақат жиливини бўшатди, холос. Қорабайирга шунинг ўзи нифоз эди. Гарчи унинг асли ватани Жиззах ва Зомин бўлса-да, бутун Ўзбекистон учун, ўзбеклар диёрининг шухрати учун чопаетганини сезганден югурарди у.



Мана, у Латвия отига етиб олди. Латив чавандознинг орияти келди шекилли, отига урма-уст қамчи босди. От жон ҳолатда пишириб, олға отилди. Аммо, қорабайир ундан аллақачон ўзиб кетган, илгор отларга ҳам етай, деб қолганди. Қорабайир бутун жаҳонга машхур рус саманига яқинлашди. Баҳайбат саман саросимага тушиб, оёқларига зўр берди. Лекин қорабайир ҳашлаш дегунча рус туллорига тенглашиб олди. Икки от бир меъерда югурарди. Туркиман оти ва «будёновна» ҳам шу сафда эди. Маррага бир неча юз метр қолганда чавандозлар қамчига зўр бердилар. Аммо қорабайирнинг эгаси шунда ҳам қамчи кўтармади. Уни ўз ихтиёрига қўйиб берди. Ўзбек дулдули эса бутун қуватини бакуват оёқларига тўплаб, олдинга интиларди. Узга отлар бирин-кетин ортда қола бошлади...

Ниҳоят, у маррага биринчи бўлиб етиб келди. Майдонда шовқин-сурон кўтарилди. Қорабайирни спортчилар, томошабинлар, суратнашлар, чет эллик меҳмонлар ураб олишди.

Мусобақа ҳанаму натижаси эълон қилди: «Ўзбек қорабайири бир минг олти юз метр масофани бир минут эллик секундда босиб ўтиб, рекорд кўрсатгичга эришди». Шунча масофани рус самани икки минут йигирма олти секундда, Латвия оти уч минут йигирма олти секундда босиб ўтганлигини маълум қилди у.

Биринчи синов тугаганди. Энди отлар олис масофага чопишлари керак эди. Бу гал ҳам қорабайир бўш келмади. Уч минг икки юз метр йўлни уч минут ўттиз етти секундда босиб ўтиб, пешқадамлигини эггаллади.

Уша нуниёқ қорабайир Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг медали ва мукофотларини олди. Бу воқеага ун беш йил бўлди. Ун беш йилдан бери у кўргазма қатнашчиси. Уша нундан бошлаб АҚШдан, Франциядан, Польшадан ўзбек қорабайирига харидорлар кўпайиб қолди...

Бу — қорабайир ҳаётидан бир манзара, холос. Унинг қисмати бундай ҳаяжонли ва жасоратли лавҳаларга жуда бой.

Лекин мен «Гулистон»-жонларнинг диққатини бошча бир нарсага тортмоқчийдим. Ҳозир кўз олдиндан бирма-бир қорабайирларнинг

бугунги қисмати кечаяпти. У навқиронлик пайтида пойга, улоқ ва кўпқариларга югуриб, ҳаммани ҳайратда қолдиради. Ўзи ҳам жуда келишган ва кучли бўлади ўша пайтда. Ёши ўтавергач эса, аравага қўшиллади. Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов отнинг бу хислатини футболчига бениз ўшатибмаган. Аммо аравага қўшилган отнинг вазифаси шу билан чекланмайди. Унинг сўтидан шифобахш қимиз тайёрлашади, қони табобатда хом ашё, гўнги тупроқни бойлатади. Қорабайир қариган, гўшта топирилади. Унинг гўштидан аёло сифатли қазн ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашади, териси чидамли ва нафис чарм бўлади.

Учқурлиги, хуш қомати ва бежиримлиги билан оламга машхур араб отлари ҳам қорабайиримизнинг авлодидандир. Чунки, араб лашкарбошиси Кутайба Самарқандни босиб олганда, жуда кўпқар қорабайир отларини ўз ватанига жўнатган. Бу аргумоқлар Арабистон иқлимига мослашиб кетган ва Араб отлари вужудга келган. Та. рихий манбалар Чингизхоннинг ҳам жуда кўпқар қорабайир отларини ўлма олганлигини кўрсатади. Амир Темуд лашкарлари қорабайирни миниб, жаҳонни ларзага солганлар. Дошишманд Улуғбек ва мутафакир Навоий ҳам шу отда ўлма кезганлар.

Қорабайирнинг қуввати зўр. Масалан, машхур араб оти жуда тез югуради. Аммо, юн тортолмайди. Қорабайир эса, араб оти билан қариб тенг тезликда югурган ҳолда тўрт ярим тоннагача юн торта олади. «Владимир» наслини паҳлавон от қорабайирдан кўп юн тортади (йигирма тоннагача), аммо, у ҳеч қачон қорабайирдан югура олмайди...

Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши йилларида жуда кўпқар қорабайир отлари жангга жўнатилди. Уларнинг айримлари мисли қурилмаган жасорат кўрсатди.

Қорабайир қаҳратон совуқча ҳам, жазирама иссиқча ҳам, бўлан нуқулайликларга ҳам ўта бардошли. Унинг йўргаси бошқа отларникидан равонлиги, юмшоқлиги билан фарқ қилади. Яқин йилларгача барча қолхоз раҳбарлари ва мутахассислари от минардилар. От билан экинлар орасида юриш анча қулай. У экинни пайҳон қилмайди. Аммо, қолхоз-совхозларнинг раҳбарларига енгил машина тегиши билан отлар гўшта жўнатилди.

Шуниқс аламлини, сўнги пайтларда кўпгина «билимдон»лар қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни отнинг баҳридан кечмиш, деб тушунмоқдалар. Шунинг учун бўлса керак, қишлоқ ерларда инсоннинг азалии ва энг яқин йўлдоши бўлиши отлар қаммайиб кетпайти. Ваҳоланки, техникаси яхши тараққий этган АҚШ, Франция, Австралия, Швеция, Англия каби мамлакатларнинг ипподромларида бошқа совет отлари сингари қорабайир ҳам кўпаймоқда.

От майда экинзорларга, томорчаларга ишлов бериш, яқин масофадаги йўлларда юн ташини, тоғ ва тоғ олди деҳқончилигида фойдаланиш учун қулай. Узумчилик, таманичилик, сабзавот ва полизчиликнинг ҳали кўпгина тadbирлари механизациялашган эмас. Бу юшларни от билан бажариш иқтисодий жиҳатдан ҳам арзон. У чорвадорларини, чўпон-чўлиқларини энг яқин дастёри.

От спортни энг қадимий уаумларимиздангир. Бунни Алпомиш ва Гўрўгли достонларидаги афсонавий отлар фаолиятдан ҳам билиш мумкин. От спортни ёшларимизни мард, жасур ва табнат ошиги қилиб тарбиялайди.

От — қимиз тайёрлаш учун энг зарур восита. Қозогистонда бияларни соғиш механизациялаштирилганга анча йил бўлди. Бу ерда ҳар йили уч минг тоннага яқин қимиз тайёрланади, аҳолига сотилмоқда. Аммо, бизнинг республикамазда қимиз топиш муаммо. Ваҳоланки сўнги йилларда қимизнинг нечоғлиқ шифобахш эналлиги аниқланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қишлоқ хўжалигининг бир талай оқсоқ соҳаларини тараққий эттиришга алоҳида эътибор берди. Аммо, ҳали отчиликка эътибор кўнгилдагидек деб бўлмайди. Пленумдан сўнг чўпонлар, сўт соғувчилар ва бир қатор бошқа касб эгалари юқори даражада ҳақ оладиган бўлдилар. Аммо, отбўқарларнинг меҳнат ҳақи паст. Пленумдан кейин гражданларга хусусий мол боқиш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Аммо, кўпгина районларда хусусий от боқишга ҳалғача тўлиқ эри берилган, деб бўлмайди. Отни бозорларда сотиш ёки сотиб олиш ҳам анча қийин.

Республикамазда чорвадорлардан, сўт соғувчи, чўқнабоқарлардан жуда кўп Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва машхур нишилар бор. Аммо, бирорта дондор отбўқарни эслаёлмаймиз.


Шунинг учун ҳам бўлса керак, қорабайир йил сайин қаммайиб кетпайти. Сўнгики икки йил мобайнида Самарқанд областининг ўзида қорабайирлар сони қариб тўрт юзга қамайганлиги бунинг далилидир. Бошқа областларда ҳам аҳвол ундан яхши эмас.

Республикамазда махсус отчилик хўжалиқлари, от заводлари, бозорлари ташкил этиш пайти келмадиминки? Район ва областларда ишанч ипподромлар қурилса деган тиландамиз. От спортига қим ишқибоз эмас, дейсиз? Устига-устак у иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳеч қачон чўча ё қорамолдан нам даромад бермайди-ку!

Хуллас, от инсоннинг азалии йўлдоши, унинг йўқолиб кетиши инсондан эмас. Қорабайирларни кўпайтириш бутун жамоатчилигининг иши.

Нусратилла РАҲМАТОВ,
агроном журналист.

Мулоҳаза ● Муҳокама ● Мунозара



Рассом В. И. Евенко
Америка Қўшма Штат-
лари давлат ароблари-
нинг эл олдида сўзла-
ётган нутқларига жаво-
бан бир қанча расмлар
чизиб, лутфан «Гулис-
тон» журналига кел-
тирди.

◆ «Америка — демок-
ратия қарор топган ҳа-
қиқий мамлакатдир». Чапдаги расм: ажаб,
шуми демократия?!

◆ «Америкада ҳар ким
миллионер бўлиши
мумкин!» Ўнгдаги расм:
Миллионер бўлиш нари
турси, ҳафталик иш
топилса ҳам қошки
эди...


◆ «Америка — ирқий
камситишлар тугатил-
ган, озод мамлакат-
дир». Пастдаги расм:
бечора негр!

◆ «Америкада истеъ-
дод эгасига ҳамма йўл-
лар очик». Пастда ўнг-
даги расм: бунга ишо-
ниб бўлмайди!

С. БЕЗНОСОВ фото
репродукцияси.



АМЕРИКА ЖАННАТМИ?



ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ

Биз ҳали бола эканимизда каллақанд деган ширинлик бўлгич эди. Ширмонбу-доқнинг бор-йўғи минг гектардан кўпроқ ерни ўша каллақанда ўхшатаман: шимолдан жанубга қараб торайиб боради-да, Чилустун тоғлари қоялари билан Аравонсой туташган жойда тугайди.

Шу важданим табиат уни катта йўллардан четга ўрнатиб қўйган экан. Бугун чет-пет деган гапга ҳоҳат қолмади. Учар машиналар, тахтиравон йўллар узоқни яқин қилиб қўйди.

Қишлоғимнинг таърифини эмас, унинг кўнглимга яқин одамларини қаламга олиши ният қилдим.



Эгарда ўтган умр

Ғадир-будур харсанглари чапишиб кетган паст-баланд икки чўқининг қоқ белига чипта қолдан омонат чодир тикилган. Нарироқдаги кўкандан бири-биридан чиройли тўрт кўлун думини ливиллатиб пашша қўриятти. Очалари этандаги жилгада чимқиниб юришибди.

Чодир солсида Эгамберди йилқичи анча уринган чакмонини эгар устига ташлаганича ёнбошлаб ётибди.

Халъ уни ўз кўйига етаклаб кетганим, Найман тарафдан физиллаб келатган энгил машинага фарқсиз тикилади. Кўзлари йўлдаю халъи аллақайларда. Балки шу топда у ўзи айтгани наби елдай учиб, сувдай оқиб ўтган умрини ўйлаётгандир? У салкам қирқ йилдан бери йилқи кетидан қолмайди. Колхоз тузилганда тўпланган беш-олти билни ҳар йили баҳорда шамолдай тўзгитиб Олойга ҳайдайди, нузда қишлоққа қайтарди. Билларини қўлуллатиб юзга етказди, қанча-қанчасини ҳарбийга берди. Лекин бу ҳазина камаймади, йил ўтган сайин ортиб, икки юзга етди. Йилқи уюри шундай эканини, асло қўнмини бўлмасан. Йилқичи на ёзда, на қишда эгардан тушади, кўп маҳал от устида мизғийди. Далада, яйловда ётганда ҳам эгарни болиш, тўқимни кўрпа қилади...

Пастда машина гуриллади, Эгамберди тоға сергаклянди. Уридан даст туриб, саначдаги қимизни пиша бошлади. Унғача боя Найман

йўлидан ўтган машинадагилар пиёдалашиб, сўқмоқдан чиқиб келишди.

— Ҳорманг, Эгамберди ака!
— Саломат бўлинглар. Келинглар, қани чодирга. Яхши меҳмон — ош устида. Қимиз тайёр! Бир сатил қимизни баяроқда духтурхонага элтиб бердим.

Даврада пиёла айлача бошлади. Қимизхўрлик пайтида гурунғ давом этди:

— Йилқи ҳайдамай кўйдингизми?
— Кўзим хиралашиб қолди. Йилқиларни топшрдим.

— Булари қолибди-ку қўлингизда?
— Колхозга раҳмат, ҳурматимни қилишди, овуниб юрсин деб шу тўртта қулунли бияни беришди.

— Қийналмаяпсизми ишқилиб?
— Э ука, йилқи боқмаган куним тамоман Бунга ҳайдаб, боқиб кўрмагансиз, билмайсиз.

Колхоз унга нафақа тайинлаб, «бас, энди дам олинг» деб кўрди. Уч ойда нўйиб-нураб нетди бечора. Сўнг яна йилқиларини олдиға солиб берди. Шу-шу тагин ишда. Етмиш бирда ҳам шу туриш, шу ётиш!

Раҳм дил лик



Мурод овамни «хатто Анжанни кўрмаган, поездга ҳам тушмаган» дейишарди. Ёлгон экан — уруш йилларида Фарҳод ГЭС қурили-

шига бораётганда Андижон станциясини кўрган, поездга ҳам тушган экан. Тунов куну бу гапни колхознинг тоғдаги дам олиш уйи» ўз оғзидан эшитдим.

Суҳбатлашиб ўтириб, гапдан-гап чиндию қандай қилиб дам олиш уйига келганини гапириб қолди:

— Колхоз тоғда бог қилибди деб эшитардим, далада юриб олисдан кўрардим ушдан қўлим бушаб бу ёқларга ҳеч чинмагандим... Раис тушмагур, шундай қисталаг пайтда тоғда курут очибди. Бригадиримиз «сиз ҳам борасиз» деб қистаб қолса бўладим! «Кўй, ука, тирикчиликдан қоламан, ёшларни юбора қол» десам, «раис сизни айтган, бормасангиз бўлмайди» деб туриб олди. У десам — у деди, бу десам — бу деди. Узингиз ўйлаб кўринг, бир ёнда гўзалар чанқаб турса, бир ёнда томорқадаги иш — бизга ним қўйибди тоқча чиқиб дам олишни! Эртаси тагин ялиниб келди, «жон тоға, боринг. Бормасангиз раис мени ишдан ҳайдайди» деб қолди. Қарасам, шу болага ҳам қийин. Эсли, хушли бригадир. Раҳимни келди, «ке-е, бир ҳафтага чиқсам чинай» дедиму келавердим. Келишга-ку келдим-а, ленин мана уч кундан бери гаранган. Тезроқ ҳафта ўтсайди деб юрибман...

Бар моқ лар



Булоқ бўйидаги истироҳатгоҳда палов еб ўтирардим. Орамизда тошкентлик меҳмон ҳам бор эди. У дамба-дам Бакир ақанинг ош олишига қарайверди. Бакир ака ошни қийналиб сиқимлар, озгина ош оғзига етгунча нафтада тириқиб нетарди. Негани, бармоқлари калта, тирноқлари йўқ эди. Меҳмоннинг раҳми келди шенилли гапхўр оҳангда «қошиқда есангиз бўларкан» деди. Бу ҳамдардликка ҳамқишлоқлар парво қилишмади, ошни босиб-босиб олаверишди. Меҳмон эса ноқулайлик сездимни, яна кўнгил овлагиси келди.

— Урушда шунақа бўлган-да-а? — деди у. Бакир ака бош силқитиб «ҳа» имосини қилди.

Одати шу: бармоқларининг нимадан чўмбоқ бўлганини очиқ айтмайди. Бакир ақанинг урушга боргани тўғри, лекин бармоқлари урушда қирқилмаган.

У ўттининчи йилдан бери тракторчи, механиклик қилиб келади. Эски тракторлар тез-тез бузилиб турарди, ўшанда (айниқса қишқи хайдов маҳали) Бакир ака шудгорда ўтириб олиб, қисмларни ҳар хил асбобларда бұраб, болгада тўқмоқлаганда бармоқлари чақиллавериб-чақиллавериб, тирноқлари тушиб битган. Унинг чилла совуқларида трактор қисмлари қатилганида бармоқлари темирга чичип ёпишиб қолган пайтларини кўрганман.

Бакир Ражабов бутун ҳаётини шу «темир-терсан»ларга, трактор-ускуналарга бағишлади. Чеккан заҳматларини халқ, ҳукуматимиз билди, тан олди. Кўнрағига Ленин нишонин билан Олтин Юлдуз таниб қўйди.

Ғарбга кетиб, Шарқдан келди



Урушгача Собир Маҳмудов Ширмонбулоқнинг кўзга кўринган активларидан бири эди. Уч колхознинг ипак кўртини жонлантириб берарди.

Шу одам урушга кетди. Бедарак йўқолди. Уруш тугади. Кўпчилик қайтди. Қанча-қанча йигитлардан қора хаг келди. Собир Маҳмудов эса на қайтди, на ундан ном-нишон бўлди... Хотини кута-кута охири эрга тегди.

Уруш тугаганига ўн йил ҳамаси бўлганда қўқисдан кириб келди. Во ажаб!

Билсан, оғир жангларнинг бирида асир тушиб қолибди. Уни Германияга олиб кетишибди. Роса ишлатибдилар. Сўнг Францияга жўнатишибди. Сўнг Америкага. Уруш тугагач, уни Сан-Францискодан пароходда Японияга олиб ўтишибди. Ундан Узоқ Шарққа...

Олис элларда юрганида тилак қилган эканми, келган куннинг эртасига кетмон кўтариб пахтазорга кирган. Шу-шу ҳануз пахтазордан чиқмайди.

Меҳ мон навоз



Жанубий Фарғона начали Аравонсой тағидан ўтади. Бунақа иншоот диюкер дейилади. Уша мойга ҳамқишлоқларим ўзларича Дунур деб от қўйиб олишган. «Дунур» деганда кўз олдимизда анвойи гуллар ўсиб ётган. Баҳаво, сўлим жаннат макон намобн бўлади. Юзлаб тегирмонни юргиза оладиган сув ойнадай ярқираб келади-да, тезлаб ер остига кириб नेताди, Аравонсойнинг нариги юзидан гулпиллаб қайнаб чиқадию яна боғсидай сокин оқишда давом этади.

Дунурнинг бу бетида бир тупдан қайрағоч, тол анча-мунча саҳига соя тўшаб туради. Сўртонлардаги оқ, қора узум гужумлари кишининг баҳри-дилни очиб, ширин иштаҳа қўзғайди. Сувнинг шабадаси гир-гир эсиб, гулларнинг атрини атрофга уфуради.

Шу ҳузурбахш маскан бир маҳаллар шипинийдом тошлоқ, ташландиқ жой эди. Султон Мамадалиев мироб бўлдию Дунурга жон кира бошлади. Урта қўлдек нозик қайрағоч, тол ноаддаларини шагал қўпориб экиб, остига уззукун пақирлаб сув қўйиб турди. Сўнг арча, гилос ўтказди. Кўчатлар ҳадемай япроқ ёзиб жамол кўрсатди. Уттиз йил деганда бугунги ажабтовур хушманзара насб этди.

Ҳар тонг Султон Мамадалиев Дунур атрофига сув сепади, топ-тоза супуради. Иккала сурига гилам ёйиб, якандоз тўшайди. Бир чойнак чой илтириб пиёлага оҳиста қўяди-да, чордона қуриб ўтириб илтижо қилади:

— Худоб, меҳмонингни бер.

Бу холи жойнинг таърифини эшитганлар пайдар-пай келиб туришади. Бундай кезларда Султон Мамадалиев меҳмонларнинг кўнглини овлаб, кенса ёнига ярашмаган чаққонлик билан чой ташийди, ўчоққа ўт қалайди — хизматда бўлади. Бу холис хизматдан олам-олам хузур-роҳат топади, ҳамаси. Негаки, эртаси яна сўрнда ўтириб илтижо қилади:

— Худоб, меҳмонингни бер.

Икки умр



Юсуф Отабоев билан Андинон педагогина билим юртда ўқирдин. Ҳар ҳафтада навбат билан қишлоқча келиб, емоқ-ичмоқ олиб кетардин. Бир сафар қишлоқдан борсам ётмонхонасида йўқ. Шериклари «овестива чиқиб, армияга кетди» дейишди. Қишлоқда Отабой тоға «Юсуфжон тинчми, нега келмади? Шу сафар келса яхши бўларди» деб безовта бўлганини эслаб, «бечора отанинг юраги сезган экан-да» дедим ўзимча.

Кўп ўтмай Юсуфдан «фронгга кетяпмиз» деган хаг келди. Кейин яна бир хаг келди. Бу ўзидан эмас, ҳарбий қисмдан эди: «Жангчи Юсуф Отабоев Ватанимиз озодлиги учун кўрдада қаҳрамонларча ҳалок бўлди». Чамамда, бунақа қора хатнинг қишлоғимизга биринчи келиши эди. Ҳамма ларзага келди. Айниқса тоғанинг қайғуси қишлоққа сикмас эди.

Катта маърака бўлди. Комсомоллар қора ҳошияли байроқ кўтариб келишди. Бутун қишлоқ тўпланди. Аммо тобут кўтариб, қабристонга боришмади. Бунақаси жуда хунук бўларкан.

Жангчининг қирқини ҳам ўтказишди.

Бир кунни қоронғу тушганда кўча эшиги эхтиёт тиқиллади. Мотамсаро Отабой тоға оҳиста келиб очдию сурат бўлиб қолди: рўпарасида нариги дунёдан қайтган ўғли Юсуф турарди. Унг қўли бўйнига осилган тасмада шалвирарди.

Чорлак асрдан бери Юсуф Отабоев иккинчи умрини яшайпти. Яшаганда ҳам чани эмас, колхоздаги юзга яқин колмуниста бошқош, ўн фарзанднинг отаси.

„Бўз тўрғай“



Бу ҳовлидан дутор навоси айрмасди. Айниқса қиш оқшомларида улфатлар жам бўлишиб, «Муножат», «Бўзтўрғай»ни чайқалиб

тинглашарди. Ҳасан устанинг сеҳрғар бармоқлари тебратган торлардан офатинон оҳанг таралардин, ҳар қанақа тошбағирни ҳам юшатар, дилни сел қилиб юборарди.

Нима бало, одамларда ҳавас тугаб битганми, ё Ҳасан устанинг ҳафсаласи қолмаганими, ҳар қалай, садаф дастали дутори кўпдан бери миҳда илиғлиқ, парда-популларини чағ босган.

Баҳоримди, кузимди — Ҳасан уста донг қотиб ухлаб ётарди. Кўча дарвозасини биров устма-уст қонди. Уста чопонини елвагай ташлаб, ёйвоғга чиңди. Ёмғир шаррос қуярди. «Шундай бемаҳалда менга кимнинг иши тушдикин-а?» деб кўнгиллади Ҳасан Усмонов.

Дарвоза олдида навча бир йигит турарди. Уста ичкарига танлиф этди, меҳмон кўнмади.

— Бир нарсага зориқиб келдим, йўқ демайсиз.

— Агар иложим бўлса...

— Уйга Фарғонадан меҳмонлар келишди. Бирпас чақчақлашмоқчийдин. Кўнглингиз тортса, бирга юринг, бўлмаса, дуторингизни бериб туринг.

Устанинг кўнгли илиб кетди, йигитли давлини эсладини — хўрсинди. Боргиси келди, тагин...

Индамай кириб кетди-да, чопонини қимтиб чиңди.

— Чопонни очинг, — деди-да, ёмғирдан авайлаб қўлтиғидаги дуторни меҳмон пинжига тиқди.

Меҳмон хурсанд хушлашиб, нари кетди. Ҳасан уста дарвоза ёнида узоқ туриб қолди: «Хайрият, одамларда завқ бор экан ҳали».

Юғурик раис



Қуронбой маҳаллага бораверишда ташландиқ қўрғон бор. Бир вақтлар анча обод жойлар эди. Ворошилов номли колхоз идораси шу қўрғон ичиде эди. Меҳмонбой Исоқулов деган раис бўларди. Ҳаргал қўрғон ёнидан ўтганимда шу кишини эслаймак, унинг шўхликларини ўйлаб қуламан. У жуда хушчақчақ, шўх табиатли қотмагина, чаққон, кал иши эди. У бу нуқсонини яширмасди, ўзи сингарилар ёнига келиб қолса, ҳеч нарса сезмагандай, атайин, дўпписини олар, нафтига уриб чаңгини қоңиб иярдди...

...Катта Фарғона канални қазилатганда у одамларга бош эди. Кун бўйи ишлаб чарчаган колхозчилар трассадан қайтаётганда уларни тўпларди-да, яп-янги беш сўмлини (у маҳалда катта пул) боши узра ўйнатиб, оломонга «кимдан ким мени қувиб етса мана пул ўшаники!» дер эди. Оломон ичидан ўн беш-йигирма ёш-яланг тараф бўлиб чиқарди. Унгача раис ўтириб, бризент қўнғили ичхам этигини ечарди, яланг оёқ бўлиб олиб, қувадиганлардан ўн метрча олдинга ўтарди-да, «бир, икки, уч!» деб ноҷарди. Қийқирин, чапак ҳаммаёқни тутиб кетарди. Қўшонагача чағ, тўзон кўтариларди. Бироқ ҳеч ким уни қувиб етолмасди, пул яна ўзида қолаварарди.

Меҳмонбой Исоқулов ҳар кунни шунақа бир «шумлини» ўйлаб топарди, колхозчилар билан апоқ-чапоқ яшарди. Шунинг учун уни ҳамма нафтига кўтарарди.

Қарангми, шу одам ёв ўғига учдиқ эл-юрт хизматида ҳалок бўлди.

Буёқ сўз санъаткори Максим Горький халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб: «халқ ҳамма моддий бойликларни майдонга келтирувчи кучгина эмас, халқ маънавий бойликларнинг ҳам бирдан бир ва тугалмас манбаидир; халқ ўз ижодининг ҳаммадан олдин келганлиги, гўзаллиги ва дохиёналиги жиҳатидан дунёда биринчи бўлган ҳамма буюқ достонлар ва трагедияларни, шулар ичидан энг улуги Сулган жаҳон маданияти тарихини яратган Ғалласуф ва шоярдир», деган эди. Биз қуйида гап юритмоқчи бўлган қўлэзма ва этнонимлар ҳам халқ яратган ва тўплаган ана шундай бойликлардандир.

Масаллага шу нуқтан назардан қараганда, халқ ҳамма моддий ва маънавий бойликларнинг, ҳамма хазиналарнинг яратувчисигина эмас, балки уларнинг тўловчисига ҳам бўлиб чиқади. Фақат халқидан бу бойликни қўнғ ва чидам билан ўрганиш ва парваришлаб, халқнинг ўзига яна тақдим қила билиш керак.

Сўнги йиллар ичида қўлимизга 92 бовли ўзбек элтининг асосан Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидан топилган олти-та айрим қўлэзма рўйхатлари тушди. Бундан ташқари Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги ўзбек қабиалари ҳақида анча материаллар тўпланди. Ушбу мақола шу материалларнинг қўлга киритилиши ҳамда улардаги 92 бовли ўзбек элатига тегишли рўйхатлар ва халқ оғзидан ёзиб олинган маълумотлар ҳақидадир.

Кўпгина кишилар, ҳатто, айрим тарихчи мутахассисларимиз қабила ва уруғларга бўлиниш ўзбеклар орасида ҳамон сақланиб келаётганлигини билишмайди. Улар уруғ ва қабиаларга бўлиниш қараёт қозоқ, қорақалпоқ, туркман, қирғиз халқлари орасидагина сақланиб қолган деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, қабила ва уруғларга бўлиниш сўнги вақтларгача ўзбек халқининг катта бир қисми орасида сақланиб келмоқда, халқ ҳамда тил тарихини ўрганишга хизмат қилмоқда. «Бир қисми орасида сақланиб келмоқда» дейишимизнинг боиси шундаки, ўзбек халқининг катта бир қисми жуда қадим замонлардан бери ҳозирги Ўзбекистон ерларида ўтроқ ҳолда яшаб келган. Булар қаторига асосан шаҳарларда яшовчи аҳоли, шунингдек қишлоқларда яшовчи аҳолининг бир қисми кирди. Булар ўтроқлик маданиятига қараб, умумий ном билан «спойий ўзбеклар» деб аталади.

Бу ўзбеклар қандай қабила ва уруғларга мансуб эканлигини унутиб юборишган. Бунга фақат баъзи дашт ва тоғли ерларда яшовчи ўзбекларгина қисман билишди. Булар жумласига асосан тоғли жойларда яшайдиган турклар, барлослар, калтаойлар, қисман тоғда ва дашт жойларда яшовчи қорлиқлар ва шу сингари бошқа гуруҳлар кирди.

Ўзбек халқининг катта бир қисми, яъни асосан қишлоқ аҳолиси, қабила ва уруғларга бўлинишини сўнги вақтларгача яхши сақлаб қолган. Бундай ўзбеклар ўзларини «92 бовли ўзбек» деб аташади. Бунинг маъноси ўзбеклар 92 бов (боғ) — бўлакдан иборат демакдир.

Ўзбекларнинг 92 қабиладан ташкил топганлиги тўғрисидаги ривоятлар ўзбек халқи ичидан ва халқ ижодининг айрим намуналарида қадимги вақтлардан бери сақланиб келади. XVII асрда яшаб ижод қилган Турдийнинг:

Тор қўнғиллик беклар, ман-ман деманг,
тенглик қилинг, —
Тўқсон икки бовли ўзбек юртидур,
кенглик қилинг,
деб бошланувчи ғазали ҳам ўзбек элтининг 92 қабиладан иборат эканидан гувоҳлик беради.

Турдийнинг 92 бовли ўзбек элати ҳақидаги бу маълумоти шу вақтгача энг асосли ва нуфузли маълумотлардан ҳисобланиб келади.

Ҳақиқатда «Абдуллономани» II томи нашрга тайёрланиши муносабати билан Абдуллохоннинг ёзишмалари орасида ҳам

92 бовли ўзбек элатига доир маълумотлар бор эканлиги аниқланди. Шу муносабат билан эндиликда биз 92 бовли ўзбек элатига оид энг қадимги маълумот XVII асрга тегишли бўлмай, балки XVI асрга тегишлидир, деб ҳам айта оламиз.

92 бовли ўзбек элати ҳақидаги ривоятлар бирор ҳақиқатга таянишга ишонсан ҳам, лекин унинг рўйхати ёки бу ҳақида ёзилган «Насабнома» — (шажара) китобининг топилдишига бирмунча шубҳа билан қарардик. Чунки кўпгина йирик тарихчи олимлар ҳам, бу масалага умидсизлик билан қарар эдилар. Шунга кўра, биз ҳам агар шундай шажара мавжуд бўлганда аллақачон эълон қилинган бўлмасмиди, деб ўйлар эдик.

Шунга қарамай изланишни тўхтатмадик. Изланиш жараёнида ҳар бир шевада сўзлашувчи аҳолининг қайси уруғ ёки қабилага мансублигини, шу уруғнинг қандай бўлинишлари борлигини ва қариялар қўлида шу соҳага тегишли китоб ёки бошқа манбаларнинг бор-йўқлигини суриштирдик. «Излаган топади» деганларидек, уринишлар зое кетмади. Бир қанча манба қўлга киритилди. Улардан айримларини шарҳлаб ўтамиз.

«Қитмир» китобидан кўчирма (Ғаллаорол нусхаси)

1963 йил баҳорда қўлимизга эски китобдан кўчириб олинган бир варақ ёзув тушди. Чаласавод киши томонидан кўчирилган варақда «Қитмир» китоби ҳақида гапирилиб, сўнгра «92 бов ўзбек уруғининг баёни» деб сарлавҳаланган ва уруғлар номи қуйидаги тартибда ёзилган эди:

1. Минг, 2. Юз, 3. Қирқ, 4. Ўн, 5. Ўн жайт, 6. Жалойир, 7. Сарай, 8. Қўнғирот, 9. Найман, 10. Қилчоқ, 11. Қозоқ, 12. Қалмоқ, 13. Қувдоқ, 14. Турлоқ, 15. Самарчиқ, 16. Қагагон, 17. Келейчи (Қилайчи), 18. Кенағас, 19. Буйрак, 20. Уйрак, 21. Уроқли, 22. Қиёт, 23. Хитой, 24. Қангли, 25. Пучат, 26. Увузи, 27. Урай, 28. Чублач, 29. Қўшчи, 30. Чуют, 31. Чибит, 32. Кермин, 33. Арлат, 34. Чалчук (Чалжук), 35. Манғит, 36. Бурқит, 37. Тўпалос, 38. Минит (Мисит), 39. Уқлан (Уқлан), 40. Қарай (Керай), 41. Уруб, 42. Илоҷ, 43. Чубиргон (Чўбиргон), 44. Қутлин, 45. Туркмаа, 46. Дўрман, 47. Топман, 48. Бийчақ (Бийнга), 49. Римдан (Рамадон), 50. Митан, 51. Уйшун (Нушон), 52. Вўйхавуз, 53. Қирғиз, 54. Уйрвчи, 55. Вадай, 56. Татар, 57. Етти бош, 58. Каташ (Кабаш), 59. Пачқурт (Бош қурт), 60. Сулدير (Сулдиз), 61. Тентуй, 62. Қирдор, 63. Сунтиган (Сўдиген), 64. Қирқин, 65. Ширин, 66. Фарҳод, 67. Жўночи (Жулочи), 68. Чилки, 69. Уйғур, 70. Маajorис, 71. Чолиқ, 72. Суврий, 73. Увган, 74. Кубир, 75. Ҳабрин, 76. Ялансоз (Яланғоз), 77. Ўрсун (Ўргун), 78. Олчин, 79. Ябу, 80. Ўғлон,

81. Қирғий (Қирғий), 82. Барлос, 83. Кенгиз (Чиз), 84. Сандир, 85. Кихрут (Қаҳрут), 86. Жоми, 87. Коли (Холи), 88. Тангит (Тангут), 89. Бургун, 90. Жилонир, 91. Чингагой, 92. Қарончи (Бошқа рўйхатларнинг кўпчилигида одатда 92-рақам билан Бахрин уруғи берилган. Қарончи эса бошқа рўйхатларда мустақил қабила сифатида учрамайди).

Биз ушбу рўйхатни кўп вақтгача эълон қила олмадик. Чунки, биринчидан, бу рўйхатнинг асли қардан олдинлиги маълум эмасди. Иккинчидан, рўйхат чаласаводларга ёзилган, учинчидан ушбу рўйхатнинг аслини қўлга киритиш умиди билан сабр қилиб туришга қарор қилгандик.

Бобоёр Мирзақул китоби (Жомбой нусхаси)

Қўлимизга 92 бовли ўзбек элтининг рўйхати берилган яна бир қўлэзма тушди. Қўлэзма муаллифи Бобоёр Мирзақул исмли киши эди. Бу қўлэзма асосан фаройис (математика)га оид бўлиб, унда яна тил, адабиёт, фалакнёт, ҳуқуқшунослик шунингдек, қисман халқнинг маиший ҳаёт тарихи доир қимматли маълумотлар берилган.

Китоб номи, бов ва сарлавҳалари араб тилида, асосий қисм ўзбек тилида ёзилган бўлиб, унда янгиқўрғонлик мулло Элмуроднинг бир неча форсча-тожикча шеърлари ҳам учрайди.

Китобнинг 33-бетидан бошланадиган этнографик қисмида ўзбекларнинг келиб чиқиши эски шажараларнинг ҳаммасида бўлганидек, пайғамбарлар тарихига элтиб тақалади. Афсона ибтидосяда «Абубакр Сиддиқ айдилар: булар Туркистондан, турк турурлар. Туркистондан келиб турурлар», дейилган. Қуйроқда эса, «Ул жамоат 92 киши эрдилар. Барчасининг атоси бир эрди... Ўзбек бу сабабдан 92 бовли уруғ бўлдилар. Босқон тағмаларнинг отлари булар турурлар», деб қайд этилган.

Турк афандиси

Бир турк икки йил қамоққа маҳкум этилган ўғлининг бахтсиз тақдирдан дўстига шижоат қилибди.

— Ўзинг қандай фикрдасан? Ўғлинг чакки оёқ босмасмиди?—дебди дўсти. Ота куйиб-пишибди:

— *Худо сақласин!* Жуда яхши бола эди. Ўғирлаган нарсасини доим уйга олиб келарди.

Зоҳидий ҳовлиқиб оғайнисига шипшиди: — Биласанми? Севғилми менга узук соғоға қилиб ўзи бошқа одамга турмушча қиялпти. Қуйё бола қаерда яшар экан, жуда билгим келатпти-да!

— *Нимага, уришмоқчимисан?*

— *Йўғ-ей! Унга узугимни соғмоққийдим...*

Ҳамид каттаю-кичikka сенсираб гапирарди, ўқитувчиси унинг бабдин қилгини ташлаттирмоқчи бўлиб:

— *«Энди ўқитувчимни сенсирайман»* деган жумлани элик марта ёзиб келинг,— деди.

Эртаси кўни ўқитувчи унинг дафтари ни қўриб ҳайрон бўлди.

— *Мен элик марта дегандим, нимага юз марта қўчириб ёздингиз?*

— *Шундай қилсам сен менга болаларга мақтайсан, деб ёздим,—деди Ҳамид.*

ҚҮЛЁЗМА

Ўзбек уруғлари ҳақида янги маълумотлар

ган ва шундан кейин уруғлар рўйхати берилган.

Зикр этилган парчадаги «айдилар», «турурлар», «атоси», «келиб турурлар», «тағмалари» каби сўзлар ўзбек тилининг XV—XVI асрдаги кўринишига мос келади. Афсонада «қўшин» ёки «аскар» сўзи ўрнига «черик», «барча» ўрнига «кулли» ишлатилиши, «дан» қўшимчаси ўрнида «дин» қўлланиши ҳам юқоридаги фикрни асослайди.

Ургут қўлёзмаси хусусида

1965 йили Самарқанд вилоятининг Ургут районида Нурмамет Бердиев қўлидан 92 бовли ўзбек элнинг рўйхати ёзилган яна бир қўлёзма топилди. Чиройли даст-хатда битилган бу қўлёзманинг қозғози қисман XVIII ва XIX аср қозғозларига тўғри келади. Қўлёзмага қадимги араб тилини ўрганишга мўлжалланган дарслик, бир қанча шеър ва бошқа маълумотлар қаторида 92 ўзбек уруғининг рўйхати ҳам киритилган. Лекин, рўйхат китоб ичида тартибсиз равишда берилган.

«Насабнома» қўлёзмаси (Булуғур нусхаси)

Ўзбекларнинг 92 бовли элатига оид материаллардан яна бири 1966 йил бошларида Булуғур районидан топилган «Насабнома» қўлёзмасидир.

Бу нусха анча саводди киши томонидан чиройли ёзув билан кўчирилган. Унинг бош қисмига одатдаги афсона ва ундаги арабча текстли айрим сўзлар тўлиқ ҳолда тўғри ёзилган. Қўлёзма охирида бек ёки дин арбобининг муҳри ҳам босилган. Муҳрда арабча ёзувлар бор. Хат унниқиб кетганлигидан, уларни ўқиш иложи бўлмади.

Алига отаси олов-қўшувни ўрғата бошлади:

— Мисол учун, сенга мен иккита олма, яна иккита апельсин берсам, ҳаммаси қанча бўлади?

— Билмайман,—деди Али,—чунки биз мактабда ҳамма вақт олма билан ҳисоблардик.

— Гашид ўғлим йн саккизга тўлганида унинг чекинига руксат бердим. Билсанми шунда у менга нима деди?

— Нима деди?

— Руксат ота, чекишни ташлаганимга икки йил бўляпти дейди-я!

Доктор касалини синчиклаб кўздан кечириб-да, бошини чайқайди:

— Сиз менга ёқмадингиз...

Бемор ҳам афтини буриштирди.

Бироқ, қандайдир бир сабаблар билан рўйхатдаги 92 уруғнинг бештаси (26 дан 30 гача) тушиб қолган.

«Насабнома» нусхасини Бобоёр Мирзақул нусхаси билан солиштириб кўргач, Бобоёр китоби охирида берилган нусха ана шу муҳри нусхадан, яъни «Насабнома»дан ёки шунга ўхшаш бошқа бир нусхадан кўтаришган бўлса керак, деган хулосага келдик. Чунки «Насабнома» чиройли ёзув билан ёзилганлиги устига ундаги арабча сўзлар ҳам тўла ва тўғри берилган, унинг қозғози Бобоёр китобидаги нусхага нисбатан анча эски. Шунинг учун ҳам «Насабнома» қўлёзмасининг Булуғур нусхасини бошқа нусхаларга нисбатан анча қимматли ва эътиборли деб ҳисоблаймиз.

Кархез (Ғаллаорол) нусхаси борасида

Булуғур қўлёзмаси топилган кезларда Ғаллаорол районидаги Каресқудуқ (Кархез) қишлоғида истиқомат қилувчи Мама-риза Назаровнинг қўлидан 92 бовли ўзбек уруғининг рўйхати киритилган яна бир қўлёзма топилди. Қўлёзманинг қозғози анча эски қозғозлардан бўлиб, баъзи мутахассисларнинг фикрича, у XVIII, ҳатто XVII асрларга тегишли экан. Китобда назм билан ёзилган бир қанча рисолалар, шеърлар ва эски мактаб учун мўлжалланган дарслик тазкиралари бор.

Китобнинг қимматли томони шундаки, унда одатдаги афсона билан бир қаторда, 92 бовли уруғ номларини санаш олдида «кулли ўзбекининг атоси бир турур, 92 одамни атоси Нўғаймирзо» ва унинг ўғли Минг ва андин сўнг юз, қирқ, қирғиз, ўнг, чап, жалойир ва сарой, қўнғирот, олчин, арғин ва найман, қипчоқ ва қозоқ, қалмоқ, қорлұқ ва ҳойиз» деб санаб келинган. Бу ерда, бизнингча, «кулли ўзбеки» атоси бир турур, 92 одамни атоси Нўғаймирзо» деб ёзилган иккита жумла 92 ўзбек уруғининг ташкил топган даври ва унинг аниқлашда муҳим манба бўлиши мумкин.

«Насабнома»нинг бу нусхасида уруғлар сония 92 та дейилган бўлса ҳам, лекин рўйхатда 80 таси кўрсатилган, холос.

Боёвут нусхаси тўғрисида

Ўша йили ёзда 92 бовли ўзбек уруғининг рўйхати ёзилган яна бир қўлёзмани қўлга киритдик. Боёвут районидан топилгани учун уни «Боёвут нусхаси», деб атадик. Рўйхат Тожикистон ССРга қарашли Увоқ қишлоғидан келтирилган деган хабарлар ҳам бор. Бу рўйхат Увоққа қаер-

— Афандим, ўзингизнинг чиройингиз ҳам унчалик эмас.

ҲАКАМ — Сиз энгил автомашина йўриқларида айбланасиз. Ўзингизни оқлаш учун бирор ваҳижингиз борми?

АЙБДОР — Афандим, машина қабристон олдида турган экан. Ўзимча, «эгаси йлибди-да» деб йўлабман...

Бир олим уйига ҳаяжонланиб кирибди-да:

— Хотин, катта янелик! Яқинда Ер билан Марс ўртасида радио алоқа ўрнатилди!—дебди.

Хотин бепарвогина жавоб қилибди: — Буғун кийимларни кирхонага олиб боришни унутма...

Нафиса ЖАЛИЛОВА ўзбекчалаштирган.

дан келтирилган ва у ким томонидан ёзилганлиги ҳақида аниқ маълумот тополмадик.

Рўйхатда бор 88 уруғ номи кўрсатилгани, бунинг сабаби ҳам аниқ эмас. Бизга маълум бўлган «Насабнома»лар ичида фақат Боёвут нусхасида 92 ўзбек уруғидан биттасининг номи «ўзбек» деб аталганлиги маълум бўлди. Бу ҳақиқатан шундайми ёки котибнинг айби билан шундай бўлиб чиққаними, бу ҳақда ҳам ҳозирча узи-лекиял бир фикр айтиш қийин. М. Ваҳобов «Ўзбек социалистик миллати» деган китобида: «Ҳозирги Жиззах районидаги Ўзбек қишлоғида яшовчи аҳоли ўзини «биз ўзбеклар уруғидан» деб ҳисоблайди. Бироқ, ўтмишда бундай алоҳида ўзбек уруғи бўлганлиги бизга ҳозирча маълум эмас» (49-бет) деб ёзади.

Биз ҳам ҳозирча шу фикрга қўшилишимиз, ўзбек деган алоҳида уруғ бўлмаган, балки, ўзбек атамаси 92 бовли ўзбек элатига кирувчи ҳамма уруғларнинг умумий номи бўлган. Алишер Навоий «Чор девон»нинг биринчи жилдидаги:

Шоҳу тожу хильатиким мен томоша қилгали,

Ўзбеким, бошида қалпоқ, эгннда ширдоғи бек,—

дейилган сўзлар ёки Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома»сида Шайбонийхон тилидан Самарқанд аҳолисига қарата:

Чингаой эл мени ўзбек демасун,—
Бехуда фикр қилиб ғам емасун,—

деб айтганлиги ҳам бу фикрнинг тўғри эканлигини кўрсатади.

92 бовли ўзбек элати қачон ташкил топган? Бу саволга ва ўзбек элати қасрда бунёдга келган, деган саволларга ҳозирча бевосита жавоб бериш қийин. Чунки, ҳали бу соҳага оид материаллар етарли ўрғанилган эмас. Ўйлаймизки, тарихчи ва этнографларимиз кучи билан бу муаммо ҳал бўлади.

Лекин ҳозирги маълумотларга таяниб ҳам 92 бовли ўзбек элатининг рўйхати қачон тузилганлиги тўғрисида баъзи мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Бизнингча, ўзбек элати таркибига 92 қабила ва уруғнинг кирганлиги ҳар ҳолда Дашти қипчоқда тузилган Қипчоқ ўзбеклар давлати вақтида яъни XIV—XV аср ёки ундан ҳам олдинроқ Ўзбекхон даврида юз берган бўлса керак. Бизнингча, худди ана шу даврда ҳозирги ўзбек социалистик миллатининг энг катта бир бўлагини ташкил қилувчи қипчоқ ўзбеклар элат сифатида уюшиб, шаклланган бўлиши керак. Урф-одат, тил-шевачиллик материаллари ҳамда ўша даврнинг маданий-тарихий, адабий маълумотлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Булардан ташқари, биз тишунсо сифатида халқ орасида юриб, айрим халқ вакиллари томонидан ўзбек халқининг уруғ ва қабилаларига тегишли бўлган 300 дан кўпроқ атамаларни ёзиб олдик. Масалан, Деҳқонобод районидаги Оқиртма қишлоғида яшовчи Хайитпўловнинг Примқўловнинг берган маълумотида кўра, биргина Қўнғирот қабиласининг ўзи аввало бешта бўлинган, сўнг эса майдаланиб 64 бўланини ташкил этган. Бунга Шўрчи ва Бойсув районларида яшовчи Мўмин Чолоғов ва Олтибой оқсоқолларнинг маълумотларини қўшиб санасак, Қўнғирот уруғининг бўлаклари 92 га етади.

Шунингдек, бизнинг қўлимизда ҳозир минг, юз, туркман, жуз, қирқ, сарой, ҳутор, хитой, қангли, турк, барлос, қатагон сингари уруғ ва қабилаларининг бўлинишлари га оид бир қанча эътиборли маълумотлар бор.

Ўйлаймизки, буларнинг ҳаммаси йиғиб тўпланса, ўзбек халқига тегишли бўлган уруғ ва қабилаларининг умумий шакли, уларнинг ўзаро қўшилишлари, ривожланиши ва бўлинишлари га оид қимматли хулосалар келиб чиқши муқаррар.

Х. ДОНИБЕРОВ,

филология фанлари номзоди, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг доценти.

Уч кун деганда бемор сал ўзига келди. Пирпираб аранг очилган кўзи хонанинг оппоқ шифтга тушди. Оёғи зирқираб оғриятти — чидаб бўлмади. Қимирлашнинг иломи йўқ... У бошини сал кўтариб у ён. Бу ёнига қаради. Елгиз. Шифтга қадалган кўзлари дастурўмолчадек нурга тушди — кўн кардон қорилган кичкина дераза дарчасидан кўёш мўралаб турибди. Бир пайт ўша дарчадан гўнгиллаб қора кўнғиз ичкарига кирди. Дераза хошиясида бироз ўрмалагандай бўлди-да, кейин учиб чиқиш учун йўл тополмай қолди. Ғирғув этиб ўзини шифтга ура бошлади. Охири лампочкага урилиб, полга тушди. Уни кузатиб ётган бемор сиқилиб нетди. «Войдод!» деб юбормоқчи бўлди.

Шу зайл ўн уч кун ётди. Қани энди оёғи қимир этса! Бунинг устига врачлар ҳар кўни кириб, «куч тўпланг» деганичи. Ҳамширалар бўлса қон томирларига кунига уч-тўрт мартадан игна санчиб «глюноза» берганичи... Икки юмшоқ жойини илматешин қилиб юборишди.

Чап оёғининг тиззадан пасти худди қорамой чаплагандек бўлиб кетди. Бу момоталоқ тамга кун сайин юқорига кўтариляпти. Жароҳларнинг айтишича, оёқ буткул кесилмайдди, бироқ жароҳат арралаб ташланмаса бўлмайди...

Ҳа. Шундай қилишди. Унинг чап оёғини тиззадан кесиб ташлашди. Исфара касалхонасининг кун чиқиш ёғидаги кичик хонада у энди оёқсиз ётибди... Мана энди водий тоғларини ўттиз уч йил кезган, нефть кудуқларини топишда елиб-югурган оёқ йўқ...

У ҳамширага қаттиқ гапириб чироқни ўчиртирди. Дунё кўзимга янада қоронғи бўлсин, деб ёстигини кўзига босди. Дод десинми, фарёб чексинми? Бироқ, ҳеч наери оғриётгани йўқ энди. Қуввати ҳам жойида...

У мастерлик қилаётган бригада байроқдор эди. Агар бу ойда гарма тиги уч минг метр-га етмаса, байроқни андижонлик парманашлар олиб кетиши мумкин. Шундай вақт тигиз, иш қизгин бир пайтда «У8-3» насос ишдан чиқди. Ремонт қилиш учун электрпайвандчи зарур. У ўйлаб-нетиб ўтирмай, «Турдихонни олиб келаман», деб Чимёнга жўнаб қолди. Турдихон опа ўзбек аёлларидан биринчи чиққан Ленин орденли машхур пайвандчи. Унинг ишидан ҳамма кончилар мамнун...

Турдихон опа билан эл ётарда Айратан участкасига етиб келди. Иккита чилангар ёрдамида ишга киришди. Бироздан сўнг Турдихон опа бошини кўтариб:

— Абдурахмон, сен боравер. Хотиринг жам бўлсин, тонггача тайёр бўлади. Бор, пича мизгиб ол,— деди.

Углероддан чиққан учқунлар шаршара инжуларидек шўх рақс тушиб, ўтириб ёлчилар дашт тунини ёриятпти. Кенг, текис даштда бу манзара узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Абдурахмон ананинг лаблари пичирлайди: «Ажойиб аёл-да. Иш устида йигитларни ҳам очиради».

Абдурахмон ана оёғидаги этигини ҳам ечмасдан буклама каравотга ўзини ташлади. Бироқ, уйку келмади. Дам вагон шифтга тикилиб, дам аёлга бошини бурнаб ётиб кўрди. Барибир ухлай олмади. Эшик ёнидаги тошфонар хира нур таратиб, пирпираб турибди. Урнидан туриб «Беломор» тутатди. Кейин бурчақда турган пақирдан рух кружақда сув олиб ичди. Яна ўрнига чўзилди. Тонгга яқин кўзи сал илинди, бироқ чўчиб уйғониб кетди...

Вишка устидаги олбайроқча тонг шабадасида йигитларни ишга чорлаётгандек хилпироятти. Олдинда Абдурахмон борапти. Оёқлари остида музлаган қалин қиров гарч-гурч этади. Юзларни аччиқ изгири «чимчаб» олади. Қир ён-бағирларида ола-була қор. Ҳаво соф. Ҳамма иш ўрини эгаллади. Одатдагидек меҳнат бошланди. Йигирма беш метр баландликда трубапарни териб турувчи «сарич йигит» ҳам ўз ўрнига чиқиб олди. Компрессор, транктор ва турли моторлар гувиллаб бошлади. Айратан участкасидаги ягона — биринчи кудуқда меҳнат қайнай бошлади...

Транктор ёрдамида уч дюмали трубаин насосга улаш пайти. Абдурахмон ана тисариланган транктордан санраб ерга тушди. У қўлини трубага уза... а! Дахшат!!! Оёғидаги этининг бир пойи учиб кетди...

— Ердэм! Йигитлар...
Хушига келиб қараса, касалхонада ётибди.

* * *

...Эрта тонг. Икки томони қирлар билан ўралган асфальт йўлда «виллис» учиб борпоти. Рулда Турдихон опанинг ўғли Яшнасин, у Абдурахмон анага тинмай гапириб борапти: — Ҳовлида жамоат жам. Қаршидан Равиль,



Лавҳа

Бекмурза МАХМУДОВ.

Нукусдан Зайнаб опа болалари билан келишган. Равилингиз катта трестда парткоммиссар. Қизингиз инженер бўптилар. Кичкина бурилишга келганда Яшнасин ма-

шинани четга бурди. Рўпарода салобат тўниб турган вишнани кўрсатди.

— Кеча ўша кудуқдан нефть отилиб чиқди. Назаровнинг айтишича, запаси жуда кўпмиш. Чимён нефть кудуғи эллимтага етди, тоға.

Абдурахмон ана бошқа бир воқеани эслади: 1926 йилнинг 1 Майи эди ўшанда. Абдурахмон ана Мадаминжон ана деган кишининг соявон аравасида шу йўлдан Чимёнга келган эди. Бор-йўғи тўртта нефть кудуғи, битта устхона бор эди. Ҳали уйланмаган худди шу шобёр йигитга ўхшаш ёш эди. Кейин ўн йил тоқар бўлиб ишлади. Болачақали бўлди...

Абдурахмон ана машина ойнасидан ташқарига қаради. Қир этакларига тутатиб кетган кенг пахтазор. Йўлнинг шундайгина ёқасида нефть вишкаси. Баландлиги эллик метр. Уни ларзага келтириб, баҳувват компрессор, кучли насослар ишляпти. Ер қаъри пармаланяпти. Ер аралаш сариқ лойқа сув тарновдан оқиб, жилгага қуйилляпти. Яна биринки ойдан кейин, бу кудуқдан ҳам нефть фонтан бўлиб отилиб чиқади...

Машина чайқалиб, Абдурахмон аканинг соғ оёғига қўлтиқ таёқ сирғалиб тушди... Энди ҳаммаси тугади!!!

...Абдурахмон анани 13 апрель куни кон коллективи тантана билан нафақага ўзатди. Ленин Абдурахмон анага бу тантана ёқмади. Йигиллиш охирида, тишини-тишига қўйиб, «Раҳмат, ўртоқлар!» деди.

Мана ўн кундирин, у бенорчи. Ҳовлининг у ёғига, бу ёғига боради. Узум хомтон қилади, шафтоли бутайди. Хотини билан ўтириб тўйиб-тўйиб памил чой ичади, гапашади. Ленин сиқилиш, диққинафаслик соявон эргашиб, уни таъбиб этади.

— Сиқилиб кетялман, Марьямхон.

— Чойхонага чикинг, ўртоқларингиз ўша жойда...— деди хотини.

Кончилар посёлчасида кўзга кўринган жойлардан бири — қизил чойхона. Бу ерда неча ишга келган ёш нефтчиларни ҳам, Илёс, Мадали, Шукур, Қаландар ана сингари ветеранларни ҳам учратиш мумкин.

Абдурахмон ана чойхонага кириши билан ёшлар ўрнидан туриб: «Бу ёқча чикинг, бу ёқча чикинг», деб қолишди. Абдурахмон ана одоб юзасидан, чоллар даврасига қўшилди. Дераза ёнида ўтирган чўқчи соқол қирғиз чол, колхознинг собиқ ферма муддир ҳозир қамоқда ётганини гапирди. Қаландар ана бўлса олибсотарлар ҳақида гапирди. Ҳаммаси шундай, олди-қочди гаплар. Буларни эшитиб Абдурахмон ана бадтар сиқилди. Шу пайт чойхонага спортчилар майчасини кийган Пулатмон кириб келди. «Ўртоқлар, стадионимизда футбол бўлади», деди.

Абдурахмон анани уч гилдиранли мотоцилга ўтқазиб олиб борди.

Абдурахмон ана рақиблар дарвозаси ёнига ажиртизорга ўтириб қоптон ўйинини томоша қилди. Уйин ҳам ажойиб бўлди. 7—6 ҳисоб билан кончилар командаси қирғизистонли: «Қадамжой» командасини ютди. Кечқурун уйга келиб, Абдурахмон ана «Бир матчда 13 гол» деб газетага мақола ҳам ёзди.

Эртаси автобусда Фарғонага футболга тушди. «Спартак» стадионидан унга бир нарсаси натиқ таъсир қилди. Икки оёғи йўқ бир инвалид кичкина аравачаси билан футболга келибди. У билан ёнма-ён ўтирди. Унинг исми Рафаэль бўлиб, ёшлигида футболчи экан. Оёғини 27 ёшида Киевда бомба остида қолгандан кейин, кесиб ташлашган экан...

Кунлар ўтиб борарди. Мана бугун у завод парткоми Лолахон Иброҳимованинг тўйига боради. Абдурахмон ана бу заводга биринчи бор тоқар бўлиб ишга келганда, Лолахоннинг отаси билан бирга ишлашган эди. Уша йили турилган қиз мана бугун корхона коммунистларининг етказчиси...

Тўй ҳам ўтди. Яна уйда ўтириб қолди. Хотини ишда. Угил-қизлари узоқда. Тоғу тош кезиб, туну кун ишлаб юрадиган кишига бундан ортиқ азоб бўлмаса керак. У сиқилиш, уйқусизлик балосига йўлиқди. Нима қилиш керак? «Тўхта, завод ненга ябди, қайта қурилябди. Балки мениб олиш топилиб қолар», деб ўйлади бир кун. Қўлига қўлтиқ таёқни олиб йўлга тушди.

Дарҳақиқат, у иш топди, заводда меҳнат тақсироти бўйича инженер...

МИШЕЛЬ МОНТЕНЬ



Мишель Монтень.

(1533—1592).

Мишель Монтень Уйғониш даврида яшаган француз файласуфи; у бой савдогар оиласида туғилиб, камбағал деҳқон оиласида вояга етди. У ўзининг «Тажрибалар» номли ягона асари билан танилди. Муаллифнинг айтишича, бу асар тор доирага мўлжаллаб хотира тариқасида ёзилган. «Тажрибалар» маълум бир мавзудаги асар бўлмай, турли фикрлар баён этилган тўпламдир. Уша вақтларда лотинча расм бўлса-да, Мишель Монтень француз тилида ёзган.

«Тор доира учун ёзилган» «Тажрибалар» тарихда анча шухрат топди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, 1942 йили Нью-Йоркда чиқарилган библиография бу асар хусусида ёзилган уч минг мақолани қайд қилган, лекин биронтаси ҳам Монтеннинг дунё-қарашини тўғри тushунтириб беролмаган.

«Тажрибалар»нинг асосий мазмуни — шубҳа қилишдир. Монтень нимадан шубҳа қилади, нимага гумон остига олади?

У шаклон эди. Ўз замонидаги ҳамма нарсани — дин ақидаларини, ижтимоий тузумини, бойлик-намбағаллиқни, уруш, ахлоқ, мактаб, тарбия каби ижтимоий муаммоларнинг тўғрилигига, уларнинг қонунийлигига шубҳа қиларди. Монтень шаклоклиги ўша замон ижтимоий тузумига, ҳоким синф мафқурасига, қонун-қоидаларига норозиликдан иборат эди. «Тажрибалар» майдонга келиши билан ижтимоий тузумни кемирадиган ишончасизлик тарқалди. У одамларни тилга киритди, танқидга йўл очди, ўсиб келаётган янги куч — ёш буржуазиянинг илғор вакилларига маънавий озиқ берди, мутлақ ҳақиқат деб ҳисобланган мафқура, илоҳийлаштирилган феодализм ичидан зил еди.

Монтень дунёга ақл кўзи билан қарашни ўргатади. У, ўрта аср сафсаталари, диний ақидалар кишини чалғитади, улар одамларни алдаш учун яратилган, бориққандай бўлса уни шундай тushунуш лозим, дунёни билиш ақидаларга эмас, амалий тажрибаларга асосланиши керак, дейди. Одамнинг сезгилари билимнинг пойдеворидир, одам борлиқни билишга қобил. Агар киши бугун бир нарсани билмаса, уни эртга албатта билиб олади. Билимнинг бугунги даражаси умуман билимнинг чегараси эмас. Билим чегарасини одамларнинг биргаллиқдаги тажрибаси белгилайди. Бу асрда билинмаган нарса янаги асрда ҳаммага аён бўлиб қолади.

Монтень нариги дунёнинг борлиги, кишининг руҳи ўлмаслиги ҳақидаги гапларни бўлмағур гап, алдоқчиларнинг сафасатаси, инсон ақлига зид, деб ҳисоблайди. У, ҳамма нарсани худо яратган, худо амридан бошқа ҳеч нарса яралмайди ва йўқолмайди, одам — иродасиз чувалчанг, деган фикрларни қаттиқ танқид қилади. Монтень одам иродасиз эмас, у фаолият учун туғилган, у ҳур, завқ билан яшаши керак, дейди. Бу билан Монтень Эпикурнинг ахлоқ қондасини олға суради. У Эпикурнинг ахлоқ системасини ўсиб келаётган буржуазия манфаатларига мос, инсонпарварлик, ислоҳчилик даврининг талабларига тўғри келадиган янги мундарижа билан бойитди. Олим Эпикур атеизмининг ўз даврига мослигини. Унинг фалсафаси «Ҳаётни сеувчи, ҳур фикрли, XVIII аср материализмининг тайёрлашга ёрдам берди» (Ф. Энгельс).

Монтень табиат ҳодисаларини ўрганишга, бунда амалий тажрибаларга суянишга қақиради. Унинг фикрича, киши онининг пайдо бўлиши, ўсиши ва йўқолиб кетиши одам танасининг ҳолатига боғлиқ. Онг тана устидан ҳокимлик қилмайди. Ҳар нарса, шу жумладан, одам ҳам табиатнинг объектив қонунига итоат қилади. Ҳеч ким ундан чиқиб кета олмайди. Ҳеч нарсани ундан мустасно қилиб бўлмайди. Барча махлуқот, бор ҳодисалар табиат қонунилари доирасида ўзгаради, пайдо бўлади, юксалади ва ҳалок бўлади. Воқеликнинг ўзи эса фақат моддий олам холос. Бу моддий оламин ҳеч ким, ҳеч нарса яратган эмас, у ўзи бор бўлган.

Инсон яратилишида тенг бўлган, бора-бора одамлар орасида ҳам тафовутлар пайдо бўлган, тенглик бузилган. Тенгликнинг бузилиши эса ҳаққониятсизликдир. Қаерда тенглик бўлса, ўша ерда одамлар бахтли бўлади, яхши ҳаёт кечиради, кишиларда энг яхши ахлоқий фазилатлар ўсади. «Тенглик ҳаққониятнинг биринчи қадамидир».

Монтень таълим-тарбияда гоят муҳим, илғор фикр айтган. Унингча, мактаб ўқувчига мия «қуйиб» қўймаслиги керак. Аяинча, боланинг ақлий ўсишига шароит яратиб бериши ва омил бўлиши керак. Болага бирор фалсафий фикрни ақлида гарикасида уқтирилиши умуман ақлдан эмас. Агар фалсафа ўқувчига ақлида тариқасида уқтирилса, ўқувчининг иродасини бўғайди, хоҳишини чегаралаб қўяди. Таълим ўқувчида қизиқиш уйғотиши керак. Мактабда тарбия китобгагина асосланмасдан, амалий тажрибага, табиатни ўрганишга ҳам асосланиши керак. Ақлий тарбия билан жисмоний тарбия ҳам яхши йўлга қўйилиши керак. Жисмоний тарбия эсдан чиқарилган жойда ақлий тарбия муваффақият қозонмайди. Тарбия динга муҳтож эмас. Дин тарбияга ҳеч ижобий нарса қўшмаган, дин соғлом инсоннинг ақлига, табиат қонуниларига зид нарсадир, соғлом ўсишга интиланг авлод диния тарбия соҳасидан сиқиб чиқариши керак. Монтеннинг бу фикрлари ўз замонида улкан тараққиёт бўлиб, дин ва феодал тузум пойдеворига қўйилган секин портловчи бомба эди.

Монтень бойлик ва камбағаллик ўртасидаги қарама-қаршиликни тўғри тushуниб, уни фож эъди. Монтеннинг фикри камбағал-меҳнаткашларни ёқлайди. У меҳнаткаш халқни, айниқса, деҳқонларни ҳурмат қилган, уларнинг тарихдаги ролини юқори кўтарган. Монтень деҳқонларни энг пониз, ҳалол, тўғри фикрли кишилар деб билган. Л. Н. Толстой ҳам Монтенни шу фикрлари учун севган, унинг «Тажрибалар»ини қайта-қайта ўқиган. Монтень халқни доҳий билан бир қаторга қўйган, халқ ижодига юқори баҳо бериб, халқ ижодий асарларини кўнларга кўтарган. У биринчи бўлиб халқни тарих саҳнасининг тўрига қўйган.

Монтень: «Фикримизнинг ҳақиқий ойнаси ўзимизнинг ҳаётимиздир», «биз фаолият учун туғилганмиз», «бошқалар кетидан кўр-кўрона эршган одам ҳеч нимага билолмайди», дейди.

XVIII аср материализмининг аниқ шай фикрлар илҳомлантирган «Тажрибалар»да ўз замонидаги ижтимоий ҳаётни гумон остига олган гоғлар XVIII аср француз материалистларининг етиши чиқишига таъсир кўрсатди. Булар феодал тузум, дин, эски ақидалар, феодализм жамиятининг ҳоким мафқураси, қонун-қоидалари ва ахлоқини шафқатсиз танқид қилган жанговар материалистлар, довурак буржуа инқилобчилари эдилар.

Буюк комусялар Дидро, Гольбах, Гельций, Руссолар Монтенни ўзларининг устози ҳисоблаганлар, унинг номи билан фахрланганлар. Монтень гоғлари фақат француз материалистларининггина эмас, бутун Европа материализмининг ривожланишида катта роль ўйнади. Гассендий, Декард, Бэконлар ҳам Монтень гоғларидан озиқланиб етишганлар. Бэкон тарихда Монтень байроғини ҳаммадан кўра баланд кўтарган сиймо деб ҳисобланади.

«Тажрибалар»нинг ёзилганига тўрт юз йил бўлди. Шунга қарамай, Монтеннинг бу асарда аёс эттирилган жуда кўп фикрлари ҳамон кадр-қийматга эга. Шунинг учун ҳам биз уни буюк сиймолар қаторида санаймиз.

Сулаймон АЗИМОВ.

КАВКАЗ ҚАЛҚОНИ

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган мислсиз қаҳрамонлиги ойнадай равшан. Бу жасорат яна неча минг йиллар оша ота-боболаримизнинг буюк озодлик жангларидан авлодларга ҳикоя сўзлайди.

Бугун эйтиборингизга ҳавола қилаётганимиз — ҳарбий мутахассис ва кўмондон С. М. Штеменконинг «Бош штаб уруш йилларида» номли эсдаликлари Ватанимиз тарихининг ана шу саргаймас саҳифаларига бағишланган.

Бир кун кечаси Кремлдан Ф. Е. Боков телефон қилди. Полковник К. Ф. Васильченко иккаланг хариталарингни олиб тезда етиб келинглр, деб буюрди. Биз Кремлга ўша ердан юборилган машинада жўнадик. Кремлда бизларни потаниш полковник кутиб олди ва Сталиннинг иккинчи қаватдаги қабулхонасига олиб кирди. Иккаламиз биздан Олий Бош Қўмондон нима сўрашини билмай ҳалжонланардик. Бир неча дақиқадан кейин Олий Бош қўмондон хонасига чақирди. Девор ёнига қўйилган катта стол атрофда Молотов, Маленков, Микоян, сталиннинг иккинчи томонида эса Ф. Е. Боков, эндигина Оператив Бошқарма бошлиғи қилиб тайинланган П. И. Бодин ва Я. И. Федоренколар ўтиришарди. Сталин хонада у ёқдан бу ёққа юрарди. Биз ўзини таништирдик.

— Сталинград остоналари ва жанубдаги аҳвол ҳақида ахборот бера оласизларми? — деб сўради Сталин биздан.

— Бера оламиз, — деб жавоб қилдик биз бараварига.

Биринчи бўлиб Сталинград ҳақида К. Ф. Васильченко ахборот берди. Олий Бош қўмондон қўшинларнинг аҳволи билан қизиқди, кимлар қарсга чекинганлигини, чекинаётган қўшинлар кимга нтоат эттирилганлигини, иккинчи эшелонлар қарсларда жойлаштирилганлигини, эҳтиёт қисмлар қардаллигини, моддий шароити қанақалигини сўради. Васильченко буларнинг ҳаммасини биларди, яхши жавоб қилди.

Шундан кейин навбат менга келди. Мен харитани ёзиб кўйиб, Тевек дарёси бўйлаб қандай қўшинлар мудофаада турганлигини, у ерга бошқа қўшинларни жойлаштириш ҳам мумкинлигини, Боку ва Ҳарбий-грузин йўли томонларни қандай ҳимоя қилиш кераклигини айтдим. Бош Кавказ тизма тоғлари орқали ўтайдиган допонинг заиф мудофаа қилинаётганлиги, Новоросийск ва Туапсе томонлардаги аҳволнинг хавфлилиги, мудофаа қурилишларини тезлаштириш зарурлиги ҳақида ҳам гапирдим.

Сталин гапимни бўлмади охиригача эшитди. Мен ахборотни тамоғ қилганидан кейингина саволлар бера бошладим.

— Закавказьеда яна қандай қўшинлар бор?

Мен ахборот бердим.

— Ўрта Осиёдан яна қўшин келтириш мумкинми?

— Генерал майор Лучинский қўмондонлиги остидаги саксон учинчи тоғли ўқчи дивизияни келтириш мумкин, — дедим ва қўшиб қўйдим: — Бу дивизияни яхсиси Туапсе томонга қўйиш керак. Яна бошқа битта дивизияни ҳам олиш мумкин.

— Эрондан қандай қисмларни олиш мумкин? — деб сўради Олий Бош қўмондон.

— Кўпи билан бир-икки дивизияни олиш мумкин, — дедим ва унинг нима учулигини тушунтириб бердим.

— Боку томонга алоҳида эйтибор бериш керак, — деди Сталин П. И. Бодинга қараб.

Олий Бош қўмондон ўзини жуда оддий тутарди. У билан дастлабки учрашгандаги чўчишларимиз аста-секин йўқола бошлади. Сухбат охирида Васильченко ҳам, мен ҳам ўзини жуда эркин тутардик.

— Бу полковникларни кетаётганда бирга олиб кетиш керак, — деди Олий Бош қўмондон, ҳеч кимга мурожаат қилмай. Шу билан гап тугади. Бизлар чиқиб кетдик.

Ўша сўхбатдан бир неча кун кейин, 21 августда П. И. Бодин менга шундай деди: — Тайёрланг, эртага соат тўртда аэродромга чиқасиз. Ўзингиз билан бирга шифровка қиладиган одамни ва бошловчилардан бир неча кишини олинг.

Менга ҳеч қандай тайёрликнинг кераги йўқ эди. Ўз томоним бўйича ҳамма маълумотларни ёддан билардим. Белгиланган кун эрта билан Бодиннинг машинасида марказий аэродром томон йўл олдик. У ерда бизни СИ—47 самолёти кутарди. Самолёт командири полковник В. Г. Грачев Бодинга ўзини танитди.

Бизлар Ўрта Осиё орқали Тбилисига учдик. Тўғри йўлни немислар кесиб қўйган эди. Кечга бориб Краснодарска қўндик, бутунлай қоронғи тушгандан кейин Каспий деңгизи орқали Бокуга, сўнг Тбилисига жўнадик.

Тбилисига деярли ярим кечада қўндик

ва аэродромдан тўғри фронт штабига йўл олдик. Шаҳар ҳали уйғоқ, кўпгина кўчалар яхши ёритилган ва одамлар билан тўла эди.

П. И. Бодин дарҳол фронт штабининг бошлиғи А. И. Субботининг ахборотини эшитди ва қандай вазифа билан келганлигини унга тушунтирди. Бу вазифалар оз эмас: жойнинг ўзида аҳволи аниқлаш, Закавказье мудофаасини кучайтиришнинг қўшимча тадбирларини белгилаш, бу тадбирларни амалга ошириш, шимолдан чекинган ва чекинаётган қўшинлар ҳисобига, шунингдек маҳаллий аҳолини сафарбар этиш ҳисобига янги қисмлар вужудга келтириш, оқибат-натияжада мудофаа чегараларини, биринчи навбатда, Боку томондаги мудофаани тайёрлашни тезлаштириш вазифалари турарди. Бодин сўзининг охирида фронт қўмондонига мурожаат қилиб бундай деди:

— Иттифоқчиларимиз фронтдаги оғир аҳволимиздан фойдаланиб, инглиз қўшинларини Закавказьега киритиш учун розилигини олишга интилаётганлиги сизга маълумми? Бунга йўл қўйиш албатта мумкин эмас. Давлат Мудофаа Комитети Закавказьега ҳимоя қилишни энг муҳим давлат вазифаси деб ҳисоблайди ва биз душманнинг ҳужумини қайтариш, уни заифлаштириш, шундан кейин тор-мор қилиш учун барча чораларни кўришга мажбурмиз. Гитлернинг умидини ва иттифоқчиларимизнинг ниятини тўғра тикмоқ керак...

Бизнинг амалий фаолиятимиз шундан бошландики, 24 августдаёқ Закавказьеда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Шимолдан тартибли равишда чекиниб келган барча қўшинлар Терек агрофига, Кавказ тизма тоғлари этакларига, Туапсе ва Новоросийск томонларига мудофаага қўйилди. Олдинги жангларда заифлашиб қолган, бошлиқлари ва қурол-яроғларидан маҳрум бўлган қисм ва қўшилмалар орқа томонга чиқарилди. Боку томонда 58-армия тузила бошлади. Кизляр районига қўшма суворийлар корпуси жойлаштирилди.

Шароит билан яхши танишиб олганимиздан кейин, ҳарбий жиҳатдан муҳим бўлган марказларда мудофаа районлари тузишга қарор қилинди. Ҳаммаси бўлиб учта ана шундай район: махусе Боку райони, Грозно ва Владикавказ районлари ташкил қилинди. Бу районларнинг бошлиқлари ана шу районларни мудофаа қиладиган армиялар қўмондонларининг ўринбосарлари ҳуқуқини олган эдилар.

Ҳарбий-грузин йўли мудофаасига бутун бир ўқчи дивизия қўйилди. Бу дивизиянинг асосий кучлари Оржоникидзе районига ўтайдиган йўлни тўсиб турди. Шунингдек бу ерга Гори шаҳридан яна битта дивизия келтирилди.

Боку томон бизни катта ташвишга солган эди. Бу ерда мудофаа қурилиши ишлари жуда секинлик билан борарди. Ишни тезлаштириш учун куч етишмас эди. 16 сентябрь кунини Давлат Мудофаа Комитети ҳарбийларнинг тавсияси билан махусе қарор қабул қилди. Бу қарорда Махаҷчала, Дербент ва Боку районларидаги мудофаа қурилишига кунига маҳаллий аҳолидан тўқсон минг кишини сафарбар этиш кўзда тутилган эди. Шундан кейин иш юришиб кетди. Бу ерда кеча-кундуз оқоплар, танкка қарши чуқурлар қазила бошланди,

танк тугар қозықлар ўрнатилди. Бундан ташқари Олий Бош қўмондон қароргоҳи 29 сентябрда бу ерда яна бир қатор мудофаа йўллари қуриш чораларини қўриш юзасидан фармойиш берди ва махсус вазибаларини бажариш учун юз танк юборди.

Бошқа муҳим томон — Туапсени ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор берилди. Август ойи бошлариданоқ бу район Бош штабнинг диққат-эътиборини ўзига тортган эди. Душман Туапсегга ёриб ўтгудек бўлса, шимол томондан Закавказьени мудофаа қилиб турган қўшинларимиз орқасига чиқishi ва денгиз қиргоқлари бўйлаб Сочи ва Сухумига энг яқин йўл топиши мумкин эди. Душман бу ишга қатъий киришди, лекин ўз мақсадига эриша олмади. Олий Бош қўмондон қароргоҳи 5 августда ана шу масала юзасидан махсус директива чиқарди. Шундан сўнг ўн кунлик оғир жанглар натижасида Бош Кавказ тизма тоғларининг шимолий ёнбағарида, яъни Туапседан эллик километр узоқда душманин тўхтатишга муваффақ бўлди. Аммо шундан кейин ҳам бу ерда аҳволимиз жуда оғир эди.

Тамань ярим ороли ва флотимиз базаси жойлашган Новороссийскада ҳам ишлар чатоқроқ эди. Душман бу ердан Туапсегга бериладиган зарбага қўмаклашмоқчи эди ва у анча муваффақиятга эришиди. Август ойининг охири — сентябрь ойининг бошларида немислар ярим оролни эгаллади ва Новороссийскининг катта қисмини қўлга киритди. Қора денгиз қирғоғидаги бу энг йирик портни мудофаа қилаётган 47-армия ва флот қисмлари учун мушкуллик туғилди. Курашнинг тақдирини қўшинларимизнинг қатъият билан жанг қилиши, уларнинг санъати ва қўмондонларимизнинг, қабул қилинган қарорларнинг мақсадга мувофиқлиги ва дадил амалга оширилиши ҳал қилди. Биз бу районда, аввало, қўшинларни тўғри бошқаришни ташкил этиш зарур деб ҳисобладик. Биринчи сентябрь кунини Шимолий Кавказ fronti негизда қўшинларнинг Закавказье фронтига итоат эттирилган Қора денгиз гуруҳи тузилди. Бир неча кундан кейин генерал-лейтенант И. Е. Петров ана шу гуруҳга қўмондон қилиб тайинланди. Фронт Ҳарбий кенгаши 47-армияга ва Новороссийск мудофаа районига қўмондон қилиб генерал-майор А. А. Гречкони тайинлашди, Новороссийск мудофасини эса контрадмирал С. Г. Горшковга топширишни тавсия қилди. Олий Бош қўмондон қароргоҳи бу тақлифин тасдиқлади. Натижа ҳам дарҳол кўриниб қолди. 10 сентябрь кунини Совет қўшинлари душманин Новороссийскининг шарқий қисли билан

цемент заводи ўртасида тўхтатдилар ва мудофаага ўтишга мажбур қилдилар.

Тоғларни мудофаа қилиш ўйлагандай бўлиб чиқмади. Фронт қўмондонлиги бу тоғларга душман чиқолмайди деб ўйлаб, унинг мустақамлигига ҳаддан ташқари ортқ баҳо бериб юборган эди. Шунинг учун ҳам 15 августда Клухор довоини қўлдан бериб қўйилди. Марух довоинини ҳам бой беришимизга сал қолди. Агар у ҳам қўлдан кетгудек бўлса, немисларнинг жанубга, Қора денгизга чиқishi хавфи туғиларди. Йўл қўйилган ҳатолар шoshiлигич равишда тузатилади. Довоини ҳимоя қилиш учун альпинистлар ва баланд тоғли районларнинг аҳолисида, хусусан, сваллардан иборат отрядлар тузилди ва довоин томонга юборилди. Красная Поляна районига ва унинг шарқий томонида полковник Пияшевнинг йирик отряди мудофаада турди, у душманин денгизга чиқадиган йўлини тўсиб қўйди. Қуролланган ишчи отрядлари ҳам тоққа олиб бориб қўйилди. Душманга қарши Кавказ халқининг кўп миллатли оиласи кўтарилди. Жанговар тўқнашувларда ва душман орқасида қақиримлаган меҳмонга қарши қаттиқ кураш борди. Халқлар дўстлиги ҳамма синволлардан ўтди. Душманин улар ўртасига нифоқ солиш учун бўлган барча уришишлари барбод бўлди.

Марух довоини районидаги воқеалар ҳам худди ана шу вақтга тўғри келди. Бу довоининг қахрамон ҳимоячилари жуда оғир шартларда жанг қилиб, немис тоғ отрядларининг довоини қўлга олиши ва Бош Кавказ тоғ тизмалари орқали ёриб ўтиш учун бўлган барча уришишларини барбод қилди. Улар ўзларининг солдатлик бурчларини охиригача адо этдилар.

Терек районида қаттиқ жанглар бўлди. Бу ерда душманин биринчи танк армияси ва бир неча армия корпуслари ҳужум қилди. Душман бир вақтнинг ўзида ҳам Каспий денгизи қирғоқларига, ҳам Ҳарбий-грузин йўлига чиқиб олишни мўлжаллаб ҳужум бошлаган эди. Бироқ у ерда ҳам, бу ерда ҳам немис қўшинлари ғалаба қилолмади. Оржоникдзе ва Грозний остоналаридаги кураш душман учун катта муваффақиятсизлик ва мағлубият билан тугади. Душман ҳар қанча ҳаракат қилмасини, Грозний ва Боку нефтларига етиб боролмади. Шу билан бир вақтда унинг Яқин Шарққа йўл очиш учун уришиши ҳам чипакка чиқди.

Шундан кейин немис-фашист қўшинлари Туапсе томонида бошқа ҳужумга ўтмадилар. Душман Кавказ тизма тоғлари районига яхши таълим олган тоғли ўқчи

корпуси билан ҳаракат қилган бўлса ҳам, ғалабага эришолмади...

...Бир ойдан кейин биз Москвага қайтиб келдик. Немисларнинг «А» гуруҳини армияси қўмондонлигининг, Совет қўшинларининг қаршилиги тез орада спидрилди, деб мақтаниб айтган гапларига қарамай, Закавказьеда аҳвол анча яхшиланди. Фақат генерал-лейтенант П. И. Бодингина бу пайтда биз билан бирга бўлмади — у фронт штабининг бошлиғи қилиб тайинланган эди-ю, аммо бу юксак мартабада кўп турмади. 1 ноябрь кунини немис авиацияси Оржоникдзе районини бомбардимон қилаётган пайтда ўз хавфсизлигини таъминлаш учун ерга ётишни истамагани учун ҳалок бўлди.

Биз Москвага келгандан кейин А. Е. Корнейчукнинг «Фронт» пьесаси билан танидик. Бу пьеса қўққисдан «Правда» газетаси саҳифаларида пайдо бўлиб қолди. Бош штабда ишимиз кўп, ҳар бир дақиқамиз ҳисобли бўлса ҳам, бу пьесани ўқиб чиқдик. Бизнинг бутун қалбимиз ёш Огнев томонида бўлиб, Горловага қарши фикрда эдик.

Ойлада ҳар хил одам бўлганидек, Бош штабда ҳам, штабдан ташқарида ҳам, ҳатто энг хизмат кўрсатган ҳарбий раҳбарлар орасида ҳам «Фронт» пьесасини Қизил Армияга қарши ўзига хос тўхмат, ҳатто қўворувчилик деб қабул қилган кишилар бўлди. Олий Бош қўмондон қароргоҳига пьесани «Правда»да босишни тўхтатиш ва «мутлақо зарарли» асар сифатида театрларда саҳналаштиришни ман қилиш ҳақида бир неча телеграмма келди. Ана шу телеграммаларнинг бирига Олий Бош қўмондон қуйидагича жавоб қилди:

«Пьесага баҳо беришда сиз ҳақли эмасиз. Пьеса Қизил Армия учун ва унинг қўмондон состави учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Пьесада Қизил Армиянинг камчиликлари тўғри кўрсатилган, ана шу камчиликлардан қўз юмиш нотўғри бўларди. Камчиликларга мардонавор тан бериш ва бу камчиликларни тугатиш чораларини қўриш керак. Бу — Қизил Армияни яхшилаш ва такомиллаштиришнинг ягона йўлидир».

Биз Бош штабдаги ёшлар (агар ўрта раҳбарлик лавозимларидаги унча кекса бўлмаган кишиларни шундай деб аташ мумкин бўлса) «Фронт» пьесасини партия сийбятининг ифодаси, партиянинг ҳарбий санъатимиз даражасини ва қўшинларга раҳбарлик услубини ошириш учун чақирик деб қабул қилдик.





Мақсуд ШАЙХЗОДА

ҲАЁТ ва ҲАҚИҚАТ КУЙЧИСИ

Ҳаёт ошиғи, замонамиз истиқболининг жўшқин куйчиси Мақсуд Шайхзоданинг туғилганига олтинчи йил тўлди. Мақсуд Шайхзода деганда ўзбек совет адабиётининг отахонларидан бири, ижодда балоғат касб этган шоир,

драматург, олим, муаллим, ҳозир жавоб публицист, моҳир тарихимон, талабчан, камтарин инсон сиймоси кўз олдимизга келади. Мақсуд Шайхзода ўзининг қирқ йиллик сербарака ва серқирра ижодий умрида ўттиздан ортқ

шеърый тўпламлар, «Жалолиддин Мангуберди» ва «Мирзо Улугбек» каби драматик обидалар, уч юзга яқин катта ва кичик илмий-тадқиқий ва публицистик асарлар яратди. Мақсуд Шайхзода, шоир ижодий умрининг мундарижаси, мақсади, бош ва етакчи мавзу — социалистик тузум мўъжизаларини, ҳаётий ҳақиқатини, совет кишилари инсоний фазилатининг бадиий инъикосини ифодалашда, деб билди ва бу эътиқодга ўзи изчил амал қилди. Дарвоқе, шоирнинг ўзи илк шеърларидан бирида:

Кунларимни олдим елнга,
Бордим карвон билан
Йўлимдан...

дейди. Дарҳақиқат, бу етакчи гоё — унинг бутун ижодий фаолияти учун асосий мезон бўлиб қолди. У «Мисранинг тугилиши» (1940) шеър-ида маъмур фикр ва бадиий муддаони янада аниқроқ ифодалайди:

Ватан берар шоирга ишқини,
Шўх қофия унга баҳона.
Шу Ватандан шуъла — нур олган
Мисра учун, айтчи, баҳона!

дея китоб қилади.

Мақсуд Шайхзода ижодхонасида буйёда келган шеър, баллада ва достонларни бирма-бир варақлар эканмиз, уларда ўттизинчи йилларнинг кураш, қуриш ва истиқбол сари интилиш; улуг Ватан руши йилларининг қийин, мураккаб, сермашаққат, лисин жанговарлиги, нур ва яхшилиқни зулмат ва ёвуз кучлар устидан галабаси муқаррар эканлигига юмил ишонч; урушдан кейинги тинч қурилиш йилларининг серташвиш ва серқирра ҳаётий лавҳалари; совет кишиларининг орзу, умидлари, фидр ва андишаларининг ҳақдоний тасвири; хоржий ўмпарлардаги мазлум элларнинг империалист босқинчиларга қарши мустақиллик ва миллий озошлик учун бошлаган мардонавор курашини қўллаб-қувватлаш, уларни зафарга ундаш етакчи мавзу ва гоёвий чизиқ эканини кўрамай. Бу мавзулар шоир

шеърларида инқилобий жўшқинлик, принципиал партиавийлик, коммунистик гоёвийлик ва юксак шуур билан куйланади. Айниқса, шоир шеъринингга қон, нур, жўшқин ҳарорат, куч ва қудрат бахш этган илҳом чашмаси — Ленин ва Коммунистик партиага, эл-юртга бўлган битмас-туганмас муҳаббат, садоқат ва миннатдорлик, принципиал партиавийлик. Шоир ўз фикрларини ҳаётининг сўнгги палласида ёзган «Келажакнинг саволларига жавоб» шеър-ида етук услуб ва маҳорат билан ифодалаган эди:

...Енгиллатиб биз уларнинг
сўроқларини,
Тулдирайлик ўзимиз
Аннетанинг варақларини:

- Қачон яшаб ўтдингиз?
- Йигирманчи асрда.
- Юртингиз, уй адресингиз?
- СССР деган ерда.
- Сиёсий қарашларингиз?
- Ленинизм деб билинг.
- Эргашган устозингиз?
- Ленин!
- Ҳақингиз, овозингиз?
- Ленин!
- Уқинган дарсхонангиз?
- Ленин!
- Ишлаган ишхонангиз?
- Ленин!..
- Севган қаҳрамонингиз?
- Ленин!
- Асрингизнинг мазмуни руҳи тафсири?
- Ленин!
- Замонангиз сарлавҳаси, ютуқлар сири?
- Ленин!

Ленин ва Ленин асри ҳақидаги бу куйма мутафаккирона мисралар шоир ҳаётининг жилосиз нарвози эмас, балки ҳар бири реал тарихий ҳақиқат ўти ва сўнмас ҳаётийлик руҳи билан йўғрилган, чинкам бадиийлик касб ётолган лирик-фалсафий обидадир.

«Салом дунёмиз тўйига — коммунизмга!» — дея китоб қилган шоир коммунизм кураётган қаҳрамонлар билан ҳамқадамдир.

М. ЗОКИРОВ,
филология фанлари номзоди.

ШАЙХЗОДА

Салом коммунизмга

Байрам гашти юзлаб меҳнат кунига яқун.
Ҳар кимнинг ўз тухфаси бор бу дастурхонга...
Модомики, улашганмиз захматлар юқин,
Роҳатни ҳам биз шеркили қўйсак майдонга!..
Ёруғ йўлда уфқларга борамиз дўстлар.
Ҳей, орқада қолаётган қимлар экан у?
Чаққон бўлинг! Тузатилин тезда кам-қўстлар.

Ҳатто фазо планга мос ишлар экан-ку!
Ҳар ким келар тўйимизга тухфаси билан,
Шодликларнинг алангали нафаси билан.
Гулчилар гули билан,
Олим усули билан,
Ишчи маҳсули билан,
Шоирлар шеър билан,
Пойтахтнинг ранслари
Тузаган шаҳри билан,
Гиламдўз гилам билан,
Ўқувчи қалам билан,
Хонанда мақом билан,
Ошпазлар таом билан,
Қизлар табасум билан,
Богбонлар узум билан,
Кончи қора гавҳар-ла,

Пахтакорлар оқ зар-ла
«Лаббай» дейди Улуг Ватан давватларига,
Салмоқ қўшиб аду юртнинг савлатларига.
Аммо, дўстлар, ўзбек элин фарахи — фахри
Мақол каби биз ёдлаган пахта-ку ахир!
Ваъдаларнинг энг нозиги, қўнғиллар баҳри
Эл олдида инсон берган ваъда-ку, ахир!
Ахир, қўшиқ ва дастурхон, узум ва гилам
Пахтамининг файзидан-ку, бари жамулжам!..

Марра яқин, ғайрат жўр.
Тўйга бўлсин зафар жўр!..
Салом яхши айёмларга, шод кунимизга!
Салом дунёмиз тўйига, коммунизмга!..

1962 йил, 5 ноябрь.

Маржон

ҚУШИҚ

Бўйингдаги қизил маржон,
Гилоссимон асил маржон.
Қош маржонинг бўлсайдим,
Бўйинингга ўралсайдим.
Нима, нима, нима-а?!
«Йўқ» дейсанми-а?!
Жафокор!!!

Бўйингдаги қизил маржон,
Унақамас, асил маржон.
Маржонингга қўл сурсам,

Қаерники, бир кўрсам!..

Нима дединг? Нима-а?

«Йўқ» дейсанми, а?

Дилдор!

Маржонларинг аргувоний,

Лабинг лаъли-бадахшоний.

Маржонинг ранги эмас,

Менга лабинг ҳусни бас!

Нима, нима, нима-а?

«Ҳа» дейсанми — ҳа?

Оҳ дилдор!

Энди «Ҳа» дейсанми-а?

Оҳ маккор!

1962 йил январь, Тошкент.


Рубойлар

ҚЎЛ ВА ФИКР

Қўлинг мускулнига қўшиқлар керак,
Қўлинг давлатидан тепади юрак.
Қўлимга чапдастлик бахш этар фикрим,
Фикримни тез қўлим айланди зийрак.

КҶЗ

Қанча нафис эди унинг нигоҳи,
Сузилиб боққанда у гоҳи-гоҳи —
Уйларим гўзаллик билан қўларинг
Азалдан ўқилган мангу никоҳи...



ТҮРТ


ОЁҚЛИ

„ПЕНСИОНЕРЛАР“




Термиз ҳайвонот боғи ташкил бўлганига энди йигирма йилдан ортди. Шунга қарамай бу жойда ҳайвон, нуш ва балиқларнинг 160 хилидан 800 дан кўпроғи сақланыпти. Урта Осиёдаги энг йирик бу ҳайвонот боғида анча-мунча «пенсионер» тўрт оёқлилар истиқомат қилади.

Шулардан бири «Данго» лақабли оқ айиқдир. У анча вақт циркда хизмат қилди, Совет Иттифоқи ва Италия кинематографчилари бирга-лиқда ишлаган икки бўлимли «Қизил чодир ёки Нобель экспедициясининг кутқарилиши» деган кинофильмда қатнашган.




«Маурна» лақабли филни жаҳонгашта деса бўлади. У Америка, Австрия, Франция ва бошқа кўп мамлакатларда томошалар кўрсатган. Ёши 54 да. «Маурна» пенсайиб қолганига қарамай ҳали ҳам ёшлигидаги шўхлигини кўмсаб қолади.



Уч тонна вазндаги тўққиз ёшли «Нельс» лақабли бегемот ҳам Лондон циркидан пенсияга чиқарилгандан сўнг Термизда ёшини яшапти.

«Найда» лақабли айиқни агар «Чин инсон қиссаси» кинофильмини кўрган бўлсангиз дарров танийсиз.

С. БЕЗНОВОВ фотолари.



**ТОШКЕНТ ШАХАР
ОКТАБР РАЙОНИ
УЗБЕНТ
МАХАЛАСИНИК
ИАОРАСИ ИШЛАДИ**
КЕЧ СОАТ 7 ДАН 10 ГАЧА
ЭРТАДАВ 8 ДАН 10 ГАЧА

ДОД ДАСТИНГДАШ

СОҒИЙИ СОҒЛОШ
УЗБЕК
ИСТИМОЛ
РЕСПУБЛИКА
МЕДИЦИНА УЧИЛИШИ



Бозорда қовун
торвузларни
истеъмол қилиш
маъ қилинади


ЧАЙХОНА

СССР САВОД МИНИСТРАЛИГИ
УМУМИЙ ОВАҚАТЛАРИНИ ВА САВОД
КОРХОНАЛАРИНИ ПОЛИХОНАНИ УРТА
АСНЕ ДОБЛАТ
ИНСТИТУТИ
СРЕДАЗГИПРОТОРГ

Ўқинг, аммо асло ҳавас қилман! Бундай саводсизликнинг адабини «Мўйчннак» берсин. Эҳтимол, бунақа «кашфиёт» шугина эмасдир.

Қ. БОБОЖОНОВ фотолари.

УЗБЕКИСТОН ССР
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРАЛИГИ
ДОРЯКОНЛАР БОШ ИДОРАСИ УЗГАПУ
НА
КЎЗ ДИКАЛАРГА МАХСУС МАГАЗИНИ



МЕҲМОНДОРЧИЛИККА

Хурматли редакция!

Томорқамиздаги картошкаларни қавлаб туриб, мана бу антиқа доналарга дуч келдим. Эҳтимол, журналхонларга қизиқ туюлар деб, сизларга юборяпман.

Носиржон САМИЕВ,
Фарғона область, Киров районидаги «Бешариқ» совхози.



Ҳар богнинг ўз гули, ҳар гулнинг ўз булли булгани каби, ҳар замоннинг ўз лайлиси, лайлининг маънуни бор. Айниқса, бизнинг замонамизга келиб лайли-мажнунлар кўпайди. Ҳар бир завод ва фабрикада, институт, техникум ё мактабда, истироҳат боғларида, ниҳоят, кўча-кўйда жуфт-жуфт бўлиб юрган ошиқ йигитлару маъшуқа қизларни кўрасиз. Ленин ҳамма лайли-мажнунларда муҳаббат ҳарорати бир хил эмас. Баъзиларнинг ишқи еттинчи лампадай зўрга оёқларининг тагини ёритса, айримлариники «Пахтанор» стадионига қўйилган машалларга ўхшаб етти маҳаллага нур сочади. Бу муборак нур эгалари бир-бирларини икки соат кўрмаса, гугурт чўпидай озиб кетадилару, кўнрақларини уч юз сўмлик диванга (захга эмас!) берадилар. Ана шундай лайли-мажнунлар (тўғрироғи, «чувак билан чувиха»лар) ҳаётига «ҳавасимиз» келганидан, улар шаънига беш-олти оғиз мадҳия ўқишга журъат этдик.

Шундай қилиб, ҳозирги замон «лайли-мажнун»лари ҳақида қасида.

Мана, рўпарағизда XX аср «мажнуни». Унинг тасвирига дил ҳайрон, қалам пушаймон. Қайси Лайлининг ишқи мажнун қилган эди, бу «мўйсафидни» «махан»нинг мулла жиригларини «пахан»нинг «баракалла, ўғлим»и «мажнун» қилган. Қайсининг қўли меҳнатдан қадон эди, бу «мажнун»нинг елкаси осма магнитофондан қабарган. Ана, қаранг оёғининг учини ликиллатиб турибди. Чамаси, «Бип-бип»гами, «халли-галли»гами муоом қилаётган бўлса керак. Ленин ҳам «Тановар» ё «Жонон»га эмас. Чунки «Тановар»дан гапирсангиз, пешанаси тиришади, «Жонон»дан сўз очсангиз, уҳ тортади.

Ҳамма чуванлар «эски» деган сўзни яхши кўришади. Масалан, «эски нарсаси» (яъни ҳаб, одоб), «эскилик» (қўлни кўнраққа қўйиб таъзим қилиш). Улар янгиликни ҳам жуда ёқтиришади. Масалан, «янги коньяк», «янги чувиха» ва ҳоказо. Хуллас, чуванларнинг бундай фазилатлари Амударёнинг балитидан ҳам кўп. Уларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Яхшиси мен сизларни «чувиха» билан таништириш шарафига муяссар бўлай. Мана у—туриш-турмушидан ой шарманда, гунча бағри қон, лола нўкси доғ, бир сўз билан айтганда «шарму ҳаб муборак!».

Нейинги пайта минн-юбна деган бир насобат тугилибди. Буни ўзбекчада «чорак кўйлак» дейишса керак. Мана шу «чорак кўйлак» дастидан трамвайларда қариллар жой индириб қолишибди. Негани, бир отахон энди ўриндиқча ўтирди, дегунча рўпарасида «чорак кўйлак» пайда бўларкан. Мўсафид деразага қараб ўтира-ўтира бўйни оғриб, ниҳоят сидирилиб туриб кетаркан. Шу заҳоти унинг ўрнига пўп этиб «чувак» чўнаркану, «чувихасини» мақтаркан:

— Епиштирдинг, старуха!— Кейин, аския нечасидагидай, иккови баравар нулиб юборишаркан.

Қулогимга уларнинг шангиллаб кулганлари эшитилдию, ҳаёлимга ҳазрат Навийнинг мана бу сўзлари нелди:

МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК МўЙЧНАК

Тарки адабдин бири кулгу дурур.
Кулгу адаб тарихга белгу дурур.
Ҳамоно, ҳаёлан «чувак»нинг тўнгиллаганини эшитаман:

— Нима, Навонийнгиз кулгига қаршимиз?
Йўқ, Ҳазрат Навоний кулгига қарши эмас, фанат у киши ҳали «берди»сини айтганлари йўқ. Кулги яхши, лекин:

Кулгуну ўз ҳақидин ўлди Вироқ,
Йиғламоқ андин эрур кўп ахшироқ,— дейдилар буюн зот.

Гап «чоран кўйла» ҳақида нотаётган эди. Мальгаш деган мамлакатда мини-юбка ҳақида махсус қарор қабул қилинибди. Кимки мини-юбкада юрса жарима солинаркан, ҳатто қамоқ жазосига ҳукм қилинаркан. Албатта, бундай тadbир бизга тўғри келмайди, нега десангиз «чувиҳа»ларимиз хафа бўлиши мумкин. Ахир улар ллангоҳ юришгани йўқ-ну, «чоран кўйла» кийса нима қилти?

Трамвайда нотаётгандик. Бир йигит бир қизга ширинига ҳазил ташлади. Қизи тушмагур ҳам ҳозиржавоб экан, жуда чиройли «ҳазил» қилди:

— Жим ўтиринг, ҳозир туфлигимни очиб озингизга ураман!

Қиз энгашди. Йигит шоганидан китоби билан озини бекитди. Бир оқсоч киши эса:

— Тили узун одамнинг ақли қалта бўлади, дейди Арасту,— дедону, туфлидан қўриқди, ўзини дарҳол оломонга урди.

— Арастунгиз ким бўпти!— шанғиллади қиз,— аввал ўзини эпласин!

Арастунинг намчиликларини очиб ташлаган бу қизга офарин демаган одам қолмади трамвайда.

Бир вақтлар қиз қўлтиқлаш айб эди, ҳозир ганимат. Энди қизга опичлаб юриш расм бўлибди. Кўчада биновидек йигитлар суқсурдай қизларга бутун бўнсасини ташлаб бораётганини кўрсангиз, «чувиҳа»ларга раҳмингиз келадди. Лекин «чуван»лар ҳам қарздор бўлиб қолишадигани йўқ. Жияла қўрса, улар мана бунанга йўл билан «чувиҳа»ларига хизмат қилаптилар: Ёзда Муқимий театри телевизорда бир томоша кўрсатди. Бир она, бир ўғил ва бу ўғил яхши кўрадиган бир қиз бўлади. Она худонинг зорини қилиб ёлворади: бор ўғлим, борақол, кўзичогим дейди. (Афтидан чўл-пўлга бўлса керак). Бироқ «кўзичоқ» кўнмайди. Сал нарида эса ҳалиги қиз она илтижоларини томоша қилиб турибди. Кампир ҳамон ялиналпти, ўғил ҳамон бормайман, деб оғини тирайди. Бир вақт ҳалиги қиз (албатта йигитнинг кўз очиб кўргани) югуриб она-боланинг ёнига келади-ю, «фалончи ака, борақолинг!» дейди гамба билан. Йигит ҳам жа-

Бош муҳаррир: Иброҳим РАҲИМ.
Таҳрир хайъати: Раҳим АҲМЕДОВ,
Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАБОРОВ,
Воҳид ЗОҲИДОВ, Исқандар ИКРОМОВ.
Соҳиб муҳаммадов, Иброҳим МУМИНОВ,
Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Утмат ОРИПОВ, Рустам РАҲ-
МОН (масъул котиб), Обид СОДИҚОВ, Олим
ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил
ЯШИН, Муҳаммадҷон УРОЗБОЕВ, Тошму-
хаммад ҚОРН-НИЕЗИЙ.

«Гулистон» — общественно-политический и
литературно-художественный иллюстриро-
ванный журнал ЦК КП Узбекистана
(на узбекском языке).

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47,
КАРЛ МАРКС КУЧАСИ, 30-УЙ.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳар-
рир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбоса-
ри — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ик-
тимоний-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-
бадий бўлим — В-33519. Қабулхона —
В-33519.

Теришга топширилди 30/IX-68 й. Бо-
сишга ижозат берилди 28/XI-68 й. Ҳожиго
70 × 108 1/2. Ҳажми 5,5 босма тобон. Буюртма
7625. Нуسخаси 145307. P 06128 Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Но-
митети Ўзбекистон нашриятининг босмахо-
наси. Тошкент шаҳри.



сорат кўрсатади. У ялт этиб қизга қарайди-да, хўп, ойинжон, борганим бўлсин, дейди. Вассалому ва калом! Она хурсанд, қиз хурсанд. Аюбийи уйланган-а томоша? Ахир ёрнинг обрўсини бундан бошқа йўл билан ошириб бўладими? Нима қилиб бўлса-да, ҳатто онанинг қадрини ерга уриб бўлса-да ёрнинг иззатини ўрнига қўйиш керак. Чунки у — ёр, бу эса, анчайин бир она...

Экан олдида ўтирганлар қувончдан даг-даг титради. Кампир кўшнимиз ўз таассуротини бир оғиз сўзда ифодалади:

— Беномус!

Бироқ кимнинг беномуслигини айтмай чиқиб кетди. Шуниси чатоқроқ бўлди.

«Чувак» билан «чувиҳа»ларимиз энг шимариб йўлга қўйётган савоб ишлардан бири — «горько». «Горько» деган нарсани ким чиқарганини билмаймизу, лекин ўша одам ҳозир тирик бўлса, кўлига беш метр чит олиб йигларди. Негаки, бу «горько» қўрғур тўйларда бўларди. Шунда ҳам баъзи меҳмонларнинг минг бир таваллуддан кейин кўвв памилдоридай қизариб йўлини қиларди. Ҳозир бўлса кўча-кўй, трамвай, такси, автобус тўла «чалп-чулп, чалп-чулп...» Бунақа чапиллашларни кўргангда чой деб зигир ёр ичиб юборган одамдай беҳузур бўласан, кўнглинг айниёйди. Муқимий бечора «бўса нархин ар-

зон қил» деб нуйган энанлар. Мана, энди бўса деганини сув текин!

«Чувак»ларнинг яна битта фазилатини айтиб ўтиш эсдан чиқаёзбиди. Раҳматлиқ Абдулла Қодирий бир вақтлар «Игнат» бўлган «Иноғом» ҳақида ёзган эди. Не бахти, орамиздан «Игнат»нинг қариндоши чиқиб қолди. Тошкентлик Рихсасий Шокиров бир думалаб отини «Роман» қилиб олибди. Ҳай, «Роман» бўлса ўзига, дерсиз. Йўқ, собиқ Рихсасий жуذا антиқа, ҳатто ибрат олса арзийдиган иш қилди. У кўзини чирт юмиб хотинининг фамилиясига ўтди-кетди. Шундай қилиб, энди Рихсасий Шокиров, деган одам йўқ. Ҳозир у Роман Бричак. Украинада йшайди. Тошкентдаги онасига алимент тўлайди, Украинада туриб, менга ўрсича хат ёздилар, ўзбекча бўлса жанжал чиқади деб кўз ёш қилади.

Табийки, фельетон қаҳрамонлари бўлмиш бу «чувак-чувиҳа»ларнинг тўқсон тўққиз фоизи на бир ерда ўқийди, на ишлайди. Шунинг учун юқоридаги фазилатларини санаб, юзига тинилсангиз, астойдил хафа бўлишадди. Е тачба! Ҳеч замонда одам ўзининг фазилатидан ҳам ор қиладими?

— Ҳали ёшимиз, старик, ўйнаб олиш керак,— дейди башарангизга қараб. Аммо бу «ёш»ларнинг ҳар бири қамида 18—20 йилни эгарлаб миниб олишган. Беихтиёр ёш суриштириб кетасан: Улугбек 16 ёшида юртга подшо бўлди, Алишер 18 ёшида Лутфийнинг ўн минг сатрига арзигулиқ газал битди, 20 яшар Ибн Синони дунёнинг ярми тамирди, Успирин Моцарт сеҳргар муслиқлар басталади, Спасский 18 ёшида грессмейстер эди! «Чувак»ларни ҳам анча-мунча одам танийди. Масалан, милицияхонадаги ўртоқлар, раис майдондаги «чувиҳа»лар, озиқ-овқат магазинининг қоровуллари...



Р. СОДИҚОВ расмлари.

Хуллас, бу ўч санкиз яшар бежирим гўдакларга «ховуч-ховуч кўз ёшига элтувчи қилмишлардан ташқари жамини бежирим нарсаларни тилаймиз.

Йигитларга маслаҳат

Баъзи бировлар ўзларининг юз териларини парварниш қилиш аёлларигагина хос, деб ўйлашади. Лекин французлар эрканларга ҳам косметикадан маслаҳат берилса фойдалан холи эмас, деб ҳисоблайди-лар.

Териси қуруқ эрканлар соқол олдирилганларида устара тўшмай кўп қийналишади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакики, терининг ҳақдан таш-

қари қуруқ бўлиши руҳан чарчашлик, асабийлашшига ҳам боғлиқ. Бундай одамлар кўпроқ сўт, қатиқ ва ёғли овқат истеъмол қилишлари маъқул.

Кўвда яланғоч юриш, юз-ни иссиқ сувда ювиш меъридан ортиб кетмаслиги керак.

Юзни кўвдагача тўтиб ётишдан олдин лосон суртинг. Денгизда чўмилсангиз, кетидан юзни-гизни чўчүк сувда ювинг,

Туз терини шўрлатиб юборади.

Соқол олиб бўлганингиздан кейин спиртсиз лосон ишла-тинг. Электробритава ишла-тиданлар эса лосонни соқол олтувга қадар юзларига сурт-ганларни маъқул. Ёзингизда бўлсин: тамаки тутуни терини кўрнати, яллиғлантиради. Оғизнинг яқини чети тез қуруқ-шайдиган бўлади. Ерилиб кет-маслиги учун вақти-вақтида ёғли крем суртиб туринг.

1969

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

Янги йил арафасида
Сиз харидорларга
байрам совгалари
сотиб олишни
таклиф этади:

эсдалик совға-салом-
лари упа-элик ва
пардоз буюмлари,
эркак ва аёл сарполари,
кийим-кечак, бош
кийимлари, пойабзал,
газлама, тўқилган
матолар,
фотоаппаратлар, чолғу
асбоблари,
грампластинкалар,
соатлар, чойнак-пиёла
ва идиш-товоқларнинг
мукамал йиғмалари
„Болалар дунёси“
расталарида (Ленин,
Карл Маркс, Киров
кўчаларида) ўйинчоқ-
лар ва арча бсзаклари
сотилади.





30 тийн

декс: 75233

